ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРЌШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**РАДЖАПОВ А.А.**

# Жаћон иќтисодиёти аграр ривожланишининг замонавий муаммолари

Тошкент – 2006

Мазкур ќўлланма ТошДШИ Халќаро алоќалар ва иќтисод факультети "МДЋ, Европа ва Америка мамлакатлари иќтисодиёти" кафедраси ўќитувчиси и.ф.н. А.А. Раджапов томонидан нашрга тайёрланган. Ќўлланма институт бакалавр босќичи талабалари, магистрантлар, аспирант ва илмий тадќиќотчиларга ћамда шу соћага ќизиќувчилар учун мўлжалланган.

Таќризчилар: и.ф.н. **Н.Б. ХОЛМАТОВ**

и.ф.н., доц. **Р. ДЎСМУРАТОВ**

© Тошкент давлат шарќшунослик институти, 2006

# КИРИШ

Жаħон иќтисодиётида ќишлоќ хўжалиги, аввало, аħолини озиќ-овќат маħсулотлари, саноатни хом ашё билан таъминлашда асосий манба бўлиб хизмат ќилиши билан аħамиятли ħисобланади. Жаħон ќишлоќ хўжалигининг фан-техника ютуќларига асосланган ħолда индустриал асосда юксалиб бориши, ундаги меħнат таќсимоти, ħар хил давлатларни ўз табиий, иќтисодий шароитидан келиб чиќиб ħар хил ќишлоќ хўжалик маħсулотларини етиштиришга ихтисослашиши, бир томондан, давлатлар ўртасидаги ўзаро иќтисодий алоќаларни ривожлантирса, иккинчи томондан, интеграцион жараёнлар кучайишига олиб келмоќда.

Кейинги йилларда ќишлоќ хўжалик маħсулотларини ќайта ишлаш тармоќларининг кескин ривожланиб бориши соħанинг жаħон иќтисодиётидаги аħамияти янада ошаётганидан далолат беради. Бу жаħон иќтисодиётида аграр ривожланишнинг долзарб муаммоларини, унинг иќтисодини, ќишлоќ хўжалиги маħсулоти ишлаб чиќаришнинг асосий омиллари бўлган ер, сув ва меħнат ресурслари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш заруратини янада оширади.

Ушбу маъруза матнида жаħон иќтисодиёти аграр ривожланишининг замонавий муаммолари, миллий иќтисодиётларда ќишлоќ хўжалигининг ħозирги аħволи, аграр соħа айрим тармоќларининг иќтисодиёти ва соħанинг халќаро иќтисодий ħамда фан-техника алоќалари тизимида тутган ўрни ёритилган.

Маъруза матни ТошДШИ Халќаро алоќалар ва иќтисод факультети ХМИ бакалавр босќичи талабалари учун тайёрланган.

# 1-мавзу. Махсус курснинг предмети, услуби ва вазифалари

***1. Курснинг предмети ва вазифалари.***
***2. Жаћон ќишлоќ хўжалигининг асосий тараќќиёт тенденциялари.***
***3. Халќаро иќтисодий алоќалар ва фан-техника алоќалари.***

## 1. Курснинг предмети ва вазифалари

«Жаћон ќишлоќ хўжалиги» фани жаћон ќишлоќ хўжалиги ижтимоий-иќтисодий тузилишини, минтаќалар ћамда айрим мамлакатларда тараќќий этишининг ўзига хос хусусиятларини, ќишлоќ хўжалигининг инсон ћаётида тутган ўрни, бу борадаги техник-иќтисодий шароит, бозор муносабатлари, иќтисодий механизм, табиий ресурслар, мећнат ресурслари ва моддий-техника базаси, дећќончилик ва чорвачилик маћсулотларини жаћон миќёсида етиштириш кабиларни ўргатади.

Бунда жаћон мамлакатлари ќишлоќ хўжалиги 3 гурућ – ривожланган мамлакатлар, демократия асосида ривожланаётган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар бўйича ўрганилади.

Ќишлоќ хўжалиги моддий ишлаб чиќаришнинг асосий ва энг ќадимги тармоќларидан бири бўлиб, аћолига озиќ-овќат маћсулотларининг аксарият ќисмини ва саноат учун хом ашёнинг анчагина ќисмини етказиб беради. Ќишлоќ хўжалиги асосан иккита йирик тармоќдан – дећќончилик ва чорвачиликдан иборат. Бу икки соћа аћоли учун дећќончилик ва чорвачилик маћсулотлари етказиб беради. Ќишлоќ хўжалиги ўсимлик ва чорвачилик маћсулотларини дастлабки ќайта ишлайдиган бир ќанча тармоќларни ћам ўз ичига олади. Иќтисодий жићатдан фаол аћолининг тахминан ярми, камроќ тараќќий этган мамлакатларда эса кўпинча 80–90 % дан ортиѓи ќишлоќ хўжалигида банд. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача 60 % дан ортади, ривожланган мамлакатларда 10 % ни ташкил этади. Ќишлоќ аћолисининг ижтимоий муаммолари, жойлашиши ќишлоќ хўжалиги билан чамбарчас боѓлиќдир. Бир ќанча мамлакатларда ўрмон хўжалиги ћам ќишлоќ хўжалиги таркибига киради.

Ќишлоќ хўжалиги аћоли учун озиќ-овќат маћсулотлари етказиб бериш билан бирга, ќатор саноат тармоќларини (озиќ-овќат, омихта ем, тўќимачилик, дори-дармон, атир-упа саноати ва

бошқалар) хом ашё, от-улов (йилқичилик, буғучилик ва ҳоказо) билан таъминлайди, деҳқончилик тармоқлари (далачилик, сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик ва бошқалар) ҳамда чорвачилик тармоқларини (қорамолчилик, чўчқачилик, қўйчилик, паррандачилик кабилар) ўз ичига олади. Бу тармоқларни биргаликда ривожлантириш моддий ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўлами кенгайиб, маҳсулот етиштириш ҳажми ўсиб бораётганлигига қарамай, дунё аҳолисининг муайян қисми тўйиб овқат емайди, ўн ва ҳатто юз миллионлаб аҳоли кўпинча оч қолади. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг анчагина қисми, ривожланган мамлакатлар аҳолисининг моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган гуруҳлари ана шулар жумласидандир.

Ривожланган мамлакатларда меҳнат ресурсларининг 2-5 %, кам тараққий этган аксарият мамлакатларда эса 90 % га яқини қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат қилади.

2002 йилга келиб жаҳон аҳолиси 6 млрд. дан ошиб кетди. Бу кўрсаткич йил сайин ортиб бориши кутилмоқда. Уларни озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш учун ҳар йили озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 3–4 %га ошириб бориш керак. Ҳар бир мамлакатда қишлоқ хўжалигининг ривожланишида ўзига хос ички хусусиятлар эътиборга олиниши талаб қилинади. Бу эса табиий, ижтимоий, иқтисодий ихтисослашувни тақозо этади.

Ҳар бир мамлакатнинг халқаро алоқалари (савдо, иқтисодий алоқалар, меҳнат ресурслари миграцияси) шу мамлакат қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ташқи томонларини ифодалайди. Маълумки, қишлоқ хўжалиги экстенсив ва интенсив асосда ривожланиши мумкин. Фан ютуқлари, техника тараққиёти, кимёлаш интенсив ривожланишнинг асосини ташкил этиши зарур. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда интенсив ривожланиш устуворлик қилади. Кам ерли мамлакатлар, хусусан, Япония ва Ғарбий Европадаги кичик мамлакатларда гектарига 300-400 кг. ўғит солинади.

***Табиий шарт-шароит*** деганда, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига бевосита таъсир этувчи омиллар – ер ресурслари, ўсимликларнинг ўсиб-униши, иссиқлик, намлик, ёруғлик дара-

жалари тушунилади. Ер – ќишлоќ хўжалигида асосий восита-дир. Ер юзида ќишлоќ хўжалиги учун яроќли ер ћажми – 4,5 млрд. гектар бўлиб, унинг ћаммасидан тўлиќ фойдаланилмайди.

Фойдаланиладиган ерлар собиќ СССРда 16%, Европада – 10%, ва Океанияда – 3 % ни ташкил этади.

## 2. Жаћон ќишлоќ хўжалигининг асосий тараќќиёт тенденциялари

Ќишлоќ хўжалиги ќадим замонлардан ривожлана борган. Маданий ўсимликлар вужудга келган ћудудларда, Лотин Америкаси ва Африканинг тоѓли районларида, Осиёнинг дарё ћавзаларида дећќончиликнинг вужудга келганига кўп минг йиллар бўлган. Ѓарбий ярим шарда, Австралияда ва бошќа бир ќанча ћудудларда янги ќишлоќ хўжалик районлари вужудга келган. Бу ўлкалардаги катта майдонларда ерларнинг ўзлаштирилиши капитализмнинг тараќќиёти билан боѓлиќдир.

Ривожланган мамлакатларнинг аграр муносабатлари майда соћибкорларнинг ќашшоќликда ћаёт кечиришида ва оммавий равишда хонавайрон бўлишида, йирик ќишлоќ хўжалик корхоналари иќтисодий ќудратининг ўсишида, ќишлоќ хўжалик ишлаб чиќаришига молия ва савдо-саноат монополияларининг кириб боришида ўз аксини топди. Ерга бўлган йирик мулкчилик ундан бевосита ишлаб чиќарувчиларни ажратиб олиш йўли билан ёлланма ишчилар синфининг пайдо бўлишига имкон яратади.

Фабрика-фермалар, агрокомплекслар ва йирик оилавий фермалар ривожланган мамлакатларда товар маћсулот етказиб берадиган асосий хўжаликлар бўлиб ќолди. Фабрика-фермалар индустриал турдаги йирик ихтисослашган йирик ќишлоќ хўжалик корхоналари бўлиб, чорвачилик маћсулотлари етиштиришда технологик даврнинг айрим жараёнини (моллар ва паррандаларни семиртириб боќиш, сўйиш ва ћ.к.) бажаради. Агрокомплекслар ћам индустриал турдаги йирик ќишлоќ хўжалик корхоналари сирасига киради, ишлаб чиќаришнинг барча босќичларини ќамраб олади. Уларда айрим жараёнлар хўжаликнинг тегишли тармоќларида бажарилади.

Ривожланаётган мамлакатларда ќишлоќ хўжалик ишлаб чиќариши ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча катта роль ўйнайди. Ялпи ички маћсулотда ќишлоќ хўжалигининг

салмоғи ривожланаётган мамлакатларда ўртача 22 % ни, ривожланган мамлакатларда 4 % ни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда ривожланган мамлакатларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмидан кўпроғи етиштирил-моқда. Лекин қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ва энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқлари асосан ривожланган мамлакатларда тўпланган. Ривожланаётган мамлакатлар эса аграр хом ашё учун қўшимча ҳудуд бўлиб қолмоқда. Айнан шу мамлакатлар аграр иқтисодиётида ишга лаёқатли аҳолининг ярмига яқини банддир. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ривожланаётган мамлакатлар учун жуда қийин ва оғир вазифа бўлиб қолмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда аграр масаланинг ҳал қилиниши қишлоқларда ишлаб чиқариш муносабатларининг барча эскирган шаклларини тугатишга имкон беради. Ер муносабатларига жиддий ўзгаришлар киритувчи туб аграр ислоҳотлар Осиё ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар олдида турган долзарб вазифадир. 2000 йилги маълумотларга кўра, жаҳонда 6 млрд.дан ортиқ аҳоли яшайди. Бу кўрсаткич 1960 йилда 3 млрд. эди. Демак, 2000 йилга келиб, аҳоли сони 2 маротаба ўсган. Уларни озиқ-овқат билан таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Дунё аҳолисининг 60–70 % ўртача даражада овқатланади. Жаҳон мамлакатларида аҳоли жон бошига озиқ-овқат ишлаб чиқариш кўрсаткичи индекси суръатлари жуда секин ўсмоқда.

Ҳанузгача айрим мамлакатларда (Марокко, Непал) ер феодал мулк ҳисобланади. Шимолий Африка мамлакатларида (Уганда, Камерун, Таиланд) феодал ёҳуд ярим-феодал муносабатлар учрайди.

Ер муносабатлари Осиё ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар учун мураккаб масала ҳисобланади. Ривожланган капиталистик мамлакатлар аграр муносабатлари йирик қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий қудратининг ўсишида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига молия ва савдо-саноат монополияларининг кириб боришида ўз аксини топади.

## 3. Халќаро иќтисодий алоќалар ва фан-техника алоќалари

Халќаро муносабатлар ћар томонлама, айниќса, савдо алоќалари ёрдамида жорий этилмоќда.

1981 йилда Европа мамлакатлари ћамкорлигига (ЕЭС), Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Голландия, Люксенбург, Буюк Британия, Дания давлатлари аъзо бўлиб кирган.

Жаћон миќёсида экспорт ќилинадиган маћсулотларнинг 60 % ривожланган мамлакатлар ћиссасига тўѓри келмоќда. Ўзбекистон Республикасида 2000 дан ортиќ ќўшма корхона ишлаб турибди. Улар орасида айниќса, «Coca-cola», "Ренк Ксерокс" (Англия), «Деу корпорешн» (Корея), «УзБАТ» (Англия), «Турсель», «Узотойўл» (Туркия), «Буллери» (Швейцария) каби ќўшма корхоналар машћур.

Ўзбекистон Республикаси жаћондаги 157 йирик банк билан алоќа ўрнатган.

1996 йил Ўзбекистонда 3-жаћон конференцияси ўтказилиб, у Ўзбекистон Республикасида бизнесни ривожлантириш, бошќа ривожланган мамлакатлар билан савдо алоќаларини ўрнатиш масалаларига баѓишланган.

Ўзбекистон Республикасининг АЌШ, Германия, Япония, Франция, Италия, Буюк Британия каби мамлакатлар билан савдо алоќалари ривожланмоќда. Шунингдек, Хитой, Ћиндистон, Покистон каби ривожланаётган мамлакатлар билан ћам савдо алоќалари ўрнатилмоќда. Мустаќилликка эришганимиздан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси экспорт салоћиятини кенгайтириб бормоќда.

Мева ва сабзавот маћсулотлари экспортига ќараганимизда, ЯИМ, экспорт салмоѓи 1994 йилда 16,8 % ни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб 36 % га етган. Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маћсулотлари ташќи кўриниши ва мазасига кўра, жаћон бозорида энг харидоргир ћисобланади. Дарвоќе, Ўзбекистонда етиштирилган узумдаги ќанд миќдори 18–30 % , помидордаги ќуруќ модда миќдори 5,5 % ни ташкил этди. Бу Европа мамлакатларида етиштирилган шу турдаги маћсулотлар таркибидаги бундай моддалар миќдоридан анча юќори.

Ўсимликчилик тармоѓида Ўзбекистон бўйича 2000 йилда 839,8 млрд. сўмлик маћсулот етиштирилган бўлса, шундан

65 % деђќон, 29,8 % ширкат ва 5,2 % фермер хўжаликлари улушидир.

**Айрим турдаги ќишлоќ хўжалиги маҳсулотлари бўйича экспорт ва импорт кўрсаткичлари (минг т.)**

| Маҳсулот турлари | Йиллар | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1999 | | 2000 | | 2001 | | 2002 | |
| | экс-порт ( % ) | им-порт ( % ) | экс-порт | им-порт | экс-порт | им-порт | экс-порт | им-порт |
| Сут маҳсу-лоти, тухум, парранда | 0,2 | 46,5 | 0,1 | 39,2 | 0,02 | 31,8 | 0,5 | 21,5 |
| Сабзавот | 47,9 | 7,0 | 28,9 | 3,9 | 42,1 | 4,0 | 26,1 | 5,4 |
| Мева, полиз | 56,9 | 3,7 | 34,4 | 2,0 | 34,0 | 1,8 | 42,9 | 6,6 |
| Ун маҳсулоти | 0,05 | 18,5 | 0,1 | 142,1 | 0,005 | 12,6 | 0,3 | 79,0 |
| **ЖАМИ** | **105,5** | **242,2** | **63,4** | **187,2** | **76,12** | **50,4** | **49,8** | **112,5** |

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» фаолиятининг таҳлили кўрсатишича, тармоќ экспорт потенциали талабга жавоб бермайди. Бунинг сабаби ќуйидагилардан иборат:

1. Товар ишлаб чиќарувчилар (деҳќон, фермер хўжаликлари) ўз маҳсулотлари сотиладиган бозор ҳаќида етарли маълумотга эга эмаслар.

2. Мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб берувчилар бу турдаги маҳсулотларга, жумладан, уларнинг сифатига ќўйиладиган талабларни билмайдилар.

3. Товар маҳсулотини ўраш ёки тара билан таъминлаш йўлга ќўйилмаган.

4. Экспортни ташкил этиш механизми яхши ишламайди.

5. Савдо бўйича вакил ва савдо уйи йўќлиги ишга халаќит бермоќда.

6. Транспорт харажатлари жуда кўп.

7. Босиб ўтилган йўлларда рекетга дуч келиш ҳоллари учрамоќда.

Ўзбекистон Республикасида пахта хом ашёсини экспорт ќилиш маќсадида йирик инфратузилма ташкил топмоќда. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, республикамиз пахта толасини жаҳон бозорига олиб чиќариши учун бир неча мамлакатлар билан алоќа ўрнатиши талаб этилади. Негаки, жаҳон бозорига чиќиш

учун, албатта, 2 ёки учта мамлакат ҳудудини босиб ўтишга тўғри келади. Бу, ўз навбатида, маҳсулот қийматига таъсир этади. Ўзбекистонда пахта бўйича бир неча база-терминалларни қуриш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу терминалларнинг ҳар бири 10 минг тонна пахта толасини сақлаш имкониятига эга бўлиши лозим. Шунда пахта толасини мамлакатимизнинг ўзида хорижликларга сотиш ва Америка, Осиё, Европа мамлакатларига жўнатиш мумкин бўлади.

Агар сотиб олинган пахта толаси вақтида олиб кетилмаса, уни вақтинча сақлаш ташкил этилиб, ҳар 1 тоннаси учун 15-45 АҚШ доллари миқдорида ҳақ олинади.

Наманган вилоятида 2002 йил 27 августда янги терминал ишга туширилди. Бошқа терминаллар каби 8–10 гектар ерни эгаллаган бу терминал Фарғона водийсидаги пахта заводлари томонидан тайёрланган пахта толасини экспорт қилиш ишларини бажаришда қулайлик туғдирмоқда. Терминал юқори малакали мутахассислар ва автоюкловчи машиналарга эга. Бу ерга келиш, юклаш ва юкларни олиб кетиш учун шароит яратилган. Бундай терминаллар Бухоро ва Сирдарё вилоятларида ҳам ишлаб турибди. Улар Бухоро, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятларидаги пахта заводларида ишлаб чиқарилган пахта толасини хорижга сотишга хизмат қилади. Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам шундай терминаллар қуриш мўлжалланган.

Халқ хўжалигининг мақсадга мувофиқ ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш суръатига боғлиқ. Биргина енгил ва озиқ-овқат саноатларининг 30 дан ортиқроқ тармоқлари қишлоқ хўжалигида етиштирилган хом ашё асосида ишлайди.

Жаҳон мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ўзига хос ички ва ташқи шароит таъсирида кечади. Ички шароитга мамлакат доирасида табиий, иқтисодий, ижтимоий шароитлар, агротехника ихтисослашуви киради. Ташқи шароит халқаро муносабатлар, савдо, қўшма корхоналар, иқтисодий муносабатлар, ишчи кучлари миграциясини ўз ичига олади.

Шунга кўра, жаҳон қишлоқ хўжалиги Домбравский маълумоти бўйича 7 туманга бўлинади:

1. Африканинг Жанубий саҳроси;
2. Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари;
3. Жанубий ва Шарқий Осиё;

4. Австралия ва Океания;
5. Жанубий ва Марказий Америка;
6. Шимолий Америка;
7. Европа мамлакатлари.

Жаћон миќёсида ќишлоќ хўжалиги иќтисодиётига доир муносабатлар кенг доирада олиб борилади. Улардан энг асосийси ќишлоќ хўжалиги маћсулотларининг халќаро савдосини уюштиришдир. Уни жаћондаги ћамма мамлакатлар жорий этади.

Ривожланган мамлакатларнинг ташќи савдо сиёсатида аграр протекционизм ћукмронлик ќилади. Протекционизм экспортни раѓбатлантириш, импортни чеклаш ћамда импорт моллардан олинадиган бож ћаќларини ошириш ва шунга ўхшаш бошќа тадбирларда ўз ифодасини топади.

БМТ экспертлари фикрича, озиќ-овќат муаммосини ечиш учун унинг ћажми ћар йили 6 % ошириб борилиши талаб этилади.

Ривожланаётган мамлакатлар асосан яќиндагина ўз мустаќиллигига эришган мамлакатлардир. Лекин улар ћанузгача империалистик мамлакатларга ќарам. Чунки ќишлоќ хўжалиги маћсулотлари бозори империалистик мамлакатлар ихтиёрида. Ривожланган капиталистик мамлакатлар импорт маћсулотлар учун паст, кўпгина маћсулотлар, айниќса, тропик ва субтропик зоналардан келтирилган ќишлоќ хўжалик маћсулотлари учун юќори баћо белгилайдилар. Натижада ноэквивалиент алмашинув юзага келади. Булар ривожланган мамлакатларга салбий таъсир этади.

**Назорат саволлари:**

1. *Курснинг предмети ва вазифалари нималардан иборат?*
2. *Ќишлоќ хўжалиги миллий даромадни яратишда ќандай аћамиятга эга?*
3. *Ќишлоќ хўжалиги озиќ-овќат маћсулотлари етиштиришнинг асосий базаси эканлиги нима билан белгиланади?*

**Адабиётлар:**


1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*

3. *Хакимов Р., Отаќулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иќтисодиёти. Ўќув ќўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Ћамдамов Ќ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ћакимов Р.Х., Ўроќов Н.И, Арипов И.М. Жаћон ќишлоќ хўжалиги. Ўќув ќўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуѓаниев А., Абдуѓаниев А.А. Ќишлоќ хўжалиги иќтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Дећќон хўжалиги тўѓрисида»ги Ќонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ќўллаб-ќувватлаш бўйича ќонунчилик ћужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўѓрисида»ги Ќонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ќўллаб-ќувватлаш бўйича ќонунчилик ћужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*
9. *Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик ширкатлари тўѓрисида"ги Ќонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ќўллаб-ќувватлаш бўйича ќонунчилик ћужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат ќилиш тўѓрисида"ги Ќонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўѓрисидаги ќонун ћужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иќтисодиёт ва ћуќуќ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамасининг "Иќтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўѓрисида"ги ќарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ќўллаб-ќувватлаш бўйича ќонунчилик ћужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иќтисодиётни эркинлаштириш ва чуќурлаштириш - Ўзбекистон мустаќиллигини мустаћкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*
13. *Каримов И.А. Бизнинг бош маќсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоћ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*

15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*
22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. –М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*

32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. – М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. – №10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. – №7. – С. 41-48.*
39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. – №1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

**Интернет сайтлари**

1. *Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html*
2. *Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Академия, 2003, http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm*
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций. 2002, http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Н.Я.Коваленко. Экономика сельского хозяйства. М.: ЮРКНИГА, 2004. http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*

5. *www.bearingpoint.uz.*

## 2-мавзу. Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва таркиби

1. ***Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти.***
2. ***Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси).***
3. ***Агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни.***
4. ***Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.***

### 1. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш шу даражада юксалиб бормоқдаки, иқтисодиётнинг турли тармоқлари бир-бири билан жуда чамбарчас боғланиб қолмоқда. Уларнинг боғланиши, айниқса, технологик жиҳатдан ўзаро тўлдирувчи тармоқларда кучли. Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларда бу жараён жуда ёрқин намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, уни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи, қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳалар иқтисодиётини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу тармоқлар ягона бир тизимни ташкил этади ва уларнинг мутаносиб ишлаши пировард натижанинг яхши бўлишини таъминлайди. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан саноатнинг бир бутун кўриниш олаётгани тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, “Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг” компаниясига қарашли ширкат заводлар, сутни қайта ишловчи айрим корхоналар, шунингдек, иссиқхоналар, парандачилик фабрикалари бунга мисол бўла олади. Бу соҳаларда бир юридик мақомга эга корхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва шу корхонанинг ўзида у даслабки қайта ишлаш жараёнидан ўтади баъзан, тўла қайта ишланади. Бу корхоналарда ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги даражасидан юқорилашиб, маълум маънода саноатлашиб кетган. Агросаноат интегарациясининг янада чуқурлашиб бориши объектив жараёндир. Бу, албатта, қишлоқ хўжалигининг ва умуман, агросаноат мажмуасининг ривожланишига олиб келувчи жараёндир.

Агросаноат интеграциясининг ва кооперациясининг маҳсули сифатида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб мамлакатимизда агросаноат мажмуаси ягона тизим сифатида шаклана бошлади.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш каби ягона, мақсадларга бўйсундирилган тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Иқтисодий фан мамлакат, ҳудуд ва маҳсулот турлари бўйича "агросаноат мажмуаси" тушунчаларини фарқлайди. Шунга кўра, агросаноат мажмуаси:

- Мамлакат агросаноат мажмуаси;
- Ҳудуд агросаноат мажмуаси;
- Ихтисослашган (гўшт, сут, дон, сабзавот ва полиз каби маҳсулот турларини етиштириш билан шуғилланувчи) агросаноат мажмуаларидан иборат.

Мамлакат агросаноат мажмуасига қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар (қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи заводлар, омуҳта ем заводлари, минерал ўғитлар тайёрловчи заводлар ва ҳ.к.), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи (пахта заводлари, донни қайта ишловчи элеваторлар, гўшт, сут комбинатлари, жун заводлари, пиллани қайта ишловчи заводлар ва бошқалар), қайта ишловчи ва тайёр, охирги маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва хизматлар киради. Бундан ташқари, ушбу жараёнларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий тузилма ҳам унинг таркибига киради.

Ҳудуд агросаноат мажмуаси эса маълум бир ҳудуд (иқтисодий ҳудудлар, вилоятлар, воҳалар, базан туманлар) доирасида амал қилади. Уларнинг таркибига айрим корхона ва тармоқлар (республика мақомига эга бўлган, мамлакатнинг барча ҳудудлари учун хизмат кўрсатадиган) кирмаслиги мумкин. Масалан, агарда трактор ёки комбайн ишлаб чиқарувчи завод ўша ҳудудда жойлашмаган бўлса, регион агросаноат мажмуаси таркибига кирмайди.

Маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига қараб агросаноат мажмуаси икки катта бўлинмага эга бўлади. Булар: озиқ-овқат ва ноозиқ – овқат маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи агросаноат мажмуаларидир. Ўз навбатида, ҳар икки агросаноат мажмуаси бирор маҳсулот тури билан боғлиқ мажмуаларга бўлинади. Сут, гўшт, дон, пахтачилик агросаноат мажмуалари бунга мисол бўлади.

## 2. Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси)

Мамлакат агросаноат мажмуаси 4 та соҳадан ташкил топади. Булар қуйидагилардир.

***1-соҳа.*** Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик, минерал ўғит ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати, чорвачилик учун омуҳта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи ихтсослашган корхоналар кабилар киради.

***2-соҳа.*** Қишлоқ хўжалигининг ўзи. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этади ва мажмуанинг бошқа соҳасига кирувчи тармоқлар асосан шу тармоқ маҳсулотлари асосида фаолият юритадилар ёки хизмат кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалиги, ўз навбатида, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларига бўлинади. Бундан ташқари, агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табиий озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда баликчилик киради.

***3-соҳа.*** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндисидан иборат. Пахта заводлари, гўшт, сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой заводлари, жунни, канопни ва пиллани қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибини ташкил этади.

***4-соҳа.*** Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси. Инфратузилманинг ўзи иккига бўлинади. Биринчи қисми ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир. Мамлакат агросаноат мажмуасининг умумий кўринишини қуйдагича ифодалаш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг таркибини қуйидаги 4 соҳага кирувчи тармоқлар бирлашиб, мамлакатнинг ягона агросаноат мажмумасини ташкил этади.**




## 3. Агросаноат мажумасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

Мамлакат иқтисодиётида агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни жуда катта. Унинг ўрни, энг аввало, мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи билан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатда яратилаётган ялпи маҳсулотнинг 70 фоизига яқини агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилади. Республика агросаноат мажмуаси экспортбоб маҳсулотлар етиштиради ва мамла-

кат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган қаттиқ валюта тушумини таъминлайди. Мамлакат иқтисодиётига тушаётган қаттиқ валюта иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилишга, юрт хавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадларига сарфланади. Ҳозирда қаттиқ валютанинг 70 фоиздан кўпроғи шу мажмуа маҳсулотларини сотишдан тушади. Агросаноат мажмуаси мамлакатда мавжуд ижтимоий муаммоларни юмшатишда асосий ролни ўйнайди. Мажмуа аҳоли учун иш жойлари беради. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2005 йилнинг 1 сентябр ҳолатига кўра 26 млн. кишини ташкил этади. Мамлакат аҳолисининг ўртача ёши нисбатан ёш ҳисобланади. Аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи ўсмир ва ёшларни ташкил этади. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиёти олдида янги муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки нисбатан ёш аҳолига эга бўлиш аҳолининг табиий ўсишига нисбатан меҳнат ресурсларининг тез ўсишига олиб келади. Масалан, республика аҳолисининг табиий ўсиши 2000-2004 йилларда йилига ўртача 1,7 фоизни ташкил этган ҳолда меҳнат ресурслари шу йиллар ичида 2,3 фоизга ошган. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг 75 фоизидан кўпроғи агросаноат мажмуасида банд. Мамлакат иқтисодиётидаги асосий тармоқлар шу мажмуага кирганлиги сабабли асосий фондларнинг (активларнинг) асосий қисми агросаноат мажмуасида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жуда катта ресурслари агросаноат мажмуаси тармоқларида жойлашганлиги унинг аҳамиятини янада оширади. Бу ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланиши, аҳолининг турмуш даражасини ошириш тўғридан-тўғри шу мажмуанинг фалояти билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг фаолияти самарали бўлса, халқнинг турмуш даражаси юқори бўлади ёки аксинча. Шу сабабли агросаноат мажмумасини ривожлантириш республика иқтисодиётининг устувор йўланиши сифатида белгиланган.

## 4. Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Агросанот мажмуасини ривожлаништириш ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси иқтисодиётнинг нисбатан яхши ривожланган соҳаси ҳисобланади. Унинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки бу соҳа катта молиявий ресурслар талаб қилмасдан, яхши самара бера оладиган соҳадир. Бошқа тармоқларни ташкил этиш ва ривожланиш, ўз навбатида, катта молиявий ва янги соҳада ихтисослашган асосий воситалар, меҳнат ресурсларининг бўлишини талаб қилади. Агросанот мажмуаси эса, Ўзбекистон Республикасининг тарихий мавжуд бўлган ва ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агросаноат мажмуасини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси учун энг муҳим устувор йўналишлардан биридир.

1991–2002 йиллар ичида мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўзгаришлар юз берди. Мамлакат кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан борди. Шу йиллар ичида мамлакат агросаноат мажмуасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришни таъминлайдиган ҳуқуқий база яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Агросаноат мажмуасида давлатнинг улуши минималлаштирилди ва новдавлат сектор ҳал қилувчи асосий кучга айланади. Ҳозирда мамлакат қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 99 фоизидан кўпроғи нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигида хусусий мулкка (ердан ташқари) асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил топиб, улар жадал ривожланиб бормоқда. 2003 йилнинг 1 январига келиб мамлакат қишлоқ хўжалигида жами бўлиб 77 мингта фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб турибди. Олиб борилган чуқур ислоҳотлар натижасида мамлакатда дон етиштириш ҳажми кескин кўпайди. Агарда 1992 йилда жами бўлиб 2,2 млн. тонна дон етиштирилган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 5,4 млн. тоннани ташкил этди. Шу йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида олдин кўп миқдорда етиштирилмаган мойли ўсимликлар маҳсулотлари, қанд лавлаги ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари

етиштириш ҳам кескин кўпаймоқда. Чорвачилик тармоғи ривожланиши эса, аксинча, қониқарли ҳолатда эмас. Сут, гўшт, етиштириш ҳали 1990 йил даражасида турибди. Тухум етиштиришса ҳажман 3 мартадан ортиқроққа камайган.

Шу сабабли йиллар ичида чорва молларининг бош сони кескин камайиб кетишга йўл қўйилмади. Шунга қармасдан уларнинг бош сонини янада кўпайтириш зарурати бор. Республика қишлоқ хўжалигида мавжуд чорва молларнинг зоти кейинги йилларда яхшиланган эмас. Бу борада жуда катта ишлар қилиниши керак. Мамлакатда чорва молларининг бош сонини кўпайтириш, уларнинг янги, сермаҳсул зотларини яратиш ёки сотиб олиш, чорвачиликнинг емхашак базасини мустаҳкамлаш зарурати бор. Чорвачиликнинг моддий-техника базасини мустакамлаш ва янги технологилар жорий этиш бугунги кун талабидир.

Чорвачилик турғунликка қармасдан кейинги йилларда умуман, мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ишлаб чиқариш йилига 4,5 фоизга ўсмоқда.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқлари олдида мақсадли қуйдаги асосий вазифалар турибди.

• Маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш. Бу борада катта ишлар амалга оширилиши лозим. Чунки мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрига мос равишда таминланиш даражаси ҳали анча паст. Айниқса, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш лозим. Мамлакатда дон етиштириш 10-12 млн. тоннага етказиш, гўшт, сут етиштиришни энг камида икки, тухум етиштиришни 3 мартага кўпайтириш талаб қилинади. Албатта физиологик меъёр (энергия олиш) нуқтаи назаридан озиқ-овқат муаммоси мамлакатда тўлиқ ҳал этилган. Аммо озиқ-овқат муаммоси ижтимоий – иқтисодий томондан баҳоланганда, катта муаммо бўлиб турибди. Гап шундаки, физиологик меъёр бўйича олинаётган энергия қайси маҳсулотларни истеъмол қилиш эвазига ҳосил бўлмоқда, деган савол туғилади. Ҳозирда мамлакат аҳолиси озиқ-овқатдан олинаётган энергиянинг асосий қисми нон ва нон маҳсулотлари, картошка, углеводлар ва меваларни истеъмол қилишдан олинмоқда. Инсон организми талаб даражасида яхши фалоият кўрсатиш учун эса балансланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш талаб этилади. Чунки, бу маҳ-

сулотлар жон бошга ќанчадан истеъмол ќилинишини кўрсатувчи махсус меъёр ћам ишлаб чиќилган. Бу борада, яъни баланслашган озиќ-овќат истеъмол ќилишда, ћали жиддий камчиликлар мавжуд. Айниќса, чорвачилик, асаларичилик, балиќ маћсулотларига бўлган талаб жуда катта, ќониќарсиз таъминланган. Шу жићатдан мамлакатда ер, сув, мећнат ва бошќа ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали йўлларини топиш, фан, техника ва технологиянинг энг илѓор ютуќларини ишлаб чиќаришда ќўллаш орќали ќишлоќ хўжалиги маћсулотларини етиштириш ва улардан тайёр маћсулотлар ишлаб чиќаришни кўпайтириш, ассортиментини яхшилаш агросаноат мажмуасининг бош вазифаларидан биридир. Агарда ер юзи аћолисининг 2 млрд.га яќини очлик ва ичимлик сув танќислиги шароитда яшаётганини хисобга олсак, бу муаммо янада кескинлиги аёнлашади. Бундан ташќари, ер юзи аћолиси, жумладан, Ўзбекистон Республикаси аћолиси ћам, кескин кўпайиб бармоќда. Ћисоб-китобларга ќараганда, 2030 йилга бориб Республика аћолиси 46 млн. кишини ташкил этар экан.

- Ишлаб чиќарилаётган маћсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш. Бу жуда долзарб муаммолардан бири бўлиб, бозор иќтисодиёти талабидан келиб чиќади. Бозорда раќобатга бардош бериш учун етиштирилаётган маћсулотлар ћам сифатли, ћам арзон бўлиши керак. Бозорда талаб ва таклиф ќонуни талаблари натижасида шаклланган нархдан етиштирлаётган маћсулот таннархи арзон бўлиши талаб ќилинади. Маћсулотлар таннархининг арзон бўлиши маълум даражада ижтимоий масала ћам тўѓри ћал этилишига хизмат ќилади. Гап шундаки, маћсулотлар таннархининг паст бўлиши уларнинг нархини пасайишига олиб келиши мумкин. Бу аћолининг маћсулотларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиради, турмуш даражасини оширади, ишлаб чиќварувчиларнинг эса фойдаси кўпайишини таъминлайди. Натижада корхоналарнинг давлат бюджетига тўловлари ва солиќларнинг умумий муќдори кўп бўлади. Бу эса мамлакат иќтисодиётини кучайтиради ва янада тез ривожланиш имкониятлари туѓилади.

Кейинги йиллардаги нарх сиёсати натижасида ќишлоќ хўжалиги корхоналарининг иќтисодий имконятлари анча чекланиб ќолди. Саноат маћсулотларига эркин нархлар сиёсати олиб бо-

рилди ва натижада ќишлоќ хўжалиги сотиб олаётган ўғит, ёќилғи-мойлаш матераллари, техника, уларни бутловчи ќисмларининг нархлари 14 йил (1991–2004) ичида 1400 марта ва ундан кўпроќќа ошди. Ќишлоќ хўжалигининг асосий маҳсулот-лари бўлган пахта ва донга нархлар эса 24-28 марта ошди, холос. Нархларнинг бундай ҳолатда шаклланиши (нарх паритетининг бузилиши) ќишлоќ хўжалиги корхоналарининг иќтисодий имкониятлари чекланишига сабаб бўлади ва бу, ўз навбатида, ќишлоќ хўжалиги корхоналарида кўплаб бошќа муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоќда. Ќишлоќ хўжалиги корхоналарининг бу ҳолати, ўз навбатида, умуман, мамлакат агросаноат мажмуасининг жадал ривожланишига тўсќинлик ќилмоќда. Шу сабабли ҳам етиштирилаётган маҳсулотлар бирлиги таннархини имкон даражасида пасайтириш агросаноат мажмуаси олдида турган асосий вазифаларнинг иккинчиси ҳисобланади.

- Мамлакат агросаноат мажмуаси тармоќларида, айниќса, ќишлоќ хўжалигида, меҳнат унумдорлигини ошириш. Маълумки, меҳнат унумдорлигининг юќори бўлиши жуда катта ижобий натижаларга олиб келади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот таннархи нисбатан паст бўлишини, катта миќдордаги ресурслар тежалишини таъминлайди. Ќишлоќ хўжалигидан меҳнат ресурсларининг бўшашига олиб келади. Ќишлоќ хўжалигидан бўшаган меҳнат ресурслари нисбатан кўп малака ва билим талаб ќиладиган саноатнинг турли саҳоларида ишлаши учун имкониятлар туғилади. Натижада мамлакат меҳнат ресурсларининг сифат даражаси ошади. Бу эса энг катта бойлик ҳисобланади.

Ривожланган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, бизда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари жуда катта. Масалан: АЌШ, Германия, Голландия каби ривожланган давлатларда ќишлоќ хўжалигида банд бўлган бир ходим мамлакат аҳолисининг 90-110 таси учун етарли маҳсулот ишлаб чиќаради. Бизда бу кўрсаткич 8-9 тани ташкил этади. Албатта, ривожланган давлатлар агросаноат мажмуаси таркибида асосий меҳнат ресурслари агросанот мажмуасининг ќишлоќ хўжалигига хизмат ќиладиган ёки маҳсулотини ќайта ишлайдиган соҳаларида банд. Агар умуман агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини ҳисобга олсак, юќоридаги нисбатнинг фарќи камайади. Шунга ќармасдан ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон

ќишлоќ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси ўртасидаги фарќ жуда катта. Шу сабабларга кўра, мамлакат агросаноат мажмуаси меҳнат унумдорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ќолади. Бозор иќтисодиёти шароитида раќобатда ютиб чиќиш ва барќарор ривожланиш учун меҳнат унумдорлигини оширишга эътиборни кучайтириш лозим.

- Мажмуа тармоќларининг бир-бири билан мутаносиб ҳолда ривожланишини таъминлаш. Бу жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга вазифалардан биридир. Ҳозирда мамлакат агросаноат мажмуасининг 1-соҳаси, агросаноат мажмуаси тармоќлари учун ишлаб чиќариш воситалари ишлаб чиќарувчи тармоќларнинг мавжудлиги ва борларининг ривожланиш даражаси талабдагидан жуда паст. Натижада, тракторларнинг катта ќисми, комбайнларнинг, юк автомобилларининг юз фоизи импорт эвазига ќопланади. Мамлакатда трактор, пахта териш масинаси ва ќатор ќишлоќ хўжалиги учун зарур ишчи машинал ишлаб чиќаришга етарлича имконият бор. Шу сабабли ана шу тармоќларни ривожлантиришга энг устувор йўналишлардан бир сифатида ќаралмоќда.

Ќишлоќ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги жиҳатдан уларни тайёрловчи, ќайта ишловчи, саќловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоќ ва хизматларнинг мавжудлигига, уларнинг жиҳозланишига ва бир меъёрда етарли ќувват билан ишлашига боғлиќ. Ҳозирда ќишлоќ хўжалигида етиштирилган айрим маҳсулотларнинг 25-30 фоизи ана шу тармоќлардаги камчиликлар сабабли нобуд бўлмоќда. Бу эса ишлаб чиќариш ресурлари, маҳсулотлар таќчиллиги шароитида йўл ќўйиб бўлмайдиган йўќотишдир. Айниќса помидор, узум, олма каби маҳсулотлар пишган пайтда уларни тайёрловчи, саќловчи ва ќайта ишловчи ташкилотлар ќувватининг етишмаслиги бунга сабаб бўлмоќда. Баъзи ҳолларда мавжуд ќувватлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги ҳам иќтисодиётга катта зарар келтиради. Масалан, ҳозирда гўштни ќайта ишлаш саноати ўз ќувватидан йил давомида 5-18 фоизга фойдаланмоќда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиќариш самарадорлиги пасайишига, мавжуд ресурсларнинг бекор туриб ќолишига олиб келади. Умуман олганда, агросаноат мажмуаси тармоќларини бир-бирига мутаносиб ривожлантириш жуда мураккаб бўлса-да, бу масалага

эътиборсиз бўлиш мумкин эмас. Уни оқилона ҳал этиш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

- Бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, маҳсулот экспортини кўпайтириш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кадрлар малакасини, билимини ошириш меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини юксалтириш масалалари ҳам мажмуанинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

**Таянч иборалар:**

Агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муҳит, регион иқтисодиёти, тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, химиялаштириш, автоматлаштириш, меҳнатни қуролланиш даражаси, фонд билан таъминланиш даражаси, ер ва сув фонди, ишбилармонлик, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик.

**Назорат саволлари:**

1. *Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ўрни.*
2. *Агросаноат мажмуасига қайси тармоқ ва хизматлар киради?*
3. *Агросаноат мажмуасининг мақсадли асосий вазифалари нималардан иборат?*
4. *Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?*

**Адабиётлар:**

1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*

4. *Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*
9. *Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*
13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.*
   *– Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*

16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*
22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. –М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*

33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. – М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. – №10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. – №7. – С. 41-48.*
39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. – №1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

## Интернет сайтлари

1. *Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004. http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html*
2. *Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Академия, 2003. http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm*
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций. 2002. http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Н.Я.Коваленко. Экономика сельского хозяйства. М.: ЮРКНИГА, 2004. http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*
5. *www.bearingpoint.uz.*

# 3-мавзу. Жаḣон ќишлоќ хўжалигининг ривожланиш йўналишлари

1. ***Ќишлоќ хўжалиги тармоѓининг миллий иќтисодиётда ḣамда жаḣон хўжалигида тутган ўрни.***
2. ***Ќишлоќ хўжалигида озиќ-овќат маḣсулотлари ва техник хом ашёнинг асосий манбаи.***

## 1. Ќишлоќ хўжалиги тармоѓининг миллий иќтисодиётда ḣамда жаḣон хўжалигида тутган ўрни

Ќишлоќ хўжалиги маḣсулотларининг истеъмолчиси инсондир. Шунинг учун, аввало, ер юзида аḣоли сонининг ўсиш даражасини аниќлаб олиш лозим.

Дарḣаќиќат, ер юзидаги аḣоли сони 1960 йилда 3 млрд. эди. 2000 йилга келиб, бу кўрсаткич 6 млрд.дан ошди. Демак, ер юзида аḣоли сони ḣар йили ўртача 2 % ўсиб бормоќда, йиллик ўртача ўсиш суръати ривожланган мамлакатларда 1 % ни, ривожланаётган мамлакатларда 2,5 – 3 % ни ташкил этмоќда.

Ḣозирги ваќтда талабга нисбатан ќишлоќ хўжалиги маḣсулотларига бўлган таклиф 7 % га етди.

Жаḣон аḣолисининг 72 % паст, 25 % юќори даромад оладиган шароитда яшайди.

## 2. Ќишлоќ хўжалигида озиќ-овќат маḣсулотлари ва техник хом ашёнинг асосий манбаи

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида дунё миќёсида яшил инќилоб ḣаракати сезилди. Бунда интенсивлаштириш ḣамда агротехника, технологияни яхшилаш эвазига ялпи маḣсулот миќдори сезиларли даражада кўпайиб борди. FAO маълумоти бўйича, жаḣонда очарчилик ḣолатида яшайдиган аḣоли сони 1970 йилда 400 млн., 1980 йилда 500 млн., 1985 йилда 700 млн., 2000 йилда 1 млн. нафарни ташкил этган.

Жаḣон миќёсида озиќ-овќат маḣсулотлари билан таъминланиш графиги бўйича гуруḣлар ќуйидагича белгиланган:

1. Ривожланган мамлакатлар. Бу гуруḣга шимолий Европа мамлакатлари, АЌШ, Япония киради. Уларда озиќ-овќат маḣсулотлари ўз эḣтиёжидан ортиќ етиштирилади.

2. Жанубий Европа мамлакатлари – Греция, Португалия, Туркия, Лотин Америкаси мамлакатлари. Уларда озиќ-овќат маћсулотлари жон бошига меъёрга яќин даражада етиштирилмоќда.

3. Шарќий Европа мамлакатлари – Ћиндистон, Миср, Индонезия. Уларда маћсулотлар меъёр даражасида етиштирилмоќда.

4. Ривожланаётган мамлакатлар.

Камбағал давлатлар икки гурућга бўлинади:

а) жон бошига йиллик ўртача даромад 1270 АЌШ долларидан тўғри келадиган мамлакатлар. Бу гурућга 58 та мамлакат киради;

б) жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик даромад 120-450 АЌШ доллари. Бу гурућга 39 та давлат киради.

1990 йилда АЌШда ќиймати 4,2 трлн. АЌШ долларини, 97 та камбағал давлатларда эса бу борадаги кўрсаткич атиги 2,4 трлн. АЌШ долларини ташкил этди.

Жаћон аћолисининг 5 % ини ташкил этувчи АЌШликлар дунё миќёсида олинаётган озиќ-овќат маћсулотларининг 25 % ини етиштиришмоќда.

Чарм, спирт, каучук, ёғоч каби техник хом-ашё ќишлоќ хўжалигида етиштирилади. Масалан, Францияда пойавзал саноатида 998 компания фаолият кўрсатади. Улар ћам хом ашё етказиб бериш ћамда ундан тайёр маћсулот яратиш билан шуғулланишади. 2000 йилда Франция 14,4 млрд. француз франки миќдорида маћсулот экспорт ќилди. Мамлакатда ќорамоллар 21,4 млн., бузоќлар 5,7 млн., чўчќалар 12,3 млн. бошни ташкил этди. Бундан ташќари, ўсимликлардан спирт, каучук, кимёвий моддалар ишлаб чиќариш йўлга ќўйилган.

Жаћон мамлакатларида ќишлоќ хўжалигида жон бошига етиштирилган маћсулотлар ћажми ћар хил. Агар ривожланган мамлакатларда озиќ-овќат маћсулотлари жон бошига меъёрдан юќори етиштирилаётган бўлса, камбағал давлатларда эса ўта паст. Шу сабабли ќашшоќ мамлакатлар аћолиси очарчилик шароитида яшамоќда.

**Назорат ва мућокама учун саволлар:**

1. *Жаћон мамлакатлари миллий иќтисодиётида аграр сектор ќандай ўрин тутган?*
2. *Ќишлоќ хўжалиги озиќ-овќат манбаи эканлигини ќандай изоћлайсиз?*
3. *Ќишлоќ хўжалиги техник хом ашё манбаи эканлигиничи?*

**Адабиётлар:**


1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*
9. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*

13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.*
*– Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*
22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*

29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. –М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. –М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. – №10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. – №7. – С. 41-48.*
39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. – №1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. –Т.: Узбекистан, 1993.*

## Интернет сайтлари

1. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html*
2. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, http://rbip.bookchambëer.ru/description7897.htm*
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства. М.: ЮРКНИГА, 2004, http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*
5. *www.bearingpoint.uz.*

# 4-мавзу. Ривожланган мамлакатларда ќишлоќ хўжалигининг ўрни ва ривожланиш хусусиятлари

1. ***Аграр соћанинг замонавий таркиби.***
2. ***Америка Ќўшма Штатларида ќишлоќ хўжалиги.***
3. ***Европа мамлакатлари ќишлоќ хўжалиги.***

## 1. Аграр соћанинг замонавий таркиби

Ривожланган мамлакатларга АЌШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Франция, Италия каби мамлакатлар киради. Жаћон ћудудининг 8 % ини банд этган бу мамлакатларда ер юзи аћолисининг 14 % и яшайди. Юќорида айтиб ўтилган мамлакатлар биринчи гурућни ташкил этади. 2-гурућ мамлакатларга Швеция, Швейцария, Греция, Туркия, Канада, Австрия, Янги Зеландия, Жанубий Африка каби мамлакатлар киради.

Ривожланган мамлакатлар ќишлоќ хўжалигининг иккинчи жаћон урушидан кейинги даврдаги ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда фан-техника ютуќларидан фойдаланиш, хўжаликларни йириклаштириш, талаб этиладиган саноатлашиш, концентрациялаш жараёни кучайиши натижасида майда ва ўртаћол фермер хўжаликлари оммавий равишда тугаб бормоќда. Монополистик капитал ћукмронлиги кучаймоќда. Дећќонларнинг ерлардан ћайдаб чиќарилиши, монополистларнинг мећнаткашлар ћуќуќларини поймол ќилиши дећќонлар ћамда фермерлар ќаршилигига учрамоќда. Масалан, АЌШ жаћон бўйича ќишлоќ хўжалик маћсулотининг асосий экспортчисидир. Буғдой экспортининг 45 % , макка донининг 55 %, арпанинг 10 % ва пахтанинг 33 % унинг ћиссасига тўғри келади. Йирик мамлакатлар конь-

юнктурасини саќлаб ќолиш маќсадида ќишлоќ хўжалик маћсулотлари субсидиялаш учун тутилмоќда ва тавсия этилмоќда. Масалан, Англияда субсидия тариќасида фермерларга азот ва фосфор ўѓитлари ќийматининг 40-50 % берилади. Францияда субсидия ћисобига суѓориш ишларига сарф этилган маблаѓнинг 52 %, электрлаш ишлари сарфининг 45 % ва йўл ќурилиши ишлари харажатлари ќопланади.

Юќорида ќайд этилган мамлакатларда интенсивлаштириш ћисобига майда фермерлар синиб, йирик хўжаликлар тикланмоќда. АЌШда охирги 20 йил мобайнида 2,8 млн. майда фермер синган. Охирги ваќтда АЌШда кўпроќ вертикал интеграция жорий этилмоќда. Бунда ишлаб чиќаришнинг ћамма босќичи (маћсулотларни етиштириш ва сотиш) шартнома асосида йирик монополия назоратида бўлиб, майда ва ўрта фермерлар эса ёлланма ишчиларга айланиб ќоладилар. АЌШда йирик фермерлар 9 % бўлиб, улар федерал бюджетдан ќолган 91 % фермер оладиган миќдорда маблаѓ оладилар. Агар урушдан аввал дон экинларининг ўртача ћосилдорлиги гектарига 15,4 % бўлган бўлса, 1990 йилга келиб Англияда 25, Францияда 51, Италия 14, Японияда 16 % га етди.

Ривожланган мамлакатларда ќишлоќ хўжалигини индустриал ќайта ќуриш охирги 30-40 йиллар мобайнида ривожланди. Машиналар тизимининг ривожланиш суръати сустлиги туфайли ќишлоќ хўжалиги тараќќиётда саноат тармоѓига нисбатан 100 йилларча орќада ќолди. Бундай шароитда ќишлоќ хўжалигида асосан майда хўжаликлар фаолият кўрсатади. Жамѓармалар етишмаслиги сабабли улар машина тизимини жорий этиш имконидан маћрум.

Иќтисодий жићатдан тараќќий этган мамлакатлар жаћон хўжалигида ћукмрон мавќени эгалламоќдалар. Иккинчи жаћон урушидан сўнг ривожланган мамлакатлар ќишлоќларида ўзаро муносабатлар, тараќќиёт жараёни кескин равишда тезлашди ва давлат монополистик капитали ќишлоќ хўжалигига кириб борди. АЌШда бу жараён комплекс механизация, ишлаб чиќаришни электрлаштириш ва автоматлаштиришни жорий этиш негизида ќишлоќ хўжалигининг техника базасини тубдан ќайта ќуриш ва ќишлоќ хўжалик корхоналарини индустриал типдаги корхоналарга айлантириш билан бир ваќтда рўй бермоќда. Ѓарбий Ев-

ропа мамлакатлари, Скандинавия ќишлоќ хўжалигини тараќќий эттириш соҳасида АЌШ босиб ўтган йўлидан бормоќдалар. Бу мамлакатларда кейинги йилларда янги техникани жорий этиш базасида ќишлоќ хўжалик ишлаб чиќаришини концентрациялаш жараёни кучаймоќда. Натижада юз мингларча майда деҳќон хўжаликлари ва фермерлар хонавайрон бўлмоќдалар. Ривожланган мамлакатлар ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришининг интенсивлиги механизация ва товар бериш, ихтисослашиш юксак даражадалиги билан фарќланади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу ҳудудларда саноат тез суръат билан ривожланди. Меҳнат ќуроллари, саноат молларни ќишлоќ хўжалигига сотиб, соҳалар интенсивлигини таъминлаш йўлга ќўйилди. Ќишлоќ хўжалигининг машина тизимига ўтишига 10-15 йил керак бўлди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан ҳозирга ќадар ќишлоќ хўжалигини тракторлар билан таъминлаш Нидерландияда – 7, Германия, Дания, Белгияда – 10, Италияда 17 маротаба ошди. Бу мамлакатларда, шунингдек, минерал ўғитлар билан таъминлаш ва уларни ишлатиш ҳам шу даврда 5-10 маротаба кўпайди.

## 2. Америка Ќўшма Штатларида ќишлоќ хўжалиги

Америка Ќўшма Штатлари Шимолий Америка ќитъасида жойлашган бўлиб, энг йирик капиталистик мамлакат, жаҳон империализм тизимининг маркази ва таянчидир.

Ҳудуди 9363 минг км$^2$, аҳолиси 239 млн. нафар. Ќишлоќ хўжалиги юксак товарлилиги, техника билан аъло даражада ќуролланганлиги, тор ихтисослашганлиги, ёлланма меҳнатдан кенг фойдаланиши билан ажралиб туради.

Ќишлоќ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида юќори даражадаги концентрация жорий этилган. Агар маккажўхори дони 48 штатда, мош асосан 5 штатда, буғдойнинг 72 % асосан 6 штатда, картошканинг 50 % Айдахо, Мен ва Вашингтон штатларида етиштирилади. Фермерлар томонидан етишитирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш учун (500 млн.тонна) 25 минг реферeжератор вагонлари, 140 минг автореферeжератор хизмат ќилади. Махсус автомобиллардан ҳар бири 80 бош ќорамол, 260 бош чўчќа ва 6 минг бош паррандани ташиш имконига эга. Калифорния штати мамлакат бўйича олинаётган помидор маҳсулотларининг 90 % ини етиштиради.

Техас штати мамлакатда мол гўштини етиштириш бўйича 1-ўринни эгаллайди. Унда 226 ќушхона, 76 та гўшт комбинати мавжуд. АЌШда мева, сабзавот, полиз, картошка, гўшт, тухум каби маҳсулотларни санитария-гигена талаблари даражасида саќлаш учун омбор ва музхоналар етиб ортади.

АЌШ деҳќончилигида суѓориш тизими 15 % майдонда жорий этилган. Суѓориладиган ерларда етишитирилаётган маҳсулот мамлакатда етиштирилаётган маҳсулотнинг учдан бир ќисмини ташкил этади ёки унинг ќиймати 40 млрд. долларга тенг. Суѓориш ишларида механизациядан кенг фойдаланилади. Масалан, фермернинг 65 гектар ерини суѓориш учун 1 гектарга 1,54 киши/соати 350 доллар капитал маблаѓ сарфланади.

АЌШ ҳар йили ќиймати 140-150 млрд. доллар бўлган ќишлоќ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ќилади. Уларнинг 45 млн. тоннаси маккажўхори дони, 38 млн. тоннаси буѓдой, 20 млн. тоннаси ловиядир.

АЌШда озиќ-овќат мажмуи юќори даражада ривожланган маркетингга эга.

Маркетинг тизими ќуйидаги сарфлардан иборат: ҳаќ тўлаш, ўрамлаш (ќадоќлаш), маҳсулотни тайёрлаш ва транспорт харажатлари, ёнилѓи ва электрэнергия сарфи, амортизация ажратмалари, реклама учун харажатлар, асосий фондларни сотиб олиш ва уларни таъмирлаш харажатлари.

АЌШ озиќ-овќат мажмуида мамлакатдаги меҳнат ресурсларининг 12 % банд, шундан 3 % ќишлоќ хўжалигида фаолият юритади. Озиќ-овќат модели 3 соҳадан иборат: 1-соҳа ќишлоќ хўжалиги учун меҳнат воситаларини яратиш, 2-соҳа ќишлоќ хўжалиги, 3-соҳа ќишлоќ хўжалик маҳсулотларини ќайта ишлаш ва сотиш билан шуѓулланади.

**АЌШда озиќ-овќат етиштиришда ќиймат тузилиши**

| Озиќ-овќат комплекси соҳалари | 1980 йил | | 1990 йил | |
|---|---|---|---|---|
| | млрд. доллар | % | млрд. доллар | % |
| 1-соҳа | 54,9 | 15,0 | 84,0 | 14,0 |
| 2-соҳа | 51,0 | 14,0 | 62,0 | 10,0 |
| 3-соҳа | 259,4 | 71,0 | 463,0 | 76,0 |
| **Жами:** | 365 | 100 | 609 | 100 |

Озиќ-овќат комплексида 1990 йилга келиб 14,5 млн. ишчи фаолият кўрсата бошлади, шундан 2,8 млн. нафари ќишлоќ хўжалигида банд. АЌШ ќишлоќ хўжалигида асосан оилавий фермерлар фаолият юритади. Улар ќишлоќ хўжалиги корхоналарининг 99 % ини ташкил этадилар ва мамлакатда етишитирилган ялпи маћсулотни 93 % ини етишитирадилар. Озиќ-овќат маћсулотининг ќолган ќисми акционерлик компанияларида етишитирилади. 1990 йилга келиб мамлакатда 2,1 млн. оилавий фермер мавжуд эди. Битта оилавий фермер хўжалиги ћар йили 83 минг долларлик маћсулот сотади, 187 гектар ерга эга (ћар гектар ер ќиймати 250 минг доллар) 2 ишчига ќиймати 140 минг доллар бўлган ишлаб чиќариш фондлари тўѓри келади. 1960–1990 йиллар мобайнида йирик фермаларни салмоѓи ошиб борди. Уларда 1 йилда реализация ќилинган маћсулот ќиймати 100 минг доллардан ошди.

**АЌШда реализация ќилинган маћсулот ћажмига кўра ќишлоќ хўжалик фермалари гурући**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бир-лиги | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | Таћлил этилган фермалар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Фермерлар сони | минг дона | 959,0 | 255 | 212 | 52 | 28 | 1506 |
| 2 | Салмоѓи | фоиз | 63,7 | 16,7 | 14,1 | 3,5 | 1,8 | 100 |
| 3 | 1 фермерга бериладиган ер | га | 74 | 280 | 390 | 615 | 1500 | 199 |
| 4 | 1 фермерга тўѓри келадиган капитал ќиймати | минг доллар | 168 | 327 | 508 | 828 | 2019 | 300 |
| 5 | Маћсулотни реализация этишда фермалар салмоѓи:<br>а) ўсимликчилик маћсулотлари;<br>б) чорвачилик маћсулотлари; | % | 9,3<br>9,8 | 11<br>16,5 | 26,4<br>31,4 | 15,1<br>15,6 | 35,2<br>26,6 | 100<br>100 |
| 6 | 1 фермерга реализация этилган маћсулот ќиймати | минг доллар | 10 | 55 | 123 | 280 | 974 | 61 |
| 7 | 1 фермернинг йиллик соф даромади | минг доллар | -3 | 10 | 30 | 82 | 197 | |

АЌШда фермер хўжаликларининг ташкил этилиши узоќ давом этган мураккаб жараёндир. Оилавий фермер хўжаликлари асосан оила аъзоларидан ташкил топади. Улар айрим ћоллардагина ёлланма мећнат ресурсларини жалб этадилар. Ќишлоќ хўжалигида фермер хўжаликлари ћажми улар томонидан бир йилда етиштирилган маћсулотни реализация этиш ћажми билан белгиланади.

**Фермер хўжаликларнинг маҳсулот реализацияси бўйича гуруҳланиши**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Фермер хўжаликларнинг маҳсулот реализацияси бўйича гуруҳланиши | | | | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 10 гача | 10-39,9 | 40-100 | 100-250 | 250-500 | 500 дан юқори | |
| 1 | | минг дона | 1139 | 450 | 286 | 201 | 71 | 29 | 2176 |
| 2 | | % | 52,4 | 20,7 | 13,2 | 9,2 | 3,2 | 1,3 | 100 |
| 3 | | % | 2,8 | 6,6 | 13,1 | 22,0 | 17,9 | 37,5 | 100 |
| 4 | | акр | 12,3 | 394 | 529 | 1280 | 2300 | 2300 | |
| 5 | | минг доллар | 0,96 | 700 | 27,3 | 67,9 | 154,1 | 792,4 | |

Паррандачилик, гўшт, сут, буғдой етиштириш каби тармоқлар саноат негизига кўчирилган. Қишлоқ хўжалигининг саноатлаштирилиши, ишлаб чиқариш кучларининг саноат даражасига кўтарилиши шунга олиб келдики, қишлоқ хўжалиги эндиликда ўз мустақиллигини йўқотди ва тармоқлар мажмуининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолди. У агробизнес, агросаноат мажмуи номини олди.

Механизациянинг юксак даражадалиги фан ютуқларидан кенг фойдаланиш ва тор доирада ихтисослашишни тақозо этади.

**Ривожланган мамлакатларда ќишлоќ хўжалиги кўрсаткичлари (2003 й.)**

| № | Мамлакатлар номи | Аћоли, млн. нафар | Аћоли зичлиги, нафар км$^2$ | Ќишлоќ аћолиси, % | Ќишлоќ аћолиси, млн. нафар | Мећнат ресурслари, млн. нафар | Ќ/х.да банд аћоли сони, млн. нафар | Ќ/х.да банд аћоли, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | АЌШ | 273 | 30 | 23 | 62,8 | 139 | 4,47 | 1,6 |
| 2 | Япония | 127 | 331 | 21 | 26,7 | 68 | 2,83 | 2,22 |
| 3 | Италия | 58 | 196 | 33 | 19,14 | 26 | 1,72 | 2,9 |

**Демократия асосида ривожланган мамлакатларда ќишлоќ хўжалиги кўрсаткичи (2003 й. маълумоти)**

| № | Мамлакатлар | Аћоли, млн.наф. | Аћоли зичлиги, нафар км$^2$ | Ќишлоќ аћолиси, % | Ќишлоќ аћолиси, млн. наф. | Мећнат ресурслари, млн. наф. | Ќ/хда банд аћоли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Млн. наф. | % |
| 1 | Хитой | 1250 | 134 | 67 | 550 | 750 | 548,8 | 43,0 |
| 2 | Россия | 147 | 9 | 23 | 33,8 | 78 | 10,62 | 6,8 |
| 3 | Украина | 50 | 8 | 32 | 16 | 25 | 4,08 | 8,0 |
| 4 | Ўзбекистон | 25 | 59 | 63 | 15,75 | 10 | 2,47 | 9,8 |
| 5 | Ќозоѓистон | 15 | 6 | 44 | 6,6 | 8 | 1,08 | 7,2 |
| 6 | Тожикистон | 6 | 44 | 72 | 4,32 | 2 | 0,27 | 4,5 |
| 7 | Ќирѓизистон | 5 | 25 | 66 | 3,3 | 2 | – | – |
| 8 | Туркманистон | 5 | 10 | 55 | 275 | 2 | 0,330 | 6,6 |

**Ривожланган мамлакатлар ќишлоќ хўжалиги (2003 й. маълумоти)**

| № | Мамлакатлар номи | ЯИМ, млрд. $ | ЯИМ ўрни | ЯИМ млн. $ | Ќ/х ќий-мати, % ЯИМ | Ќ/х ќиймати, млн. $ | Ћар бир ќ/х ходи-мига мећнат унум-дорлиги, $ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | АЌШ | 8351,0 | 1 | 8708,8 | 2 | 17477,4 | 39001 |
| 2 | Япония | 4078,9 | 2 | 4395 | 2 | 87901,6 | 31094 |
| 3 | Италия | 1136,0 | 6 | 1149,9 | 3 | 34498,7 | 20031 |

**Демократия асосида ривожланаётган мамлакатларда ќишлоќ хўжалигининг ривожланиши (2003 й.)**

| **№** | **Мамлакатлар номи** | **ЯИМ млрд. $** | **ЯИМ ўрни** | **ЯИМ млн. $** | **Ќ/х ќий-мати, % ЯИМ** | **Ќ/х ќиймати, млн. $** | **Ћар бир нафар ќ/х ходимига мећнат унумдорлиги $** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Хитой | 980,2 | 7 | 991,2 | 17 | 168504,5 | 307 |
| 2 | Россия | 3325 | 16 | 37,53 | 7 | 26274,1 | 2476 |
| 3 | Украина | 37,5 | 55 | 424,5 | 14 | 5938,1 | 1454 |
| 4 | Ўзбекистон | 17,6 | 70 | 16,8 | 31 | 5221,6 | 2113 |
| 5 | Ќозоѓистон | 18,9 | 68 | 15,5 | 10 | 1559,4 | 1450 |
| 6 | Тожикистон | 1,8 | 153 | 1778 | 6 | 106,7 | 396 |
| 7 | Ќирѓизистон | 1,4 | 159 | 1,629 | 44 | 716,8 | |
| 8 | Туркманистон | 3,2 | 132 | 2,7 | 25 | 677 | 2060 |

**Жаһон бўйича пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта экспорти**

| № | Мамлакатлар | Жаһон бўйича пахта хом ашёсини етишитириш, млн.т. | Пахта экспорти |
|---|---|---|---|
| 1 | Хитой | 20,2 | 295 минг т. |
| 2 | АЌШ | 13,9 | 13,5 млн. т. |
| 3 | Хиндистон | 12,9 | - |
| 4 | Покистон | 6,3 | - |
| 5 | Ўзбекистон | 4,3 | 900 минг т. |
| 6 | бошќалар | 31,9 | - |

АЌШ ва Япония дунёда энг бой ва баќувват мамлакатлардир. Улар ишлаб чиќарилган маҳсулот ќиймати бўйича жаҳонда 1- ва 2-ўринни эгаллайди. Ќишлоќ хўжалигида банд бўлган ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги АЌШда – 39001, Японияда 31094 АЌШ долларига тенг. Италияда бу кўрсаткич 20031 АЌШ долларига тўғри келмоќда.

АЌШда аҳоли сони 2000 йилда 273 млн. кишини ташкил этди. Шундан 62,8 млн. киши ёки 23 % ќишлоќ жойларда яшайди. Японияда эса бу кўрсаткич 127 млн. ни, шундан 28,7 млн. ёки 21 % ќишлоќ хўжалиги соҳасида ишлайди. АЌШда жами аҳолининг 4,47 млн. нафари ёки 1,6 % ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришида банд. Улар 8708,2 млн. долларлик ялпи маҳсулот ишлаб чиќаришади. Японияда эса аҳолининг 2,83 млн. нафари ќишлоќ хўжалигида банд. Улар ќиймати 4,395 млн. АЌШ долларига тенг ялпи маҳсулот ишлаб чиќариш ќурбига эга. 1,72 млн. аҳоли ќишлоќ хўжалигида фаолият кўрсатаётган Италияда эса ќиймати 1,149 млн. АЌШ долларига тенг бўлган ялпи маҳсулот ишлаб чиќарилади. Хуллас, ялпи маҳсулот ишлаб чиќариш бўйича АЌШ биринчи, Япония иккинчи, Италия олтинчи, Хитой еттинчи, Россия ўн олтинчи, Украина эллик бешинчи, Ќозоғистон олтмиш саккизинчи, Ўзбекистон етмишинчи, Туркманистон бир юз ўттиз иккинчи, Тожикистон бир юз эллик учинчи, Ќирғизистон бир юз эллик тўќќизинчи ўринни эгаллайди.

### 3. Европа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги

**Буюк Британия қишлоқ хўжалиги.** Бу мамлакат Ғарбий ҳудуддаги Британия ярим оролида жойлашган. Ҳудуди 244,1 минг км$^2$. Буюк Британия юксак даражада ривожланган индустриал мамлакатдир. Гарчи қишлоқ хўжалиги иқтисодиётда иккинчи даражада бўлса ҳам, юксак даражада тараққий этганлиги билан ажралиб туради. Буюк Британия аграр тузуми учун йирик заминдорлар – лендлордлар характерлидир. Хўжаликни лендлордларнинг ўзлари юритишмайди, балки ерни фермерларга ижарага берадилар ва қишлоқ хўжалиги билан алоқаси бўлмаган турли корхоналарга капитал соладилар.

Буюк Британия қишлоқ хўжалигида фермер бош фигурадир. Фермерларнинг 50 % ерни ижарага олишади. Қолганлари эса асосан майда ва ўрта ҳол фермерлардир. Ҳар бир фермер ўртача 50 гектардан ортиқ ер майдонига эга. Лекин жами фермерларнинг ярмидан кўпроғи 2-20 гектар ер майдонида иш юритади.

Фермер хўжаликлари машиналар билан қуролланган бўлиб, ёлланма меҳнатдан кенг фойдаланишади. Табиий яйловлар ва пичанзорларга бой қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи чорвачиликдир. У қишлоқ хўжалигида жами даромаднинг 70 % ини ташкил этади.

Чорвачилик фермаларида комплекс механизацияни жорий этиш эвазига мамлакатда чорва туёғи 2,7 млн. бошдан 2,5 млн. бошга қисқарди. Лекин 1 бош сигирдан бир йилда соғиб олинадиган сут 4350 кг.дан 5000 кг.га ошди. Товар-сут маҳсулоти етиштирадиган фермаларда ўртача 70 бошдан зиёд қорамол сақланади (соғин сигирлар), фермаларда қора мол подаси ўртача 159 бошдан 171 бошгача, сут маҳсулоти 729 минг литрдан 911 минг литрга кўпайди, 1 кг. сутнинг таннархи 18 пенсадан 11 пенсага камайди.

Буюк Британияда ўсимликчилик тармоғи маҳсулотлари ялпи маҳсулотнинг 30 % ини ташкил этади. Шундан 8 % мева-сабзавот, 5,4 % картошка, 9,5 % дон маҳсулотлари, 2,5 % қанд лавлаги маҳсулотларидир. Мамлакатда меҳнат унумдорлигининг юксак даражада бўлиши ва тўхтовсиз ўсиши таъминламоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ишлари йирик компаниялар зиммасида. Улар маҳсулотларга ўзлари нарх бел-

гилайдилар. Фермерлар сотилган ғалланинг атиги 20 % га эга бўладилар. Сут ва сут маҳсулотларининг чакана нархи фермерлардан олинган шу турдаги маҳсулот нархига нисбатан 2 марта қиммат. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш ишлари монополистик компаниялар тасарруфида. Бу маҳсулотларни саноатда қайта ишлаш ва хўжаликларни техника билан қайта қуроллантириш учун фермерларга кредит бериш ҳам шу компаниялар назоратида.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи чорвачиликдир. Мамлакатда 1990 йилда 13,0 млн. бош қорамол мавжуд эди. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган ҳар 100 га ерга қарийиб 70 бош қорамол тўғри келади. Чорва моллари далачилик маҳсулотлари ҳамда сут чиқиндилари бўлган хўжаликларда кўпроқ боқилади. Қўйлар 25 млн. бошни ташкил этади. Туманлар қишлоқ хўжалиги бўйича ихтисослашиш жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилади. Буғдой, арпа, қанд лавлаги мамлакатнинг жанубида, сабзавотчилик, мевачилик Уош қўлтиғи ёнида ривожлангандир.

**Германия Федератив Республикаси қишлоқ хўжалиги.** ГФР марказий Европада жойлашган. Майдони 248 минг км$^2$, аҳолиси 17 млн. нафар. Юксак даражада ривожланган бу индустриал мамлакат қишлоқ хўжалигида қулоқлар ва йирик хўжаликлар ҳукмронлик қилади.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олмайди, бу турдаги зарур маҳсулотларнинг 25 % и четдан келтирилади. Охирги 20 йил мобайнида мамлакат қишлоқ хўжалиги кескин ўзгарди. Чунончи, авваллари 1 деҳқон 32 киши учун маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда 68 киши учун маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу ерда фермалар сони камайиб бораётган бўлсада (1,6 млн.та эди, ҳозир 650 мингта), маҳсулот ҳажми ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдони 13,3 млн. гектардан 11,9 млн. гектарга қисқарган. Мамлакат қишлоқ хўжалигида вертикал интеграция, яъни ихчамлашув, интенсивлаштириш жорий этилмоқда. Ҳар бир фермернинг ер майдони ўртача 18,2 гектарни ташкил этади. Мамлакат ўзини дон билан 97 % , қанд билан 125 % , ёғ билан 93 % , сут билан 98 % , гўшт билан 93 % , сабзавот билан 34 % , мева билан 56 % , тухум билан 75 % таъминлай олади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 34 % деҳқон-

ларга ижарага берилган. Ҳар гектар ерга йиллик ўртача ижара ҳаќи 390–400 марка. Ќишлоќ хўжалигида ҳажми бўйича ҳар хил фермер хўжаликлари учрайди. 1–20 гектар ерга эга фермарлар майда, 20–50 гектар ерга эга бўлган фермалар ўрта ва 100 гектардан ортиќ ерга эга бўлган фермалар йирик фермер хўжаликлари ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси давлатга ернинг сифатига кўра рента тўлайди. Фермер хўжаликларнинг 10 % мева-сабзавот, узум ва хмель етиштиради. Баварияда пиво тайёрлаш учун 18 минг гектар ерда хмель ўстирилади. Фермер хўжаликлар кооперативларга бирлаштирилган.

**Франция ќишлоќ хўжалиги.** Ќишлоќ хўжалигида фойдаланиладиган ер мамлакат ҳудудининг учдан икки ќисмини эгаллаган. Фойдаланилаётган ерларнинг 17 млн. гектарини ҳайдаладиган ерлар, 14 млн. гектарини яйлов ва пичанзорлар, 2,2 млн. гектарини боғ ва узумзорлар ташкил этади. Ялпи маҳсулотнинг 43 % ўсимликчилик, 57 % чорвачилик маҳсулотларидир.

Франция индустриал аграр мамлакат бўлиб, миллий даромадда ќишлоќ хўжалиги маълум ўринни эгаллайди. Унда мамлакат аҳолисининг 5 млн.аҳолиси банд. Франция узум, ќанд лавлаги, сут ва сут маҳсулотлари етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

Францияда 2 мингдан ортиќ хўжалик мавжуд. Уларнинг 1115 таси 10 гектардан, 532 мингтаси 10–20 гектардан, 375 мингтаси 20–30 гектардан, 75 мингтаси 50–100 гектардан, 20 мингтаси 100 гектардан ошиќ ерга эга хўжаликлардир.

**Италия ќишлоќ хўжалиги.** Ќишлоќ хўжалигида мамлакат аҳолисининг 11 % банд. Мамлакатда 2,8 млн. фермер бўлиб, улардан 1,9 млн.таси 1 гектардан кўпроќ ерга эга.

Ҳар бир фермалар ихтиёридаги ер ўртача 8 гектарни ташкил этади. Уларнинг атиги 7 % 20 гектардан ортиќроќ ерга эга.

Фермерларнинг 85 % ўсимликчилик, 15 % чорвачилик маҳсулотларини етиштиради. Италияда энергетика кучи етишмайди. Энергетика хом ашёсининг 50 % хорижий мамлакатлардан сотиб олинади. Мамлакат сабзавот, мева ва вино маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлай олади.

**Япония ќишлоќ хўжалиги.** Япония юќори даражада ривожланган индустриал аграр мамлакат бўлиб, 4 минги ҳар хил орол-

ларда жойлашган. Улардан энг каттаси Хокайдо, Хонсю, Кюсю, Сикаку оролларидир.

Ќишлоќ хўжалиги мамлакат миллий даромадининг 7,5 % ини ташкил ќилади. Аћолиси 122 млн. нафар, ћудуди 370 минг км$^2$, ќишлоќ аћолиси 41 млн., ќишлоќ хўжалигида мамлакат ћудудининг 6 млн. гектаридан ёки 16 % дан фойдаланилади. Шундан 2,9 млн. гектари суѓорилади. Мамлакат ќишлоќ хўжалигида асосан майда ва ўрта ер эгалари фаолият юритади. Ћар бир дећќон оиласи ўртача 0,8 гектар ерга эга. Ќишлоќ аћолисининг 38 % ёрдамчи ишларни бажаради. 1949 йилдаги аграр ислоћотлар туфайли мамлакатда ер эгалари тарќатилди. Лекин суѓориш тизимлари, сув иншоотлари йирик ер эгалари ихтиёрида ќолган. Ўсимликчилик тармоѓининг асосий маћсулоти шоли ћисобланади. У мамлакатда етиштирилаётган ќишлоќ хўжалиги маћсулотлари ќийматига нисбатан даромаднинг 50 % ини беради. Ћар гектар ердан 60–62 ц. ћосил кўтарилади. Етиштирилган шолининг 40 % дећќонлар ихтиёрида ќолади, 40–45 % шартнома бўйича, 15–20 % эркин баћода бозорда сотилади.

Мамлакатда, шунингдек, буѓдой, арпа, маккажўхори дони, чой, кунжут, тамаки, шакар ќамиш, пахта, рож етиштирилади. 562 минг тонна ёѓ ишлаб чиќарилади, 16 млн. тонна сабзавот етиштирилади.

Маћаллий аћоли урф-одатига кўра, авваллари мамлакатда чорвачилик маћсулотлари истеъмол ќилинмас, шу боис бу соћага эътибор берилмас эди. Японияда чорвачилик иккинчи жаћон урушидан сўнг ривожлана бошлади. Эндиликда мамлакатда чорвачилик маћсулотига бўлган талаб асосан ќондирилмоќда.

Япония бошќа мамлакатлардан маориф тизими юќори даражада ташкил этилганлиги билан ажралиб туради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг 63 % болалар боѓчасига ќатнайди (АЌШда 32 % ). Япон болалари мактабларда 1 йилда 240 кун ўќийдилар (АЌШда 180 кун). Япон мактабларида ўќув биноларини болаларнинг ўзлари тозалайдилар, супириб-сидирадилар, овќатни ћам ўзлари тарќатиб, идишларни ћам ўзлари ювадилар.

Япониянинг тарихий ва табиий шароити ишлаб чиќаришни интенсив олиб боришга мажбур этган. Япония дећќонлари кичик-кичик ерларда нићоятда ќаттиќ мећнат ќилиб, дурустгина даромад оладилар. Шаћарлар атрофидаги хўжаликларда йил

бўйи сабзавот етишитирилади, гулчилик билан шуғулланилади. Японияда деҳқонлар машина ва қуроллардан кўра арзон ишчи кучидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Кейинги йилларда юксак товар хўжаликлар сони кўпайиши, шунингдек, ўғитлардан фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ортиб бормоқда.

Чорвачилик асосан чет элдан келтириладиган ем-хашак ҳисобига ривожланмоқда. Пиллачилик япон қишлоқ хўжалигининг анъанавий тармоғидир. 23 млн. гектар ўрмон фонди бор, унинг 60 % шахсий мулкдир.

**Назорат саволлари:**

1. *Ривожланган мамлакатларга қайси мамлакатлар киради?*
2. *Буюк Британия қишлоқ хўжалиги ҳақида нималарни биласиз?*
3. *Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги ҳақидачи?*

**Адабиётлар:**


1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*

9. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*
13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.*
*– Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*

22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. – М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. – М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. – №10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. – №7. – С. 41-48.*

39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. – №1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

**Интернет сайтлари:**

1. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html*
2. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm*
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*
5. *www.bearingpoint.uz.*

## 5-мавзу. Ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг ўрни ва ривожланиш хусусиятлари

1. ***Жанубий Америка мамлакатларида қишлоқ хўжалиги.***
2. ***Африка қитъасида қишлоқ хўжалиги.***
3. ***Яшил қитъадаги мамлакатларда қишлоқ хўжалиги.***
4. ***Жануби-ғарбий Осиё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги.***
5. ***Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги.***

### 1. Ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг ўрни

Ривожланаётган мамлакатлар империализм мустамлака тизимининг емирилиши, мустамлакачилик ва неоколониализмга ќарши миллий озодлик курашининг авж олиши натижасида вужудга келган давлатлардир. Бундай мамлакатлар сирасига Осиёдаги барча мамлакатлар (Япония ва Исроилдан ташќари), Африкадаги барча мамлакатлар (Жанубий Африка Республикаси бундан мустасно), шунингдек, Лотин Америкаси мамлакатлари киради. Шундай ќилиб, бу тизим дунёдаги 120 га яќин мамлакатни ўз ичига олади. Улар орасида социалистик ориентация мамлакатлари мавжуд. Ер юзидаги ќуруќлик ва аћолининг ярми шу мамлакатларга тўѓри келади.

Ривожланган мамлакатларда синфий кучлар табаќалашмоќда. Уларнинг айримлари (Жазоир, Эфиопия, Ангола, Конго, Афѓонистон, Ироќ, Сурия, Кампучия) нотўѓри ривожланмоќда, бир ќисми (Ћиндистон, Покистон, Марокко, Тунис, Бразилия, Мексика ва бошќалар) эса тўѓри тараќќий этмоќда.

Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари ќишлоќ хўжалиги улардаги ижтимоий-иќтисодий ва сиёсий шароитнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Мустамлака зулмидан ќутулгач, бу мамлакатларнинг кўпчилиги ривожланган мамлакатларга иќтисодий жићатдан ќарам бўлиб ќолдилар. Уларда ќишлоќ хўжалиги паст даражада, аћолининг кўп ќисми ќишлоќ хўжалигида банд. Чунончи, Ћиндистонда аћолининг 68 %, Индонезияда 70 %, Миср Республикасида 55 %, Кенияда 84 %, Малида 91 % ќишлоќ хўжалигида мећнат ќилади. Ќишлоќ хўжалиги ярим натурал дећќон хўжаликларидан, маћаллий ќишлоќ буржуазиясининг товар ишлаб чиќаришидан, кўпинча чет эл монополиялари ихтиёрида бўлган ярим феодал латифундиялар ва плантация хўжаликларидан иборат.

Айрим мамлакатларда (Ћиндистон, Бирма, Индонезия ва бошќалар) давлат сектори муайян роль ўйнайди. Бир ќанча мамлакатларда (Жазоир, Тунис, Миср, Эрон ва бошќалар) ишлаб чиќариш кооперативлари раѓбатлантирилади.

Аграр ислоћотлардан маќсад ижаранинг ярим феодал тизимини тугатишдан, ер эгалигининг энг катта меъёрини белгилашдан иборат ва ћоказо. Лекин кўпчилик ћолларда ер ислоћоти натижасида товар ишлаб чиќариш маћаллий ќишлоќ буржуазияси ќўлида тўпланиб ќолмоќда. Ќишлоќ хўжалиги учун ер билан

кам таъминланганлик, иш унумининг пастлиги (аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда ривожланган мамлакатлардагига нисбатан 2,5 марта кам қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тўғри келади), агротехниканинг қолоқлиги, кўпгина мамлакатларда ҳозирги замон техникасидан, ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан ва бошқалардан фойдаланмаслик, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигининг пастлиги характерлидир. 1981–1993 йилларда дон экинларининг гектаридан олинадиган ўртача ҳосил Африка мамлакатларида 10,3 ц., Осиё мамлакатларида 15,5 ц., Жанубий Америка мамлакатларида 14,9 ц.га тенг бўлган. 1990 йилда бир бош сигирдан ўрта ҳисобда йилига Бирмада 750 кг, Ҳиндистонда 450 кг, Индонезияда 2500 кг. сут соғиб олинди. Ерга мотига билан ишлов берилмоқда. Куйдирилган дарахт ва буталарнинг кули ўғит ўрнида ишлатилмоқда. Қишлоқ хўжалик техникасидан бир гуруҳ хўжаликларгина фойдалана олади. Кўпчиликни ташкил қиладиган майда хўжаликлар қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олишга қодир эмас. Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволини қурғоқчиликка бардош бера оладиган серҳосил буғдой, шоли, маккажўхори навларини яратиш, ана шу экинлар майдонини кенгайтириш, минерал ўғитлардан фойдаланиш йўли билан, яъни яшил инқилоб воситасида яхшилаш учун қилинаётган ҳаракатлар жиддий натижа бермаётир. Ўз ғалласи билан мамлакат эҳтиёжини таъминлаш муаммоси ҳамон ҳал қилинмаётир. Аҳоли жон бошига ғалланинг кам етиштириш (1970 йилда аҳоли жон бошига 212 кг. дон тўғри келган эди, бу эса ривожланган мамлакатлардагига нисбатан 3 марта, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардагига нисбатан қарийб 4 марта кам), бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг секинлик билан ўсиши бу мамлакатларни чет эллардан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришга мажбур этмоқда, уларга қарам қилиб қўймоқда. 1972–1973 йилларда 37 млн. тонна буғдой чет эллардан келтирилган эди. Бундай ҳол ҳамон давом этмоқда. Аммо озиқ-овқат таъминоти муаммоси муҳимлигича қолмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларида, Африкада аҳолининг 20-25 % очликдан қийналмоқда. Жами 460 млн. киши етарли даражада тўйиб овқат емайди. Озиқ-овқат муаммосининг ҳал қили-

ниши туб аграр ислоҳотлар ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни талаб этади.

Шундай қилиб, озиқ-овқат муаммоси ҳал қилиниши у ёқда турсин, ҳатто кескинлашди, чунки ишлаб чиқариш аҳоли сонининг ўсиш суръатига нисбатан секин ривожланмоқда. 1970 йилдан 1985-1990 йилларгача ривожланаётган мамлакатларга келтирилган буғдой 2 марта, шоли 20 марта кўпайди. Африка мамлакатларининг қарамлиги айниқса, кучаймоқда.

## 2. Жанубий Америка мамлакатларида қишлоқ хўжалиги

**Бразилия.** Бразилия Жанубий Америка қитъасида жойлашган мамлакат бўлиб, ҳудудининг катталиги, аҳолисининг сони ва иқтисодий потенциали жиҳатидан Лотин Америкасида биринчи ўринда туради. Бразилия Жанубий Американинг марказий ва шарқий қисмини эгаллайди ва 7 минг километрдан ортиқ масофада Атлантика океанига туташган, қуруқликда Эквадор ва Чилидан ташқари қитъадаги барча мамлакатлар билан чегарадош. Ҳудуди – 8512 минг км$^2$, аҳолиси – 124,0 млн. киши, пойтахти – Бразилия.

Бразилия қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи деҳқончиликдир. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 265 млн. гектар ердан 30 млн. гектари ишланади. Бу мамлакат ҳудудининг 3,5 % ни ташкил этади.

Мамлакатда аграр муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ерда катта-катта майдонлар унчалик кўп бўлмаган йирик ер эгалари қўлида. Бу эса қашшоқлик ва қишлоқнинг қолоқлигига олиб келмоқда. Барча ер эгаларининг 10 % ини ташкил этадиган йирик заминдорлар ишланадиган ерларнинг 75 % га эгалик қиладилар. Қишлоқ аҳолисининг 80 % ини ташкил қиладиган қишлоқ хўжалиги ишчилари эса умуман ердан маҳрум. Шунинг учун Бразилияда аграр муносабатлар ўта мураккаблигича қолмоқда.

XIX асрдаёқ Бразилия қишлоқ хўжалигининг асосий экспорт тармоқлари кофе, какао, шакарқамиш қанди ва пахта етиштириш бўлиб қолган, ички истеъмол учун эса маккажўхори, маниок ва дуккаклилар етиштирилар эди. Ана шу экинлар ҳозиргача ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга, лекин улар ўртасидаги нисбат бироз ўзгарди. Кейинги ўн йиллар ичида экспорт қилина-

диган экинлар майдони деярли ўсмаётир. Аммо ички истеъмолга мўлжалланган экинлар майдони анча кенгайди. Бундан ташќари, шоличилик катта аћамиятга эга бўлиб ќолди. Бунинг сабаби, биринчидан, ќишлоќ хўжалигининг экспортга хизмат ќиладиган тармоќлари раќобати бўлса, иккинчидан, мамлакат аћолисининг тез ўсишидир. Шунга ќарамай, ички эћтиёж учун ишлатиладиган дећќончилик маћсулотларини етиштириш эћтиёжга нисбатан секин ўсмоќда ва шунга кўра, Бразилияга четдан кўпгина озиќ-овќат маћсулотлари келтирилмоќда.

Хом ашёси экспорт ќилинадиган экинлар майдони кейинги ўн йилларда кенгаймаган бўлса-да, Бразилия ћозир ћам кофе ишлаб чиќаришда дунёда биринчи (бутун дунёда ишлаб чиќариладиган кофенинг ярмини беради) ва какао, банан (40 %), маниок (30 %) етиштиришда иккинчи ўринда туради.

Экспорт ќилинадиган барча маћсулотларнинг 70 % ини ќишлоќ хўжалиги беради. Улар орасида кофе биринчи ўринда туради. Мамлакат йилига 2,4–2,5 млн. тонна кофе ишлаб чиќаради. Экспортдан келадиган барча даромадларнинг ярмига яќинини кофе беради. Бу эса мамлакат иќтисодиёти учун катта аћамиятга эга. Какао, пахта, кокос ёнѓоѓи (бутун дунёда йиѓиб олинадиган кокос ёнѓоѓининг учдан бир ќисмини Бразилия беради), банан, апельсин, тамаки ћам мућим экспорт экинларидир.

Чорвачилик ќишлоќ хўжалигининг мућим тармоѓидир. Ќишлоќ хўжалиги барча маћсулотлари ќийматининг учдан бир ќисми чорвачиликдан келади. Мамлакатда 90 млн. бощдан ортиќ ќорамол, 35 млн. бош чўчќа, 26 млн. бош ќўй бор. От ва бошќа чорва моллари ћам боќилади. Чорвачилик мамлакатнинг ички эћтиёжларини ќондира олмайди. Сут ва сут маћсулотларига бўлган эћтиёж катта. Шундай ќилиб, Бразилияда аграр масала кун тартибида турган кескин муаммодир. Ћар йили миллионлаб дећќонлар иш ќидириб, шаћарларга кетадилар.

**Бразилияда асосий ќишлоќ хўжалиги экинларининг ялпи ћосили (минг т.)**

| Экинлар | 1996 й. | 1997 й. | 1998 й. |
|---|---|---|---|
| Кофе | 570 | 1020 | 1200 |
| Какао | 232 | 250 | 284 |
| Шакарќамиш | 103173 | 120082 | 129223 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Пахта | 357 | 438 | 462 |
| Маккажўхори | 17751 | 19256 | 139000 |
| Шоли | 9757 | 8994 | 7600 |
| Буғдой | 3216 | 2066 | 2677 |
| Маниок | 25443 | 25929 | 25358 |
| Тамаки | 299 | 357 | 409 |
| Соя | 9893 | 12513 | 10200 |
| Ер ёнғоқ | 510 | 321 | 325 |
| Пахта чигити | 904 | 1463 | 1571 |
| Кана кунжут | 217 | 224 | 410 |

**Мексика.** Мексика (Мексика Қўшма Штатлари) Тинч океани билан Атлантика океани орасида жойлашган бўлиб, АҚШ, Гватемала ва Белиз билан чегарадош. Майдони 1976 минг км$^2$, аҳолиси – 70 млн. Пойтахти – Мехико.

Мексика – иқтисодиёти ўртача тараққий этган индустриал-аграр мамлакат.

Мамлакат ялпи маҳсулотининг учдан бир қисми қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинади. Ер фондининг катта қисми латифундиячи помешчиклар қўлида. Мексикада эхидо ер эгалигининг ўзига хос шаклидир. Эхидолар қишлоқ хўжалиги жамоалари бўлиб, экинзор, яйловлар, ўтлоқларга эгалик қилади. Бироқ капитализм шароитида эхидолар катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Ҳозирги вақтда барча ишланадиган ерларнинг 48 % ана шу жамоалар қўлида. Эхидо аъзолари ўз ерларини сота олмайдилар. Жамоаларнинг ҳайдаладиган ерларидан якка ҳолда, яйловлар ва бошқа ерлардан эса биргаликда фойдаланилади.

Мексикада аграр ислоҳот охиригача етказилган эмас. Шунинг учун ҳам деҳқонларнинг чек ерлари жуда кичик. 2 млн. деҳқон умуман ердан маҳрум. Ҳар бирининг ери бир минг гектардан ортиқ бўлган энг йирик помешчик ва хўжаликлар ишланадиган барча ерларнинг 66 % дан кўпроғини ўз қўлларида сақлайдилар. Мексикада аграр масала ҳамон асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг тармоқлар тузилмаси кейинги йигирма йил ичида сезиларли даражада ўзгарди – буғдой ва шоли майдони шимолий ва шимоли-ғарбий районларда анча кенгайди. Натижада Мексикага четдан камроқ ғалла келтириладиган бўлди. Буғдойдан сўнг мамлакатнинг асосий озиқ-овқат экини бўл-

ган маккажўхори, дуккаклилар, хусусан, ловия катта аҳамиятга эга. Пахта экспортда муҳим ўрин тутади. Пахтадан ташқари толали хенекен (дунёда ишлаб чиқариладиган хенекен толасининг 90 % ини Мексика беради), шакарқамиш, кофе, банан, ананас ва бошқа тропик экинлар экспортда муҳим ўрин тутади.

**Мексикада асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили (минг т.)**

| Экинлар | 1996 й. | 1997 й. | 1998 й. |
|---|---|---|---|
| Маккажўхори | 8017 | 10024 | 9616 |
| Буғдой | 3363 | 2454 | 2643 |
| Сорго (жўхори) | 4027 | 4071 | 4185 |
| Шоли | 463 | 545 | 397 |
| Ловия | 740 | 741 | 940 |
| Соя | 302 | 507 | 324 |
| Картошка | 687 | 688 | 837 |
| Шакарқамиш | 31,4 | 31,4 | 34,5 |
| Помидор | 807 | 996 | 1117 |
| Қулупнай | 89 | 88 | 80 |
| Ананас | 442 | 437 | 300 |
| Банан | 1199 | 1276 | 1137 |
| Кофе | 245 | 247 | 270 |
| Какао | 31 | 34 | 34 |
| Тамаки | 68 | 58 | 72 |
| Пахта толаси | 224 | 357 | 332 |
| Хенекен | 133 | 130 | - |
| Пахта чигити | 349 | 596 | 548 |

Чорвачилик маҳсулотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қийматининг атиги 15 % ини ташкил этади. Экстенсив яйлов чорвачилиги устун туради. Қорамол, қўй, эчки ва чўчқа боқилади. Чорва молларининг катта қисми йирик заминдорлар қўлида. 1990 йилда 10 млн. тонна маккажўхори, 2,6 млн. тонна буғдой, 9 млн. тонна жўхори, 0,65 млн. тонна ловия, 0,34 млн. тонна пахта, 3,4 млн. тонна шакар-қанд ишлаб чиқарилди. Ўша йили 31 млн. бош қорамол, 12,1 млн. бош чўчқа, 8 млн. бош қўй, 9 млн. бош эчки, 164,5 млн. бош парранда бор эди. Ҳар йили 450 минг тонна балиқ ва денгиз ҳайвонлари овланади.

**Аргентина.** Аргентина Республикаси Жанубий Американинг жануби-шарқида жойлашган. Ҳудуди ва аҳолисининг со-

нига кўра Жанубий Америкада иккинчи ўринда туради. Умумий майдони – 2777 минг км$^2$, аҳолиси – 27,9 млн. Пойтахти – Буэнос-Айрес. Мамлакат жаҳон бозорига гўшт маҳсулотлари, жун тери ва ғалла (асосан буғдой ва маккажўхори) етказиб беради. Ана шу товарлар мамлакат экспортининг тўртдан уч қисмини ташкил этади.

Фойдаланиладиган ерларнинг қарийб тўртдан уч қисми латифундиячилар ва плантаторлар қўлида. Ҳар бирининг ер майдони 5 минг гектардан ортиқ бўлган йирик хўжаликлар барча ерларнинг 68 % ига эгалик қилади. Деҳқонларнинг бешдан уч қисми ерсиз. Ерларни ижарага олиш кенг тарқалган.

Деҳқончиликнинг экспорт учун хизмат қиладиган асосий тармоғи дончиликдир. Энг муҳим дон экинлари – буғдой ва маккажўхоридир. Маҳсулоти экспорт қилинадиган мойли зиғир ва кунгабоқар ҳам катта майдонни ишғол қилган. Шакарқамиш, пахта, тамаки ва бошқа баъзи экинлар асосан мамлакатнинг ички эҳтиёжлари учун экилади. 1998–1999 йилларда 9 млн. тонна маккажўхори, 1,27 млн. тонна кунгабоқар, 3,2 млн. тонна соя, 8,1 млн. тонна буғдой ҳосили олинди. Ўша йиллар 19,5 млн. тонна ғалла экспорт қилинди. Шундан 4,3 млн. тоннаси буғдой, 2,8 млн. тоннаси соя.

**Аргентинада асосий қишлоқ хўжалиги экинлари майдони ва ялпи ҳосили**

| Экинлар | Экин майдони 1998-99 қ/х йилида (минг га) | Ялпи ҳосил (минг т.) | |
|---|---|---|---|
| | | 1997-98 й | 1998-99 й. |
| Буғдой | 5220 | 5300 | 8100 |
| Маккажўхори | 3300 | 9700 | 9000 |
| Арпа | 1722 | 350 | 210 |
| Сули | 1545 | 680 | 676 |
| Жавдар | 761 | 350 | 554 |
| Каноп уруғи | 893 | 810 | 600 |
| Кунгабоқар дони | 1760 | 1600 | 1270 |
| Ер ёнғоқ | 400 | 571 | 480 |
| Пахта | – | 714 | 540 |
| Тамаки | – | 63 | 70 |
| Шоли | 1722 | 170 | 610 |

Ќорамол сони (50 млн. бошдан ортиќ), ќўй сони (48 млн. бош) жиѓатидан Аргентина дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Лотин Америкасида етиштириладиган гўштнинг учдан бир ќисмини Аргентина беради. Гўшт маѓсулотлари ва жун кўплаб давлатларга экспорт ќилинади.

Аргентинада ќишлоќ хўжалигининг агротехник даражаси Лотин Америкасидаги бошќа мамлакатлардагига нисбатан юќори. Тракторлар сони (100 мингдан ортиќ) жиѓатидан Аргентина Лотин Америкасида биринчи ўринда. Йирик хўжаликларда ѓосилни йиѓиб олиш механизациялаштирилган. Чорвачиликнинг маѓсулдорлиги анча юќори. Шунга ќарамай, Аргентинада деѓќончилик ва чорвачилик экстенсив характерга эга. Ќишлоќ хўжалигининг етакчи тармоѓи яйлов чорвачилигидир.

### 3. Африка ќитъасида ќишлоќ хўжалиги

Африка ќитъасида (майдони 30319 минг км$^2$) 360 млн. дан ортиќ аѓоли яшайди. Ѓозирги ваќтда Африканинг сиёсий харитасида 50 дан ортиќ мустаќил давлат мавжуд.

Ќишлоќ хўжалиги Африка иќтисодиётининг негизи бўлиб, аѓолисининг бешдан тўрт ќисми ана шу тармоќда банд. Ички ялпи маѓсулотнинг учдан бир ќисми ќишлоќ хўжалигига тўѓри келади. Африка дунёга бир ќанча ќимматли ќишлоќ хўжалиги товарларини етказиб берадиган ќитъадир. Какао, пальма мойи, пальма маѓзи, ер ёнѓоќ, пахта толаси, сизаль, ваниль, ќалампирмунчоќ, хурмо етиштиришда ва экспорт ќилишда Африка дунёда муѓим ўринни эгаллайди. Кўпгина озиќ-овќат экинлари, аввало, дон экинлари етиштиришда катта мавќега эга эмас. Дунёда етиштириладиган буѓдой, маккажўхори, арпанинг 5–6 % Африкага тўѓри келади.

Экспорт учун экиладиган экинларнинг кўпчилиги асосан чет эл компанияларига ќарашли плантация хўжаликларида етиштирилади. Чет эл компаниялари Африкадаги кўпгина мамлакатлар ќишлоќ хўжалигини монокультура йўли билан ривожлантиришга мажбур этади ва шундай ќилиб уларни бозорга жалб ќилади.

Ќишлоќ хўжалиги ќолоќ бўлиб, ерга ишлов берадиган техника ибтидоий аѓволда. Маѓсулдорлик паст. Ер эгалигининг энг кўп тарќалган шакли ердан жамоа бўлиб фойдаланишдир. Бир ќанча мамлакатларда ернинг бир ќисми давлатга, айрим мамла-

катларда феодаллар ва ќисман деҳќонларга ќарашли, товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан маҳаллий аҳолининг ердан жамоа бўлиб фойдаланиши аста-секин барҳам топиб, пул билан ижарага олишнинг роли кучаймоќда. Чорвачилик туманларида феодал ќолдиќлар ва ҳатто, ќулдорлик элементлари саќланиб ќолган.

Замонавий ќишлоќ хўжалиги техникасидан ва ўғитлардан йирик плантацияларда ёки давлат, ёки хусусий капитал назоратида бўлган кооператив хўжаликлардагина фойдаланилади. Кўпгина тропик мамлакатларда ўрмонларни куйдириб ёки кундаков ќилиб ва ерларга дам бериб, йил оралатиб деҳќончилик ќилиш кенг расм бўлган. Ќишлоќ хўжалиги техник ва ижтимоий жиҳатдан ќолоќ бўлгани учун ҳосилдорлик бу ерда дунёдаги ўртача ҳосилдорликдан икки марта кам.

Иќлимнинг ќуруќ ва иссиќ бўлиши, ёғиннинг мавсумийлиги натижасида тропик ўлкаларда ќишлоќ хўжалиги ерларни суғоришга асосланган. Кўпчилик мамлакатларда суғориш тизимлари хўжаликларнинг мулки бўлиб, деҳќонларни ќўшимча равишда эксплуатация ќилиш манбаи ҳисобланади.

Агроиќлим шароитининг ниҳоятда хилма-хиллиги ва ерларни суғориш Африкада барча экинларни етиштиришга ва йилига 2, 3 ва ҳатто, 4 марта ҳосил олишга имкон беради. Бу ерда асосан тропик ва субтропик экинлар етиштирилади. Ќитъада ер фонди катта. Лекин ишланадиган ерлар салмоғи барча ерларнинг 8 % дан ошмайди. Африкада яна камида 1 млрд. гектар ерни ќишлоќ хўжалигида фойдаланиш учун ўзлаштириш мумкин.

Ќишлоќ хўжалиги 2 йўналишда ихтисослашган: экспорт экинларини етиштириш ва ички эҳтиёж учун озиќ-овќат экинларини етиштириш. Ички бозор учун буғдой, арпа, шоли, тариќ ва жўхори экилади. Буғдой ва маккажўхори Жанубий Африканинг субтропик иќлимли туманларида экилади. Арпа асосан Африканинг шимоли-ғарбида ва Мисрда, шоли Миср ва бошќа мамлакатларнинг суғориладиган ерларида, Гвинея Республикаси, Нигерия, Съерра-Леоне, Либерияда, Сенегал ва Танзанияда ҳам экилади.

Тариќ ва маккажўхори туб аҳолининг асосий озиќ-овќат экинлари бўлиб, Африканинг деярли барча ќисмларида экилади. Тропик Африка мамлакатларида ғалла билан бир ќаторда ички эҳтиёж учун илдизмевали экинлар – маниок, ямс, батат етиштирилади.

Африка жаҳонда какао ишлаб чиқаришда ва экспорт қилишда биринчи ўринда туради. Бутун дунёда ишлаб чиқариладиган ва экспорт қилинадиган какаонинг 70 % ини Африка беради. Какао Гана, Нигерия, Фил Суяги Қирғоғи мамлакатларида етиштирилади. Африкада (Ангола, Уганда, Эфиопия, Заир, Танзания) анчагина миқдорда кофе, шунингдек, ер ёнғоқ (Нигерия, Сенегал), пахта (Миср, Судан), сизаль (Танзания), табиий каучук (Нигерия, Либерия, Заир), мойли пальма (Ғарбий Африка); зайтун (Шимолий Африка мамлакатлари) етиштирилади. Африка дунёда ишлаб чиқариладиган пальма мағзи ва пальма мойининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғини беради ва бу маҳсулотларни экспорт қилишда дунёда биринчи ўринда туради. Дунёда ишлаб чиқариладиган кофенинг бешдан бир қисмидан кўпроғини Африка беради. Зайтун дарахти қитъанинг шимолида субтропик иқлимли денгиз бўйи мамлакатларида: Тунис, Жазоир, Мароккода экилади. Жаҳонда ишлаб чиқариладиган зайтуннинг ўндан бир қисмини Африка беради.

Дунёда етиштириладиган ер ёнғоқнинг учдан бир қисми Африка ҳиссасига тўғри келади. Ер ёнғоқ аксари майда деҳқон хўжаликларида етиштирилади. Лекин ерни қайта ишлаш ва маҳсулот экспорт қилиш чет эл компаниялари қўлида.

Миср Республикасида ва Суданда суғориладиган ерларда узун толали пахта экилади. Бу пахта кўп миқдорда четга чиқарилади. Шунингдек, шарқий Африкада – Уганда, Мозамбик ва Танзанияда ҳам суғориб пахта экилади. Африка дунёда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 3-4 % ини беради. Дунёда етиштириладиган сизаль толасининг қарийб 60 % Африка ҳиссасига тўғри келади. Африка тамаки ишлаб чиқаришда ҳам каттагина ўрин тутади (7 % ). Замбия, Уганда ва бошқалар ҳам тамаки экспорт қиладиган асосий мамлакатлардир.

Жаҳонда йиғиладиган табиий каучукнинг 7 % Африканинг улишидир. Энг йирик плантациялар (каучук олинадиган гевея дарахти) Либерияда. Нигерияда каучукнинг асосий қисмини деҳқон хўжаликлари беради.

Африка жаҳон бозорига анчагина миқдорда доривorлар ҳам етказиб беради.

Қуруқ субтропик иқлим шароитида, хусусан, Жанубий Африка Республикаси ва шимолий Африка мамлакатларида мева-

чилик маҳсулотлари, жумладан, цитрус мевалар экспорт қилинади. Бу районларда узум етиштириш ва узумдан вино ишлаб чиқариш катта ўрин тутмоқда. Банан плантациялари тропик Африкада, хусусан, Гвинея соҳили мамлакатларида, шунингдек, Ҳинд океани соҳилида кенг тарқалган.

Чўл ва чала чўл районларининг воҳаларида, аксари Шимолий Африкада хурмо яхши ҳосил беради. Дунёда етиштириладиган хурмонинг бешдан икки қисмини Африка беради. Хурмонинг катта қисми экспорт қилинади. Тропик Африка мамлакатларида деҳқонлар хилма-хил ёввойи ўсимликлар мевалари ва каучук, шимолий Африка мамлакатларида эса пўкак дуби пўстлоғи, альфа ўсимлиги ва гуммиарабик йиғишади. Дунёда олинадиган гуммиарабикнинг 90 % идан кўпроғини Судан беради.

Чорвачилик экстенсив характерда бўлиб, кўчманчи, ярим кўчманчи ва яйлов чорвачилигига бўлинади. Африкада қорамол кўп (Африка мамлакатлардаги қорамолларнинг саккиздан бир қисми шу ерда). Қорамол сони жиҳатидан Африка Ҳиндистондан кейин иккинчи ўринда туради. Қорамол шарқий ва жанубий Африка қирларида, шунингдек, чўл ва чала чўл яйловлари бўлган мамлакатларда (Судан, Сомали, Чад, Нигер) ва ғарбий Африка саванна зонасида боқилади. Кўпгина районларда, хусусан, Гвинея сохилидаги тропик ўрмонлар зонасида, Канго (Заир), Замбези дарёлари ҳавзаларида цеце пашшаси чорвачиликни ривожлантириш учун жиддий тўсқинлик қилади.

Қўйчилик (аксари меренос ва қоракўл қўйлари) Жанубий Африка Республикасида, шунингдек, Мағриб мамлакатларида, айниқса, ривожланган. Қўйлар сони ва қўй жуни бўйича Жанубий Африка Республикаси Африкада биринчи ва дунёда тўртинчи-бешинчи ўринда туради. Қоракўлчилик Намибияда катта аҳамиятга эга. Қоракўл қўйлар сони жиҳатидан Намибия Афғонистондан сўнг дунёда иккинчи ўринда туради. Қоракўл териси экспорт қилинади.

Иқлим шароити, шунингдек, диний ақидалар чўчқачиликни ривожлантиришга йўл бермайди. Отчилик фақат Эфиопияда аҳамиятга эга. Судан, Сомали, Эфиопия ва Жанубий Африка Республикасида от-улов сифатида туя, эшак ва хачир боқилади. Африкадаги кўпгина деҳқон хўжаликларида ўз эҳтиёжлари учун

парранда боќилади. Марокко, Жанубий Африка Республикасида экспорт учун паррандачилик билан шуғулланилади.

Африкада чорва молларининг зоти паст, ем-хашак етишмайди. Ветеринария ёрдами деярли йўќ ва бунинг оќибатида чорвачилик маҳсулдорлиги паст. Чунончи, Африкада ќорамол бир йилда ўрта ҳисобда 16 кг. семиради, ҳолбуки, бу кўрсаткич Европа ва АЌШ да 70 кг. ни ташкил этади. Африкадаги кўпчилик мамлакатларда сигирлардан кам сут соғиб олинади.

Шунга ќарамай, Африкада чорва моллари кўп. Бу ерда 160 млн. бошга яќин ќорамол ва 260 млн. бош ќўй ва эчки бор. Ҳар 100 киши ҳисобига Африкада 46 бош ќорамол ва 74 бош ќўй, эчки тўғри келади. Бутун жаҳон бўйича бу кўрсаткичлар тегишли равишда 32 ва 43 бошни ташкил этади.

Юќорида айтиб ўтилганидек, Африкада ќишлоќ хўжалиги етакчи роль ўйнайди, чунки ќитъадаги меҳнатга лаёќатли аҳолининг бешдан тўрт ќисми ќишлоќ хўжалигида банд. Чад, Мали, Нигер, Руанда ва Марказий Африка империяси ќишлоќ хўжалигида барча ишчи кучларининг 90 % дан, Ботсвана, Эфиопия, Гвинея, Лесото, Малави, Сомали, Судан, Танзания, Уганда ва Юќори Вольтада эса 80 % дан кўпроғи ишлайди.

Ќишлоќ хўжалигини ривожлантириш муаммоси Африка давлатлари ҳукуматларининг диќќатини жалб ќилмоќда. Бунинг сабаби шундаки, ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришининг ўсиш суръатига нисбатан аҳолининг ўсиш суръати юќори. Натижада озиќ-овќатга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоќда. Шу билан бир ваќтда, ҳозирги тараќќиёт босќичида Африка мамлакатлари учун ќишлоќ хўжалиги ижтимоий-иќтисодий тараќќиёт режаларини амалга ошириш учун зарур бўлган чет эл валютасини ќўлга киритишнинг муҳим манбаи, деб ќаралади.

Африкада ќишлоќ хўжалиги умуман паст суръатлар билан ривожланмоќда. Ќишлоќ хўжалигини интенсивлаштиришга жиддий халаќит бераётган сабаблардан бири асрлардан буён таркиб топган ёки мустамлакачилар томонидан ўрнатилган ќолоќ аграр муносабатлардир. Феодал, давлат-феодал ер эгалиги ва жамоа ер эгалиги энг кўп тарќалган шакллар ҳисобланади. Катта-катта ерлар черковлар мулкидир. Африкада ќишлоќ хўжалигидаги патриархал укладни ќайта ќуриш ниҳояда мураккаб муаммо ҳисобланади. Техника ҳамда ўғитнинг етишмаслиги,

агротехника маданиятининг ќолоќлиги, чорва молларининг кам маћсуллиги, буларнинг ћаммаси ќишлоќ хўжалигида мећнат унумининг паст бўлишига, унда ярим натурал ёки анъанавий ишлаб чиќариш шаклининг саќланиб ќолишига олиб келмоќда.

Ќишлоќдаги ишлаб чиќариш муносбатларини ўзгартириш, дећќонларни феодал ва жамоа ќарамлигидан ќутќариш тарихий аћамиятга эга бўлган вазифадир. Аграр ислоћотларнинг кўлами, Африка ќишлоќ хўжалигини модернизация ќилиш ва ривожлантириш суръатлари ана шу ќарамликнинг бартараф ќилинишига боѓлиќ.

Африкадаги кўпчилик мамлакатлар сиёсий мустаќилликка эришгач, аграр ислоћотларни амалга ошира бошлади. У, аввало, чет эл ва феодал мулк шаклларига ќарши ќаратилган. Ана шу ислоћотлар нотараќќиёт йўлга кирган мамлакатларда айниќса, чуќур амалга оширилмоќда. Деярли барча мамлакатларда, уларнинг тараќќиёт йўлидан ќатъи назар, ќишлоќ хўжалигида кооперация масаласи кун тартибида турибди. Ундан кўзда тутилган маќсадлар тараќќиёт йўлини танлаган мамлакатларда ва нотараќќиёт йўлини танлаган мамлакатларда бир-биридан фарќ ќилади.

Сермаћсул экинларга янада катта аћамият бериш, серћосил янги навлар яратиш, сермаћсул чорвачиликни ривожлантириш, суѓориш каналларини кенгайтириш, кимёвий ўѓитларни кўпроќ ишлатиш, ишлаб чиќаришни механизациялаш, агротехникани жорий ќилиш ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиќариши олдида турган энг мућим вазифалардир.

**Миср.** Миср Араб Республикаси Африканинг шимоли-шарќида ва Осиёнинг Синай ярим оролида жойлашган мамлакат бўлиб, ћудуди 1002 минг км$^2$, аћолиси 42 млн. Пойтахти – Ќоћира. Ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиќариши Миср иќтисодиётининг негизини ташкил этади. Мамлакат миллий даромадининг 30 % ини ва экспорт ќилинадиган маћсулотларнинг 70 % ини ќишлоќ хўжалиги беради. Дећќончилик ќишлоќ хўжалигининг асосий тармоѓи. Мисрда экинларни суѓориш катта аћамиятга эга. Мамлакатда баћорикор дећќончилик билан шуѓулланилмайди. Ёзда пахта, шакарќамиш, сабзавот, маккажўхори ва шоли экилади, ќиш пайтида буѓдой, арпа ва дуккаклилар, кузда эса шоли, тариќ, маккажўхори ва сабзавот етиштирилади. 2,7 млн. га ердан ќишлоќ хўжалигида фойдаланилади. Йилига 1-3 марта

ҳосил олинишини эътиборга олганда, мамлакатда тахминан 4,7 млн. гектар экин майдони бор.

Экин майдонининг учдан икки қисмига пахта, маккажўхори, буғдой, шоли ва дуккаклилар экилади. Пахта етиштиришда Миср хорижий мамлакатлар орасида АҚШ, Ҳиндистон, Бразилия, Хитой ва Мексикадан кейин олтинчи ўринда туради. 2 млн. тонна буғдой, 3 млн. тонна маккажўхори, 756 минг тонна тариқ, 300 минг тонна шоли, 123 минг тонна арпа (1996), 265 минг тонна шакарқамиш (1990), 360 минг тонна пахта (1996) олинди. Аҳоли овқатида ва экспортда хурмо, шунингдек, цитруслар (апельсин, лимон ва бошқалар) ҳамда бошқа мевалар катта аҳамиятга эга. Хурмо ва цитрус мевалар етиштиришда Африкадаги бошқа мамлакатлар орасида Миср биринчи ўринда туради. Ем-хашак етишмаганлигидан чорвачилик яхши ривожланмаган. Мамлакатда 4,75 млн. бош қорамол, 2 млн. бош қўй, 1,7 млн. бош эчки, 113 минг бош туя бор. Паррандачилик катта аҳамиятга эга.

**Жазоир.** Жазоир Халқ Демократик Республикаси Африканинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, ҳудуди 2381,7 минг км$^2$, аҳолиси 18,9 млн. Пойтахти – Жазоир. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг негизини ташкил этади. Ишга яроқли аҳолининг 65 % қишлоқ хўжалигида банд. Халқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини қишлоқ хўжалиги беради. Мамлакат мустақилликка эришган дастлабки йилларда европалик мустамлакачилар ва коллабурациончилардан мусодара қилинган ерларда ўз-ўзини бошқарувчи сектор – 1850 ферма ва урушда қатнашганлар учун 390 та кооператив тузилган эди. Мамлакатда ишлатиладиган 7,2 млн. гектар ернинг 2,5 млн. гектари ана шу сектор қўлида. Барча қишлоқ хўжалиги товар-маҳсулотларининг 60 % ини ана шу сектор беради.

Ер уни ишлатганники, деган тамойил асосида ерни тақсимлаш, хусусий шахсларга қарашли ер майдони ва моллар сонини чеклаш, кооперативлар тузиш ва замонавий қишлоқлар барпо этиш соҳасида катта ишлар қилинмоқда. 1999 йил сентябрига келиб, мамлакатда 6538 қишлоқ хўжалиги кооперативи бор эди. 1 млн. гектар ер ана шу кооперативларга берилди. Кооперативларга 127 минг деҳқон бирлашган. Режалаштирилган 1000 та янги қишлоқдан 150 таси бунёд этилди. Эндиликда ғалланинг 41 % ини ва гўштнинг 9 % ини ўзини-ўзи бошқарадиган сектор

ва кооператив сектор бермоќда. Хусусий сектор ћамон 1,3 млн. дећќон хўжалигини бирлаштиради. Ќишлоќ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 60 %, ѓаллазорларнинг 59 %, картошказорларнинг 53 %, чорва молларининг кўпчилик ќисми хусусий сектор ќўлида.

Асосий ѓалла экинлари – буѓдой, арпа, сулидир. Узумчилик жуда катта ўрин тутади. Узум виносига ташќи бозорда эћтиёж катта. Узум виносини экспорт ќилишда Жазоир дунёда энг олдинги ўринларда туради. Тамаки, цитрус мевалар, хурмо, зайтун катта аћамиятга эга. 1979 йилда 1,6 млн. тонна ѓалла, 500 минг тонна картошка, 0,7 млн. тонна цитрус мевалар, 1 млн. тонна сабзавот, 208 минг тонна хурмо, 2,5 млн. гектолитр вино ишлаб чиќарилди. Чорва экстенсив характерда. Соћилда ќорамол боќилади. Тоѓларда ва чўлларда ќўйчилик билан шуѓулланилади. 1999 йилда мамлакатда 1,8 млн. бош ќорамол, 12,2 млн. бош ќўй, 2,3 млн. бош эчки, 145 минг бош туя, 172 минг бош от, 734 бош хачир ва эшак бор эди.

### 4. Яшил ќитъадаги мамлакатларда ќишлоќ хўжалиги

**Австралия.** Шу номли ќитъани, Тасмания оролини ва бошќа кўпдан-кўп майда оролларни ўз ичига олган мамлакатдир. Майдони – 7687 минг км$^2$. Аћолиси – 14,9 млн. Пойтахти – Канберра.

Австралия Жанубий ярим шарда жойлашган. Шунинг учун ћам йил фасллари Шимолий ярим шардагига тўѓри келмайди: ёз ойлари декабрдан февралгача давом этади (ћарорат +30$^0$ гача). Ќиш ойлари эса, июндан августгача (-5$^0$ дан –12$^0$ гача). Умуман, Австралиянинг иќлими чўл ва чала чўл иќлимидек.

Австралия ќишлоќ хўжалиги юксак товарли мамлакат. Экспортдан келадиган даромадларнинг 60 % га яќинини ќишлоќ хўжалиги беради. Фойдаланиладиган ерларнинг бешдан тўрт ќисмидан кўпроѓи 4 гектардан 40 минг гектаргача ери бўлган фермерлар ќўлидадир. Бундай фермерлар барча фермерларнинг 3,5 % ини ташкил этади. Ана шундай йирик фермерлар замонавий техника ва ёлланма мећнатдан кенг фойдаланишади.

Австралияда яйловлар жуда кўп. Ќишлоќ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 90 % табиий яйловлар ва фаќат 10 % маданий яйловлар ћамда экинлар экиладиган ерлардир.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи чорвачиликдир. Барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг учдан икки қисмини чорвачилик беради. Чорвачиликда қўйчилик биринчи ўринда туради. Австралия қўйларининг сони, жуни ҳамда жун экспорти жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради. Қўйчилик чўл ва чала чўл районларда, Катта Сувайирғич тизмасининг ғарбий ён бағирларида ривожланган. Қорамол гўшт учун аксари шимолий тропик районларда, сут учун эса мамлакатнинг шарқий қисмида боқилади. Қўй гўшти ва жунидан ташқари қорамол гўшти, сариёғ кўплаб экспорт қилинади.

Деҳқончилик чорвачиликдан кейин иккинчи ўринда туради ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қийматининг учдан бир қисмини беради. Буғдой барча экин майдонларининг ярмига яқинини ишғол қилади ва экспортда катта аҳамиятга эга. Ялпи буғдой ҳосилининг 60 % идан 80 % игача қисми бошқа мамлакатларга жўнатилади. Австралия буғдой экспорт қилишда АҚШ ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради. Буғдой зонаси мамлакатнинг жануби-шарқида бўлиб, Брисбендан Спенсер қўлтиғи қирғоқларигача давом этади. Шунингдек, қитъанинг жануби-ғарбий чеккасида ҳам буғдойдан ташқари арпа, шоли, шакарқамиш, картошка экилади. Боғдорчилик (банан, цитрус мевалар) ва узумчилик кенг тарқалган. Шакарқамиш мамлакатнинг шимоли-шарқий тропик қисмида, цитрус мевалар ва узум Муррей ва Маррамбиджи дарёлари оралиғидаги суғориладиган ерларда етиштирилади. Мевачилик ва узумчилик маҳсулотларининг тахминан тўртдан бир қисми, шунингдек, қанд-шакарнинг катта қисми экспорт қилинади.

Мамлакатда 30 млн. бош қорамол ва 130 млн. бош қўй бор. 1999 қишлоқ хўжалиги йилида 18 млн. тонна буғдой ҳосил олинди.

**Янги Зеландия.** Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган мамлакат бўлиб, иккита катта оролдан – Шимолий ва Жанубий ороллардан (бу оролларни Кўк бўғози ажратиб туради) ва бир қанча майда ороллардан иборат. Майдони – 269 минг км$^2$. Аҳолиси – 3,2 млн. Пойтахти – Веллингтон. Янги Зеландия жаҳон хўжалигида алоҳида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – сариёғ, пишлоқ, жун, гўшт етказиб беришда муҳим роль ўйнайди. Мамлакат иқтисодиёти жаҳон бозорида ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Юксак даражада ривожланган ќишлоќ хўжалиги мамлакат иќтисодиётининг негизидир. Меһнатга яроќли бутун аһолининг 12 % ќишлоќ хўжалигида банд. Янги Зеландия ќишлоќ хўжалиги тор даражада ихтисослашган бўлиб, юксак товарлилиги билан ажралиб туради. Барча маһсулотлар ќийматининг ќарийб ярми ќишлоќ хўжалигига тўғри келади. Чорвачилик ќишлоќ хўжалигининг етакчи ва анъанавий тармоғидир. Барча ќишлоќ хўжалиги маһсулотари ќийматининг 80 % шу тармоќ маһсулотларига тўғри келади. Фойдаланиладиган ерларнинг 90 % и яйловлар ва ўтлоќлар билан банд ва атиги 10 % ини экинзорлар, ўрмонлар ишғол ќилган. Мамлакатда 1991 йилда 9 млн. бош ќўй, 10 млн. бош ќорамол, жумладан, 2,3 млн. бош соғин сигир, 540 минг бошдан ортиќ чўчќа бор эди. Чорвачиликнинг юксак маһсулдорлиги жаһон бозорида Янги Зеландия сут, гўшт маһсулотларининг раќобат ќила олишига имкон беради. Четга сариёғ чиќаришда Янги Зеландия дунёда биринчи, гўшт ва жун экспорт бўйича иккинчи ўринда туради. Йилига 1 млн. тоннадан ортиќ гўшт, 6 млрд. литр сут ва 350 минг тонна жун етиштирилади.

Ғарб мамлакатлари билан бўлган ўзаро нотенг алоќалар жануби-шарќий Осиёдаги ва дунёнинг бошќа һудудларидаги ривожланаётган давлатлар иќтисодий тараќќиётига ката зарар етказмоќда. Кейинги йилларда хом ашёга талабнинг камайганлиги, унинг баһоси кескин тушиб кетганлиги, ғарб мамлакатларида протекциячилик тўсиќлари ўсиб бораётганлиги ривожланаётган мамлакатларда экспортдан тушаётган маблағларнинг ќисќаришига, валюта заһираларининг тугаб ќолишига олиб келди. Бу иќтисодиёти асосан бозорга мосланган мамлакатлар манфаатларига зиддир. Улар зарур маблағлар излаб, тобора юќори фоизли ќарзлар олишга мажбур бўладилар. Бу, ўз навбатида, ќарзлар ғоят даражада ўсиб кетишига олиб келади. Америка матбуоти маълумотларига кўра, бундай ќарзлар 1993 йилда 800 млрд. долларга етган.

## 5. Жануби-ғарбий Осиё мамлакатларида ќишлоќ хўжалиги

Жануби-ғарбий Осиё дейилганда, Яќин ва Ўрта Шарќ минтаќаси тушунилади. Бу ерда 3 та ќитъа – Осиё, Европа ва Африка бир-бири билан, шунингдек, ќитъалараро энг муһим алоќа йўллари (денгиз, һаво ва ќуруќлик йўллари) бир-бирлари билан

туташади ва улар Европа мамлакатлари ҳамда МДҲни Африка, жанубий ва жануби-шарқий Осиё мамлакатлари, Австралия ва Океания билан боғлаб туради.

Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ хорижий Осиё ҳудудининг учдан бир қисмини (8 млн. км$^2$) эгаллаган. Бу ҳудудда 17 та мустақил давлат бор. Шундан 15 таси (жануби-ғарбий Осиё мамлакатларидан ташқари, Африкадаги Миср ва Судан давлатлари ҳам Яқин Шарққа киритилади) – Туркия, Кипр, Сурия, Ливан, Исроил, Иордания, Саудия Арабистони, Баҳрайн, Қувайт, Ироқ, Қатар, Бирлашган Араб Амирлиги, Уммон, Яман Араб Республикаси, Яман Халқ Демократик Республикаси Яқин Шарққа, 2 таси – Эрон ва Афғонистон Ўрта Шарққа киради.

**Яман Араб Республикасида энг муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили** (минг т.)

| Экинлар | 1997 | 1998 |
|---|---|---|
| Дон экинлари | 24,5 | 28,7 |
| жумладан, буғдой | 8,1 | 10,3 |
| Пахта | 10,1 | 9,4 |
| Тамаки | 1,3 | 1,7 |
| Кунжут | 1,3 | 2,1 |
| Сабзавотлар | 35,2 | 29,8 |
| жумладан, картошка | 5,3 | 6,8 |
| Помидор | 16,1 | 12,8 |
| Полиз маҳсулотлари | 8,0 | 15,1 |
| Ем-хашак | 69,8 | 95,2 |
| Мевалар | 32,1 | 33,4 |
| жумладан, финик | 17,7 | 19,8 |
| Банан | 8,7 | 8,5 |
| Кофе | 0,8 | 0,8 |

Жануби-ғарбий Осиёнинг аҳамияти шундаки, дунёдаги барча нефть заҳираларининг 60 % ана шу ҳудуддадир. Бу ерда йилига 1 млрд. тоннадан ортиқ нефть экспорт қилинади. Бу барча мамлакатларда қазиб чиқариладиган барча нефтнинг ярми демакдир.

Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўпчилик мамлакатларда қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётининг асосий тармоғидир. Бу мамлакатлардаги аҳолининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи деҳқончилик, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган

бошќа тармоќларда банд. Фаќат Ќувайт, Исроил, Ливан, Баћрайн ва Ќатар давлатларида ќишлоќ хўжалиги миллий даромадда иккинчи даражали ўрин тутади.

Яќин ва Ўрта Шарќ мамлакатларининг табиий шароити ќишлоќ хўжалиги учун ќулай. Ана шу шароитдан тўѓри фойдаланилса, ћосилдорликни ошириш, бир майдондан йилига 2–3 марта ћосил олиш, замонавий агротехникадан фойдаланиш йўли билан ќишлоќ хўжалигини юксалтириш мумкин. Лекин бу ќулай имкониятлардан кам фойдаланилаётир. Бир ќанча сабабларга кўра, аввало, кўп асрлик миллий зулм натижасида жануби-ѓарбий Осиё мамлакатлари ќишлоќ хўжалиги жуда ќолоќ бўлиб, каммаћсул усуллар асосида юритилмоќда. Кейинги йилларда бир ќанча мамлакатлар ќишлоќ хўжалик ишларининг механизациялаш даражасини маълум даражада кўтарган бўлса-да, кўпчилик мамлакатларда ћамон омоч ва мотига асосий ќишлоќ хўжалиги ќуроллари бўлиб ќолмоќда. Тракторлар, замонавий ќишлоќ хўжалиги машиналари, кимёвий ўѓитлардан жуда кам фойдаланадилар.

Бу минтаќада даврий равишда такрорланиб турадиган ќурѓоќчилик ва тошќинлар ќишлоќ хўжалигига катта зарар етказади. Ирригация, мелиорация ишлари, шунингдек, янги ерларни ўз-лаштириш яхши йўлга ќўйилмаган. Буларнинг ћаммаси экинлардан паст ћосил олишга ћамда ялпи ћосилнинг секин суръатлар билан ўсишига сабаб бўлмоќда. Ћолбуки, бу минтаќада аћоли сони анча тез суръатлар билан ўсмоќда. Бунинг оќибатида кўпгина мамлакатларда озиќ-овќат етишмаётир. Улар четдан келтириладиган озиќ-овќат маћсулотига ќарам бўлиб ќолаётир. Аксарият мамлакатлар ћукуматлари чет мамлакатлардан ѓалла, ёѓ, ќанд ва бошќа озиќ-овќат маћсулотларини сотиб олишга кўплаб валюта сарф ќилаётир. Чунончи, Ливан, Ќувайт, Исроилда озиќ-овќат маћсулотига бўлган эћтиёжнинг атиги учдан бир ќисмигина ўз ички имкониятлари ћисобига таъминланмоќда. Сурия, Ироќда импортнинг тўртдан бир ќисми озиќ-овќат маћсулотларига тўѓри келмоќда.

Кўпчилик мамлакатларда ќолоќ аграр муносабатлар ишлаб чиќарувчи кучларнинг тараќќиёти йўлида энг кучли ѓов бўлиб ќолмоќда. Умуман олганда, бу минтаќада аграр муносабатлар ярим феодал ћолатда бўлиб, йирик помешчик ер эгалиги ћамда

майда деҳқон ер эгалиги билан характерланади. Ерларнинг кўпчилиги қулоқлар қўлида бўлгани ҳолда деҳқонларнинг асосий қисми ерсиз ва камерли ҳолича қолаётир.

Иқтисодий тараққиётни тез суръатлар билан силжитиш, техника жараёни учун база яратиш, шунингдек, тобора ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат, саноатни эса хом ашё билан таъминлаш зарурлиги бир қанча мамлакатларнинг ҳукмдор доираларини қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар қилишга мажбур этмоқда.

Аграр ислоҳотлар ва прогрессив туб ўзгаришлар кўпчилик ҳолларда тараққиётга ёрдам бераётир. Чунки, бундай туб ўзгаришлар, аввало, йирик ер эгалигига қарши қаратилган бўлиб, аксари антифеодал характердадир.

Ливан, Туркия, Эрондаги феодалларга қарашли ерлар борган сари йирик аграр хўжаликларга тузилмоқда. Бу хўжаликларда феодал рента ўрнини рента олаётир. Бу жараён техника экинлари етиштириладиган районларда айниқса авж олмоқда. Туркия, Исроил, Ливанда саноатчилар, йирик савдогарлар ва молиячилар ҳам кўпинча йирик ер эгаларига айланиб бормоқда. Шундай қилиб, Яқин ва Ўрта Шарқнинг ривожланаётган мамлакатларида заминдор аристократия билан саноат аристократияси, шунингдек, молия буржуазияси манфаатлари қўшилиб кетаётир. Лекин йирик заминдорларнинг капиталистлар билан бир синфни ташкил этиши кенг тус олган эмас. Қишлоқда капитализм тараққий этиши билан бирга, деҳқонларнинг табақалашиш жараёни кучаймоқда.

Нотараққиёт йўлига кирган мамлакатларга келганда шуни айтиш керакки, бу мамлакатларнинг ҳукуматлари аграр ислоҳотлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш йўли билан йирик ер эгалигига ва йирик буржуазияга барҳам беришди, деҳқонларнинг табақаланиши эса у қадар авж олмади. Бу мамлакатларда деҳқонлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан майда ва ўртаҳол мулкдор ҳамда қишлоқ хўжалиги ишчилари оммасидан иборат.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари қишлоқ хўжалигида кооператив ҳаракат тобора кенг қулоч ёймоқда. Кооперативлаш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга ёрдам беради, ердан рационал фойдаланишга, янги ер-

ларни кўпроќ ўзлаштиришга, аста-секин ижара ђаќини камайтиришга олиб келади.

Деђќончиликда субтропик экинлар етиштириш устун туради. Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатлар субтропик мевалар, узум етиштиради. Суѓориладиган ерларда ђар хил мевалар, полиз экинлари, ќанд лавлаги, пахта, шоли, Арабистон ярим оролининг жанубида кофе экилади. Туркия, Ироќ ѓалла етиштиришда етакчи ўрин тутади. Барча мамлакатларда ќўй ва эчкилар чорва моллари орасида энг кўп боќилади. Ќоракўл ќўйлар (Афѓонистон) ва ангор эчкиси (Туркия), айниќса, ќимматли мађсулот беради.

Яќин ва Ўрта Шарќ мамлакатлари ќишлоќ хўжалигини ривожлантиришда ирригация иншоотларини ќуриш ва тошќинларга ќарши курашиш катта ађамиятга эга. Бу минтаќадаги Дажла, Фурот, Марица, Амударё, Аракс каби серсув дарёларнинг сувларидан рационал фойдаланиш мамлакатлар олдида турга энг муђим вазифалардан биридир. Бу дарёлар турли мамлакатларнинг ђудудларидан оќиб ўтади. Шунинг учун ђам ана шу сувлардан фойдаланиш учун мамлакатлар биргаликда иш кўришлари керак. Бу сођада бир ќанча аниќ тадбирлар амалга оширилмоќда. Россия ва Туркия ђудудидан бошланиб, сўнгра Россия, Туркия ва Эрон чегараси бўйлаб оќадиган Аракс дарёси сувидан комплекс фойдаланиш сођасида катта ишлар амалга оширилди. Россия ва Эрон ђукуматлари Аракс дарёсига ќатор гидроэлектростанциялар ќуриш тўѓрисида битим тузганлар.

Россия билан Эрон, Туркия, Афѓонистон ђукуматлари ўртасида Аракс, Панж (Амударёнинг бош ќисми) дарёларидан ирригация, гидротехника ишларида кенг фойдаланиш сођасида ђам битимлар тузилган ва бу сођада катта ишлар олиб борилган.

**Туркия.** Республика Осиё билан Европада жойлашган бўлиб, ђудуди 781 минг км$^2$ (шундан 23,7 минг км$^2$ Европада), ађолиси 45 млн. Пойтахти – Анќара. Ќишлоќ хўжалиги мамлакат иќтисодиётининг негизини ташкил этади. Сўнгги йилларда амалга оширилган тадбирлар натижасида ѓалла ва техник экинларнинг ђосили ортди. Шунга ќарамай, ќишлоќ хўжалиги ђамон ќолоќ. Чунончи, ишлатиладиган ерларнинг тўртдан бир ќисмигина тракторлар билан ђайдалади. Омоч ђамон деђќоннинг асосий ќуролидир.

**Туркияда 2002 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти (минг т.)**

| Маҳсулот турлари | Эрон | Туркия |
|---|---|---|
| Буғдой | 5526 | 17000 |
| Арпа | 1276 | 550 |
| Шоли | 1527 | – |
| Пахта | 428 | 580 |
| Қанд лавлаги | 3652 | 9500 |
| Уруғ ёғи | 126 | – |
| Тамаки | 16,0 | 285 |
| Картошка | 932 | – |
| Пиёз | 562 | – |
| Жавдар | – | 600 |
| Сули | – | 330 |
| Фундук | – | 255 |
| Грек ёнғоғи | – | 6,0 |

**2002 йилдаги моллар бош сони (минг бош)**

| | Эрон | Туркия |
|---|---|---|
| Йирик қорамол | 5300 | 16000 |
| Қўй | 31900 | 43900 |
| Эчки | 14000 | 18400 |
| Чўчқа | 10,0 | – |
| От ва хачир | 40,0 | – |
| Туя | 10,0 | – |

Барча экин майдонларининг бешдан тўрт қисмига ғалла экилади. Экин майдонининг 60 % буғдой билан банд. Арпа, маккажўхори, шоли ҳам катта ўрин тутади. Техника экинларидан тамаки, пахта, кўкнори экилади. 1992 йилда 17,5 млн. тонна буғдой, 5,5 млн. тонна арпа, 580 минг тонна пахта, 250 минг тонна фундук, 285 минг тонна тамаки ҳосили олинди. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи. 16,0 млн. бош қорамол, 48,6 млн. бош қўй, 18,4 млн. бош эчки бор. Ишланадиган барча ерларнинг 60 % дан кўпроғи помешчик ва қулоқлар қўлидадир.

**Ҳиндистон.** Ҳиндистон Жанубий Осиёда жойлашган мамлакат бўлиб, майдони 3,28 млн. км$^2$. Аҳолиси – 1 млн.дан ортиқ. Ҳиндистон – кўп миллатли давлат. Аҳолисининг аксарияти – ҳиндистонликлар, телегулар, маратхилар, бенгаллар, тамиллар, панжобийлар ва бошқалардан ташкил топган. Пой-

тахти – Деҳли (аҳолиси 5 млн. нафар). Давлат тили ҳинди, ваќтинча ингиз тили. Ҳиндистон федерал республика: 22 штат ва 9 та иттифоќдош ҳудуддан иборат. Ќонун чиќарувчи ҳокимият президент ва Вазирлар Кенгаши ќўлида. Ҳиндистон Буюк Британия ҳамкорлигига киради.

Ҳиндистон ҳудудининг тўртдан уч ќисмини текисликлар ва ясси тоғликлар ташкил ќилади. Ҳиндистон ярим оролининг катта ќисмини Декан ясси тоғлиги эгаллаган. Мамлакат шимолида Ҳинд-Ганг текислиги, Ҳимолай ва Ќораќурум тоғлари бор. Иќлими жанубда субэкваториал, шимолда тропик, муссон иќлимда. Текисликларда январнинг ўртача ҳарорати шимолда $+22^0$ гача, майники $+28^0$, $+30^0$. Йилига Ҳинд-Ганг текислигининг ғарбида 60-100 мм. ва Декан ясси тоғлигининг марказий районларида 300-400 мм.дан, Шиллон платосида 12 минг мм.гача ёмғир ёғади (бу ер дунёдаги энг сернам жойдир). Энг йирик дарёлари – Ганг, Брахмапутра, Ҳинд. Тропик ўрмонлар (мамлакат ҳудудининг 20 %), саванна ва бутазор, чалачўллар кўп.

Ҳиндистон – ќадимий деҳќончилик маданияти мамлакатидир. Лекин ҳинд деҳќонларининг меҳнатсеварлиги ҳамда деҳќончилик соҳасида малакага эгалигига, иссиќлик етарли ва кўпгина районларнинг тупроғи унумдор бўлишига ќарамай, мамлакат ќишлоќ хўжалиги кейинги 200 йил ичида секин ривожланди. Бу помешчик ер эгалиги ҳамда мустамлака зулми оќибати эди.

Мамлакат ќишлоќ хўжалигини ўтмишда ќолоќликда саќлаб келган сабаблар ҳамон тўла тугатилган эмас. Республикада аграр масала ҳал ќилинмаган. Ҳиндистон мустаќилликка эришгач, аграр ислоҳот ўтказила бошланди. Бу ислоҳот ўтказилмасдан олдин ишланадиган ерларнинг 70 % хўжаликларнинг 2-3 % ини ташкил ќиладиган помешчик феодаллар ќўлида эди. Улар судхўрлар ва савдогарлар билан биргаликда бутун ќўшимча маҳсулотнигина эмас, балки деҳќонлар ҳамда ижарачилар хўжаликларида ҳосил ќилинадиган зарурий маҳсулотнинг бир ќисмини ҳам ўзлариники ќилиб олган эдилар.

Ҳиндистонда аграр тузум ислоҳоти чорак асрдан кўпроќ давом этган бўлса-да, ҳамон такомиллашган эмас. Аграр сиёсат вазифаси дастлаб мамлакатнинг биринчи беш йиллик режасида (1950-51-1955-56 йиллар) баён этилган эди. Ҳиндистонда марказий ҳукумат ер тўғрисида умумий ќонун ќабул ќилган эмас. Аг-

рар ислоҳот тўғрисидаги қонунларнинг аниқ изоҳи, уларни қабул қилиш ва амалга ошириш штатларнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органларига топширилган.

Ер ислоҳоти қишлоқдаги бош масалани – ерни қайта тақсимлаш масаласини ҳал қила олмади. Қонун собиқ ер эгалари бўлган заминдорларга ерга мудом эгалик қилаверишга рухсат этди. Бунда улар ижарачиларни ҳайдаб юбориб, оила аъзолари меҳнати ҳамда ёлланма меҳнатдан фойдаланган ҳолда хўжаликни мустақил юритиш имкониятига эга эдилар. Ислоҳот ўтказилиши жараёнида кўплаб ижарачилар ерлардан ҳайдаб чиқарилди.

Иккинчи ва учинчи беш йилликлар даврида ҳам ўзига хос ер ислоҳотлари амалга оширилди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб маълум бўлишича, аграр ислоҳотларнинг шакл ва усуллари самарасиз бўлиб чиқди. Рента эксплуатацияси ва деҳқонларнинг судхўрлардан қарзини чеклашни иложи бўлмади. Аграр аҳоли сони ҳамон ортиб бормоқда. Кўпчилик районларда ер рентаси ялпи ҳосилнинг ярмини ташкил этади. Ҳайдаладиган ерларнинг камида бешдан бир қисми бутун ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ижарачилар ёрдамида ишлатилади. Помешчиклар ва қулоқларнинг ерларида қишлоқ хўжалик пролетариатининг оғир меҳнати кенг тарқалган.

Мамлакатда аграр аҳоли ҳамон ортиқча, бунинг устига аҳоли сони тез ўсиб борар экан ва бинобарин, қишлоқларда ишсизлик даражаси ҳамон юқори экан, рента нормасини, ижара ҳажмини қисқартириш, қишлоқда амал қилаётган капиталнинг узвий тузилишини кўтариш учун реал шароит йўқ. Ҳиндистонда деҳқончилик капитализмини тез ривожлантириш йўли билан аграр масалани ҳал қилиш учун уриниш бу соҳада туб ўзгаришларга олиб келмади.

Барча ҳинд деҳқонларнинг 40 % дан кўпроғи ҳамон кам ерли (1 гектардан ҳам кам ери бўлган) ёки умуман ерсиз деҳқонлардир; қишлоқ аҳолисининг 25 % қашшоқ қишлоқ хўжалиги ишчиларидир. Ҳиндистон қишлоқларида синфий зиддиятлар кескин кучаймоқда: барча деҳқон хўжаликларининг 82 % қўлида атиги 27 % ер бор. Айни вақтда 2,4 % хўжаликда 28 % ер тўпланган.

Ҳиндистоннинг анъанавий қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда ҳукумат деҳқон кооперацияларига катта аҳамият

бермоќда. Сўнгги йилларда ћукумат яшил инќилоб йўлини тутди, яъни ерни ишлатиш ћамда ћосилни йиғиб-териб олишда замонавий усуллардан, энг янги техникадан ћамда серћосил уруғликлардан фойдаланиш йўли билан ќишлоќ хўжалик маћсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга эришишга катта аћамият бермоќда. Лекин ќишлоќ хўжалигини юксалтиришга ќаратилган ана шу тадбирлар мўлжалланган натижани бермаётир, чунки бу тадбирлар аграр тузумни демократик йўл билан тубдан ќайта ќуришга асосланган эмас.

Ћиндистон ќишлоќ хўжалигида дећќончилик етакчи тармоќдир. Барча ќишлоќ хўжалик маћсулоти ќийматининг бешдан тўрт ќисмидан кўпроғи дећќончиликка тўғри келади. Ћиндистонда иккита ќишлоќ хўжалик мавсуми мавжуд, яъни ёзги мавсум (ћариф) – май ойи охири – июн ойи бошларида экин экилиб, сентябрь-ноябрь ойларида ћосил йиғиб олинади; ќишки мавсум (рабий)-октябрь-ноябрь ойларида экин экилиб, март-апрель ойларида ћосил йиғиб олинади. Йиллик ћосилнинг асосий ќисми ёзги мавсумга тўғри келади. Бу пайтда муссон ёмғирларининг сувидан фойдаланилади. Ќишки мавсумда ғалла экинларидан юќори ћосил олиш мумкин. Лекин бунинг учун ерларни яхшилаб суғориш керак.

Мамлакатда суғориладиган ерларнинг умумий майдони 30 млн. гектарни ёки ишланадиган ерларнинг бешдан бир ќисмини ташкил этади, лекин кўпгина ерлар суғоришга мућтож. Суғоришнинг етишмаслиги натижасида экин майдонининг еттидан бир ќисмига икки ва ундан ортиќ марта ќайта экин экилади. Ћолбуки, иссиќлик мўл бўлганидан ирригация яхши йўлга ќўйилса, кўпгина ерлардан йилига бир неча марта ћосил олса бўлади. Ћиндистон ќишлоќ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган ерлар чекланган. Бунинг устига янги ерларни ўзлаштириш кўплаб капитал маблағ талаб этади. Ќишлоќ хўжалигини юксалтиришнинг энг мућим йўли уни интенсивлаштиришдир.

Экин майдонларининг асосий ќисмига озиќ-овќат экинлари экилади. Энг мућим ћисобланган шоли кўпинча ёз даврида етиштирилади. Асосий шоликор районлар дарё дельталари ва аллювиал текисликларда бўлиб, бу ерларда тупроќ унумдор ва ёғин ћам кўп ёғади. Буғдой маћсулотлари иккинчи ўринда туради. У кўпинча ќиш пайтида ќурғоќчил районларда экилади. Бошќа дон экинларидан маккажўхори, арпа ва тариќ буғдой эки-

ладиган районларда, лекин суғорилмасдан экилади. Дуккакли экинлар муҳим роль ўйнайди.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигига кўплаб капитал маблағ сарфланиши, айрим хўжаликларда буғдойнинг, кейинги вақтда шолининг ҳам серҳосил навлари экилиши натижасида озиқлик ғалланинг умумий ҳосили 1950 йилдагига нисбатан 2 марта кўпайтирилди.

Аҳоли сони тез ўсиб бораётган шароитда озиқ-овқатга бўлган талаб ҳам ўсиб бормоқда. Озиқлик экинлар етиштиришнинг анча ўсганига қарамай, Ҳиндистон озиқ-овқат билан тўла таъминланган эмас. Мамлакат четдан кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, АҚШдан буғдой сотиб олмоқда. Бу эса республикани АҚШга қарам қилиб қўймоқда. Эндиликда Ҳиндистон АҚШдан буғдой олишдан ва четдан шоли келтиришдан воз кечди.

Техника экинлари экин майдонининг атиги бешдан бир қисмини ишғол қилса-да, лекин уларнинг иқтисодий аҳамияти жуда катта (енгил саноат учун хом ашё ҳисобланади ва экспорт қилинади). Техника экинларидан энг муҳимлари – пахта, жут, чой, шакарқамиш, мойли экинлардир. Пахта етиштиришда Ҳиндистон дунёда учинчи, жутнинг ялпи ҳосили бўйича иккинчи ўринда туради.

Тоғ этакларида, хусусан, Ассом штатида етиштириладиган чой катта аҳамиятга эга. Чойнинг ялпи ҳосили бўйича ва экспорт қилишда, шунингдек, шакарқамиш майдони жиҳатидан ҳам Ҳиндистон биринчи ўринда туради, лекин унинг ҳосилдорлиги паст бўлганидан ҳосили Кубадагидан кам. Мойли экинлардан ер ёнғоқ ва рапс ҳам катта аҳамиятга эга. Тамаки, каучукли экинлар, кофе дарахти, доривор экинлар, кокос пальмаси, банан, ананас, манго, цитрус экинлар деҳқончиликда каттагина роль ўйнайди.

Чорвачилик – қишлоқ хўжалигининг иккинчи даражали тармоғидир. Чорва моллари сони жиҳатидан Ҳиндистон дунёда биринчи ўринда. Лекин чорвачиликнинг маҳсулдорлиги жуда паст. Моллар ориқ, табиий ем-хашак етишмайди, молларни бойлаб боқиш расм бўлмаган, чунки аралаш ем-хашак сотиб олиш учун деҳқоннинг маблағи йўқ. Чорва моллари орасида касалликлар кўп тарқалган. Қорамоллардан (буйвол, ҳўкиз, сигирлар) деҳқон хўжаликларида биринчи галда от-улов сифатида фойдаланилади.

Диний аќидаларга кўра, Ћиндистонда ќорамол гўштини ейиш мумкин эмас. Шунинг учун ћам маћсулот бериш ёшидан ўтган ќорамоллар дећќон хўжаликларида ортиќча ташвишдан бошќа нарса эмас. Моллар ўлгандан кейин териси экспорт учун хизмат ќилади. Чорва молларининг зотини яхшилаш учун зотли моллар боќиладиган давлат фермалари ташкил этилган.

1999 йилда озиќли ѓалладан катта ћосил – 130,5 млн. тонна дон олинди. Ћиндистон ќишлоќ аћолисининг асосий ќисми ћамон ерсизлик ва кам ерликдан ќийналмоќда. Ќишлоќ аћолисининг 22 % ерсиз, 62 %да 5 акргача ер бор (1 акр – 0,4 га). Ишланадиган ерларнинг 23,6 % 30 акрдан ортиќ ери бўлган ва ер эгаларининг 3 % ини ташкил этадиган хўжаликлар ќўлида.

**Ћиндистонда энг мућим ќишлоќ хўжалик экинлари ћосили (минг т.)**

| Экинлар | 1997-98 йиллар | 1998-99 йиллар |
|---|---|---|
| Шоли (Тозаланган) | 52670 | 53829 |
| Буѓдой | 31749 | 34982 |
| Жавдар | 2311 | 2121 |
| Маккажўхори | 5973 | 6219 |
| Тариќ | 2070 | 1932 |
| Дуккаклилар | 11972 | 12170 |
| Пахта | 1230 | 1348 |
| Жут | 888 | 1162 |
| Мойли экинлар | 9000 | 9550 |
| Шакарќамиш (гурга | – | – |
| ћисобида) | 18780 | 16500 |
| Тамаки | 445 | – |
| Чой | 561 | 571 |
| Ќалампир | 40 | – |
| Кофе | 125 | 110 |

## 6. Жанубий-шарќий Осиё мамлакатларида ќишлоќ хўжалиги

Жанубий-шарќий Осиё дейилганда, Ћиндихитой ярим ороли ва Малайя архипелагидаги мамлакатлар (Индонезия, Филлипин, Малайзия, Сингаупр, Бруней ороли) тушунилади. Бу ћудуд мамлакатлари кўп жићатдан умумий хусуиятларга эга. Лекин бунда айрим мамлакатлардаги ижтимоий-иќтисоий хусусиятларни

алоҳида ҳисобга олиш керак. Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий роль ўйнайди. Аҳолининг учдан икки қисми қишлоқ хўжалигида банд ва минтақадаги миллий даромаднинг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигидан келади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни тубдан ўзгартиришнинг асосий муаммоси ер масаласини ҳал қилишдан иборат. Вьетнам Социалистик Республикаси ва Лаос Халқ Демократик Республикасини истисно қилганда, минтақадаги барча мамлакатларда йирик мулкдорлик, помешчиклар, чет эл плантаторлари, судхўрлар ва бир ҳовуч бадавлат деҳқонлар қўллида. Таиланд, Филлипин, Индонезия, Бирмада йирик помешчик хўжаликлари бор. Минтақадаги кўпчилик мамлакатларда бевосита ишлатувчилар ерни помешчик ёки судхўрдан кўпинча воситачилар орқали ижарага олишга мажбур. Чет элликларга қарашли плантацияларда ерни қишлоқ хўжаликги ишчилари ишлатадилар. Плантацияларда замонавий агротехника усулларидан фойдаланилади. Ҳамма жойда буйвол ёки ҳўкиз асосий от-улов ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашишида тарихан иккита йўналиш таркиб топган: хом ашёси экспортбоп экинлар етиштириш (плантация ва деҳқон хўжаликларида); хом ашёси истеъмол қилинадиган экинлар етиштириш. Хом ашёси экспорт қилинадиган асосий экинлар – шоли (Бирма, Таиланд), гевая (Малайзия, Индонезия), абака (Филлипин), чой, кофе (Индонезия), кокос пальмаси, кокос пальмасининг қуритилган этидан олинадиган копра (Филлипин, Индонезия).

Гуруч экспорт қиладиган асосий мамлакатлар – Бирма, Таиланддир. Бошқа мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги ҳам экспортга ихтисослашган. Жаҳон бозорига чиқариладиган абаканинг (лос) ўндан тўққиз қисмини ва копранинг учдан икки қисмидан ортиғини Филлиппин беради. Малайзия ва Индонезия дунёда натурал каучук етиштириладиган энг йирик мамлакатлардир.

Ишланадиган ерларнинг 50-70 % аҳолининг 2-3 % ини ташкил қиладиган помешчиклар қўлида. Аграр ислоҳотлар помешчик ер эгалигига умуман зарар етказмади ва деҳқонларга ер бериш масаласи давлат жамоат ерлари ва ўзлаштирилмаган ерлар ҳисобига ҳал қилинмоқда. Индонезияда 1957–1961 йилларда амалга оширила бошлаган аграр ислоҳот тўғрисидаги қонунлар ҳозирга қадар ниҳоясига етказилмаган. Малайзияда ерсиз ва кам

ерли деҳқонлар оғир шартлар билан судхўрлардан ер олиб ишлатишга мажбур. Таиландда ҳам аҳвол шундай.

Шундай қилиб, бу мамлакатларда ўз вақтида эълон қилинган ислоҳотлар жараёнида помешчик ер эгалигини тугатиш масаласини ҳал қилиш ўрнига деҳқонларнинг феодал ва ярим феодал эксплуатациясини қисқартириш ёки чеклаш билангина шуғулланилмоқда.

Жанубий-шарқий Осиёдаги бир қанча давлатларда мустақиллик қўлга киритилгач, кооператив ҳаракат ривожлана бошлади. Бироқ кооперативлар оммавий демократик ташкилотларга айланмади, деҳқонлар кредит қидириб ҳамон помешчик ва судхўрларга мурожаат қилишга мажбурдирлар.

Сўнгги йилларда минтақа мамлакатларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг маълум даражада ўсиши кўзга ташланади. Бу эса давом этаётган аграр ислоҳотлар ҳамда янги агротехниканинг жорий қилиниши натижасидир. Шунга қарамай, деҳқон хўжаликларининг аксарият қисми ҳамон натурал ёки ярим натурал хўжалик юритишга мажбур. Бу хўжаликлар бозор билан кам боғланган ва аксарият ҳолларда ўз эҳтиёжлари қондириш учунгина хизмат қиладилар. Ерлар алмисоқдан қолган қуроллар билан ишланади. Трактор парки заиф, қишлоқ хўжалиги техникаси асосан чет элликларга қарашли плантациялардагина ишлатилади. Минтақада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиёти ана шу мамлакатларнинг асосий иқтисодий муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши моҳият эътибори билан аграр масаланинг нақадар тўғри ва чуқур ҳал қилинишини тақозо этади.

Бозорда жануби-шарқий Осиё мамлакатларида етиштириладиган пенька, каноп, копра, дориворлар, шакарқамиш қанди, табиий каучук каби товарларнинг баҳоси ўта пасайиб кетмоқда. Бир қанча мамлакатларда шоли етиштириш ва истеъмол қилиш соҳасида озиқ-овқат муаммоси кескин тус олмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларини ҳал қилиш йўллари қишлоқ хўжалигида ижтимоий муносабатларни тубдан қайта қуриш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш билан узвий равишда боғлиқдир.

Жанубий-шарқий Осиёда иккита социалистик давлат – Вьетнам ва Лаос, сўнгра еттита ривожланаётган мамлакат – Бирма, Таиланд, Кампучия, Малайзия, Сингапур, Индонезия ва Фил-

липпин жойлашган. Калимантан оролининг шимолий ќисмида Англиянинг протекторати – Бруней султонлиги жойлашган. Шимолда минтаќа бевосита Хитойга туташган, жанубда эса Австралияга яќин. Аћолисининг умумий сони 344 млн. нафар. Минтаќанинг умумий майдони 4 млн. км$^2$.

## Назорат саволллари:

1. *Ривожланаётган мамлакатларда ќишлоќ хўжалиги ќандай аћамиятга эга?*
2. *Жанубий Америка мамлакатларида ќишлоќ хўжалигининг ќайси тармоќлари ривожланган?*
3. *Африка ќитъасида ќишлоќ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?*
4. *Яшил ќитъада ќишлоќ хўжалиги таркиби ќандай?*
5. *Осиё мамлакатларида ќишлоќ хўжалиги ќандай ўрин тутади?*

## Адабиётлар:


1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отаќулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иќтисодиёти. Ўќув ќўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Ћамдамов К.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ћакимов Р.Х., Ўроќов Н.И, Арипов И.М. Жаћон ќишлоќ хўжалиги. Ўќув ќўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуѓаниев А., Абдуѓаниев А.А. Ќишлоќ хўжалиги иќтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Дећќон хўжалиги тўѓрисида»ги Ќонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ќўллаб-ќувватлаш бўйича ќонунчилик ћужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўѓрисида»ги Ќонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ќўллаб-ќувватлаш бўйича ќонунчилик ћужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*

9. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*
13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.*
*– Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*

22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. –М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. –М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. –№10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. –№7. – С. 41-48.*

39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. – №1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

**_Интернет сайтлари:_**

1. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html*
2. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm*
3. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. М.: ЮРКНИГА, 2004, http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*
5. *www.bearingpoint.uz.*

## 6-мавзу. Мустаќил давлатлар ћамдўстлиги (МДЋ) ва ќишлоќ хўжалиги

1. ***Собиќ СССРнинг ќишлоќ хўжалиги.***
2. ***Мустаќиллик йилларида МДЋ ќишлоќ хўжалиги.***

### Собиќ СССР ќишлоќ хўжалиги

Ќишлоќ хўжалиги собиќ совет давлати иќтисодиётида мућим ижтимоий-иќтисодий аћамият касб этади. Ќишлоќ хўжалигида мамлакатда ишлаб чиќарилган ялпи маћсулотнинг тўртдан бир ќисми яратилар, жами мећнат ресурсларининг 22 % ќишлоќ хўжалигида банд эди. Мамлакат иќтисодиётида банд бўлган асосий фондларнинг 16 % ќишлоќ хўжалиги ћиссасига тўғри келарди.

Собиқ СССР жаҳонда ҳудуди жиҳатидан энг катта мамлакат (22,4 миллион кв.км) бўлиб, Европанинг кўп қисмини (5,6 млн. кв.км) ва Осиёнинг анчагина қисмини (16,8 млн. кв.км) ўз ичига олган.

Совет Идтифоқининг ер фонди жуда катта бўлган. Ҳаммаси бўлиб қишлоқ хўжалигида 1 млрд. гектардан кўпроқ ердан фойдаланилган. Шулардан 550 млн. гектардан ортиқроғи қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар: экинзорлар, яйловлар, пичанзор, боғзорлар ва токзорлардир.

Энг кўп ўзлаштирилган районлар Карпат тоғларидан Олтой тоғ этакларигача чўзилган қоратупроқли даштлардир. Ҳайдалган ерларнинг қарийб ярми ана шу районларга тўғри келган. Россиянинг жануби-шарқи, Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги каштан тупроқли қуруқ даштлар ва чала чўллар катта майдонни эгаллаган ва мелиорация қилинганда, деҳқончилик учун яроқли бўлган. Қишлоқ хўжалигида ўрмон зонасидаги сур ўрмон тупроқли ва чимподзол тупроқли ерлардан ҳам фойдаланилган.

Мамлакат ер майдонининг тахминан учдан икки қисми қишлоқ хўжалиги учун кам яроқли ёки умуман яроқсиз ерлар бўлган. Бундай ерларни ишга солиш жуда катта маблағ талаб этарди. Тундра, Ўрта Осиёдаги қумли, гилли ва тошлоқ чўллар, катта-катта тоғли районлар, ботқоқликлар, шўрҳоклар ва бошқа ноқулай ерлар ана шулар жумласидандир. Мамлакатда 10 млн. км$^2$. майдонни доимий музлаб ётган районлар ташкил этган. Ана шу ҳудудни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш ҳам катта харажатлар талаб этарди.

Бир қанча районларда сув ва шамол эрозияси мамлакатнинг ер фондига катта зарар етказарди. Сув эрозияси Украинанинг шимоли-шарқий қисмида, шунингдек, Ўрта Россия ва Волга бўйи қирларида айниқса, кенг тарқалган. Шимолий Кавказда, Дон, Кубань, Украинада, Қримда, Қозоғистоннинг қўриқ ерларида тез-тез чангли бўронлар бўлиб туради.

Ёғиннинг бир текисда бўлмаслиги мамлакат деҳқончилигига салбий таъсир этади: шимоли-ғарб, Болтиқ бўйи, Белоруссия, Шимол ва Узоқ Шарқ ўсимликлар вегетацияси даврида ортиқча намгарчиликдан зарар кўради, Украина, Ўрта Волга, Бошқирдистон, Оренбург вилояти, ғарбий Сибирнинг жанубий қисми, Қозоғистоннинг қўриқ ерлари намгарчиликнинг беқарорлигидан

зарар кўради, Украинанинг жануби, Волга бўйи, Закавказье, Ўрта Осиё, Ќозоѓистоннинг ѓарбий ва жанубий ќисмлари ќурѓоќчил ўлкалардир. Сибирь районларида совуќсиз давр ќисќа бўлиб, ќиш камќор ва ћаддан ташќари совуќ келади.

Совет Иттифоќининг ер фонди бойликлари катта бўлган, лекин чексиз эмас. Аћоли сони ўсган сари ќўриќ ва бўз ерлар ўзлаштирилганига ќарамай, аћоли жон бошига тўѓри келадиган экинзор майдони тобора камайиб борган. Чунончи, 1950 йилда бир кишига 0,999 гектар экинзор тўѓри келган бўлса, 1978 йилда бу миќдор 0,867 гектарга тушган.

Мамлакат ќишлоќ хўжалигини асосан давлат корхоналари (совхозлар, чорвачилик комплекслари, уруѓчилик хўжаликлари ва ћ.к.), кооператив хўжаликлар (колхозлар) ва аћолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ташкил этар эди. Булардан ташќари, агросаноат бирлашмалари, комбайнлар, хўжаликлараро корхоналар каби хўжалик юритиш субъектлари ћам мавжуд бўлган.

Ер давлат – умумхалќ мулки ћисобланарди, хўжалик юритувчиларга фаќатгина ундан фойдаланиш ћуќуќи берилган бўлиб, бунда улар тупроќ унумдорлигини оширишдан иќтисодий манфаатдор эмас эди.

Жуда йирик ресурсларга эга бўлишига ќарамасдан, асосий озиќ-овќат маћсулотларининг айримлари 20 % дан 40 % гача импорт ќилинар эди. Асосий ќишлоќ хўжалик экин турлари ћосилдорлиги, чорва моллари маћсулдорлиги ривожланган бозор иќтисодиёти муносабатлари асосида яшаётган давлатлардагига нисбатан паст эди.

**Донли экинлар ђосилдорлиги ва ќорамолчилик маћсулдорлиги**

| Кўрсаткичлар | Дунё бўйича ўртача | Шарќий Европа | АЌШ | Канада | СССР |
|---|---|---|---|---|---|
| Ђосилдорлик (цЃга) | | | 31,6 | 21,1 | 15,7 |
| 1970 й. | 17,8 | 27,9 | 44,8 | 21,2 | 18,9 |
| 1989 й.да | 26,6 | 45,8 | 1,42 | 1,00 | 1,2 |
| 1989 й. 1970 йилдагига нисбати, % ; | | | | | |
| 1 бош сигирдан соѓиб олинган сут | 1,49 | 1,64 | | | |
| (кг/йил) | | | | | |
| 1970 й. | 1932 | 3269 | 4423 | 3256 | 2110 |
| 1989 й.да | 2127 | 4059 | 6533 | 5806 | 2555 |
| 1989 й. 1970 йилдагига нисбати, % | 1,10 | 1,24 | 1,48 | 1,78 | 1,21 |

Собиқ иттифоқ даврида қишлоқ хўжалиги давлат томонидан қўллаб-қувватланиб туриларди. 1989 йилда давлат томонидан берилган ёрдам нон чакана нархининг 20 % ини, қорамол гўшти бўйича 74 % , чўчқа гўшти бўйича 60 % , қўй гўшти бўйича 79 % , парранда гўшти бўйича 36 % , сут бўйича 61 % , ёғ бўйича 78 % , пишлоқ бўйича 48 % ва шакар бўйича 14 % ини ташкил қилган.

Қишлоқ хўжалигига ресурслар (тракторлар, комбайн, минерал ўғитлар, ишчи машиналар, уруғлар) тўлиқ марказлашган ҳолда ажратилар эди. Бу ҳам қишлоқ хўжалиги асосан бир хил техника билан таъминланишига олиб келди. Натижада аҳолининг ёрдамчи хўжаликлари асосан қўл кучига асосланган ҳолда олиб борилди. Шунга қарамасдан, қишлоқ аҳолиси даромадининг катта қисми уларнинг ёрдамчи хўжаликлари ҳисобига олинганлиги сабаби ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожланиб борди. Мамлакат қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулотнинг тўртдан бир қисми аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш масалалари ҳам, уларни сотиб олиш ҳам асосан давлат томонидан ҳал этилар эди. Шу сабабли бозор инфратузилмаси деярли ривожланмаган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш, энг аввало, давлат манфаатини кўзлаб амалга оширилар эди.

Юқоридагиларнинг барчаси қишлоқ хўжалигининг бир меъёрда динамик ривожланишига етарлича манфаатдорлик туғдира олмади. Натижада, совет қишлоқ хўжалиги катта ютуқларга эришганига қарамасдан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигидан орқада қолди.

## 2. Мустақиллик йилларида МДҲ қишлоқ хўжалиги

1990–1991 йилларга келиб, Совет давлати парчаланиб, унинг ўрнида 15 та мустақил давлат вужудга келди.

Мустақил давлатлар марказлашган-режали иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш йўлини тутди. Иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалигида ҳам фаол олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар, энг аввало, ер муносабатларини ривожлантиришга қаратилган.

Бу борада давлатлар турли йўллар билан ер муносабатларини шакллантирмоқда. Масалан, Арманистон ва Грузияда ерлар унда ишловчиларга бўлиб берилди. Бу давлатлар қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчилардан ҳар бири ихтиёридаги ернинг ўртача ҳажми 1,2–1,4 гектарни ташкил этади. Болтиқ бўйи давлатлари – Латва, Литвия ва Эстонияда ер муносабатлари 2 хил ҳал этилмоқда. 1940 йилгача бўлган даврда қайси оила ўз ерига эга бўлган бўлса (ҳужжатлар сақланган бўлса), уларга ерлар хусусий қилиб берилди (1 оилага энг кўпи билан 10 гектаргача). Қолган ерлар асосан қишлоқ хўжалиги ишчи-ходимларига текинга бўлиб берилди. Латвия ва Литвада асосан оилавий хўжаликлар ташкил этилди. Улардан ҳар биридаги ернинг ўртача ҳажми 1,2 гектарни ташкил этади.

Бу давлатларда ерга хусусий мулкчилик муносабатлари ўрнатилди. Лекин қишлоқ хўжалиги ерлари ҳозирча олди-сотди объекти бўлган эмас. Россия, Қозоғистон давлатларида ҳам ерга хусусий мулкчилик ўрнатилди. Бу давлатларда ер фермер хўжалиги юритувчиларга, уларнинг хоҳишига кўра тақсимлаб берилди. Қозоғистоннинг шимолий қисмида 1 фермерга 1200–1300 гектар ер берилган бўлса, жанубий қисмида бу кўрсатгич 5–15 гектарни ташкил этади. Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонда ерни сотиш мумкин эмас, лекин ундан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш ёки ижарага бериш мумкин. Туркманистонда ҳам ер хусусий мулк ҳисобланади. Лекин ерни сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш мумкин эмас.

Белоруссияда уй-жой қуриш учун ва томорқага ажратилган ерлар хусусийлаштирилган. Бошқа барча ерлар давлат мулки ҳисобланади. Украинада барча қишлоқ хўжалиги ерларига хусусий мулкчилик ўрнатилган бўлиб, фермер хўжаликлари тезроқ ривожланмоқда. Украинада бир фермерга ўртача 22 гектар ер берилган. Молдавияда асосан оилавий хўжаликлар ташкил топди ва уларнинг ери ўртача 1-2 гектарни ташкил этади.

Нисбатан йирик фермер хўжаликлари Эстонияда ташкил топди. Улардан ҳар биридаги ер ҳажми ўртача ҳажми 22 гектарни ташкил этади.

МДҲнинг Молдавия, Грузия ва Арманистондан бошқа барча давлатларида йирик қишлоқ хўжалиги фирмалари ва ширкатлари ҳам сақланиб турибди. Бу хўжаликларнинг ўртача ҳажми 450-1600 гектарни ташкил этади.

Россияда жами 214 млн. гектар қишлоқ хўжалиги ери бор. Бу Россия ҳудудининг 13 % ини ташкил қилади.

Россияда ҳозирда 300 мингдан ортиқ фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг ўртача ҳажми 48 гектар. Уларга жами қишлоқ хўжалик ерларининг 6,1 % берилган. Йирик қишлоқ хўжалик корхонлари 26,9 мингта. Шундан 4,8 мингтаси совхозлар, 1,8 мингтаси колхозлар, 5,0 мингтаси ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари, 4,0 мингтаси ишлаб чиқариш кооперативларидир.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги асосий тармоқ ҳисобланади. Унда ЯИМнинг 28–30 % ишлаб чиқарилади. 30 млн.дан ортиқ деҳқон, 77 минг фермер хўжаликлари, 2000 га яқин ширкатлар мавжуд. Ер давлат мулки бўлиб, ундан фойдаланувчиларга давлат актига биноан, фермерларга эса 9 йил муддатга ижарага берилади. Республика қишлоқ хўжалигида асосий экин турлари пахта, буғдой, шоли, арпа, маккажўхоридир.

Бундан ташқари, сабзавотчилик, полизчилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Чорвачиликда қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик ҳам ривож топган. Қишлоқ хўжалигини асосан ширкатлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари шаклидаги хўжалик субъектлари ташкил этади. Дон ва пахтага давлат буюртмалари сақланиб қолган.

**Назорат саволлари:**

1. *Жаҳон қишлоқ хўжалигида собиқ СССРнинг аҳамияти қай даражада бўлган?*
2. *Собиқ СССР парчалангандан сўнг мустақил давлатларнинг жаҳон қишлоқ хўжалигида тутган ўрни?*

**Адабиётлар:**

1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*

5. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*
9. *Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*
13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*

18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*
22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. – М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. – М.: Наука, 1997. – С. 189.*

34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. – №10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. – №7. – С. 41-48.*
39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. – №1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

## Интернет сайтлари:

1. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html*
2. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm*
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНГА», 2004, http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*
5. *www.bearingpoint.uz.*

# 7-мавзу. Жаћон ќишлоќ хўжалигининг табиий шароитлари ва мећнат ресурслари

1. *Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш.*
2. *Мећнат ресурслари.*
3. *Ќишлоќ аћолисининг турмуш даражаси.*
4. *Жаћон аћолисининг кўпайиши, таќсимланиши ва айрим ижтимоий-иќтисодий масалалар.*
5. *Озиќ -овќат ишлаб чиќариш масалалари.*
6. *Ќишлоќ хўжалиги мећнат ресурслари ва уларнинг ривожланиши.*

## 1. Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш

Ер – мећнат жараёни учун моддий зарурий шарт-шароит ва ишлаб чиќаришнинг асосий воситаси, унинг энг мућим моддий омилларидан биридир. Ер – халќ хўжалигининг бир ќанча тармоќларида, аввало, ќишлоќ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида ишлаб чиќаришнинг табиат инъом этган асосий воситасидир. Ер бир ќанча хусусиятларга эгаки, бу хусусиятлар шу тармоќларда ишлаб чиќариш жараёни характерига таъсир этади.

Ер ишлаб чиќаришнинг ќайта ишлаб чиќарилмайдиган воситаларидандир. Бу эса ер ресурсларининг чекланганлигидан ва ернинг иќлимий ва бошќа табиий омиллар мажмуасига боғлиќлигидан далолат беради. Умуман олганда, ер майдони чекланган, лекин ќишлоќ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдонини мутлаќ чекланган, деб бўлмайди. Техника ривожлангани, мелиорация ва ќишлоќ хўжалигини электрлаштириш кўлами кенгайгани ва умуман, ишлаб чиќарувчи кучлар ривожлангани сари янгидан-янги ерларни ќишлоќ хўжалигида ишга солиш имконияти туғилади. Лекин бундай имкониятлар чексиз эмас. Бунинг устига саноат тараќќиёти туфайли тескари ћодиса рўй бераётир – ерларнинг бир ќисми ќишлоќ хўжалиги муомаласидан чиќиб ќолаётир. Ќишлоќ хўжалиги маћсулотларига бўлган ва тобора ўсиб бораётган эћтиёжларни, аввало, ўзлаштирилган ерлардан интенсив ва самарали фойдаланиш ћисобига ќондириш мумкин. Ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришини интенсивлаштириш уни ривожлантиришнинг асосий йўли бўлиб ќолганлиги ана шундандир.

Ердан фойдаланиш тизими, турлари ва шакллари ишлаб чиќариш муносабатларининг тарихий тараќќиёти жараёнида таркиб топади ва ўзгаради. Ќулдорлик тузумида асосий ердан фойдаланувчилар, аввало, ќул эгалари эдилар. Улар ўз латифундияларида ќулларнинг мажбурий меѓнатидан фойдаланардилар. Феодализм даврида ердан фойдаланишнинг бир неча шакли мавжуд эди:

1. феодалларнинг ердан фойдаланиш иерархик феодал ер мулкчилигининг турли шаклларига таяниши;
2. крепостной деѓќонларнинг чекка ерлардан фойдаланиши;
3. озод деѓќонларнинг ердан фойдаланиши.

Жаѓон миќёсида ќишлоќ хўжалиги ерларининг 4 млрд. 827 млн. гектаридан фойдаланилади. Шундан 13 % ќишлоќ аѓолиси яшайдиган ер майдони, яйлов ва ўтзорлар 19 % ни ташкил этади. Ер майдони Европа мамлакатларида 32, Осиё мамлакатларида – 21, Африка мамлакатларида – 11, Австралияда – 5, Канадада – 5, Хитойда – 12, АЌШда – 18, Ѓиндистонда – 12, Аргентинада 12 фоизни ташкил этади. Ер майдонларининг маълум ќисми доимо ѓаракатда бўлади, ѓар йили 10 % ер майдони сотилади. Ернинг баѓоси унинг потенциал ва ѓаќиќий унумдорлигига ќараб белгиланади. АЌШда агар 1 акр ер баѓоси ўтган асрнинг 80-йилларида 599 долларга тўѓри келган бўлса, 2000 йилга келиб, 700 долларни ташкил этди.

Ер ижарага бериладиган ер майдони, куйидагича бўлган *(2000 йилда):*

| | |
|---|---|
| Бельгияда – 68 %; | Данияда – 18 %; |
| Англияда – 39 %; | Испанияда – 32 %; |
| Грецияда – 21 %; | АЌШда – 66 % |
| Францияда – 53 %. | |

Ер ќишлоќ хўжалиги муомаласига киритилгандан сўнг унинг унумдорлиги ўѓитлар солиш, техник воситалар ва ерга ишлов бериш технологиясининг такомиллаштирилиши, яъни техника тараќќиёти асосида сунъий равишда тикланиши ва яхшиланиши мумкин. Ернинг унумдорлиги энг ќулай шароит яратилиб, унинг табиий ва сунъий имкониятларидан биргаликда оќилона фойдаланилганда, вужудга келади. Бу омилларнинг бирлиги ернинг реал, иќтисодий унумдорлигини юзага чиќаради. Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини кўтаришнинг энг муѓим вазифаси

уларнинг иќтисодий унумдорлигини оширишдан иборат. Ернинг иќтисодий унумдорлиги кўрсаткичи – ќишлоќ хўжалиги экинлари ћосилдорлигидир. Экинлар ћосилдорлиги ва чорвачилик маћсулдорлигининг ўсиши ер сифати, яхшиланганлигини, унинг истеъмол ќиймати яхшилигини кўрсатувчи далилдир.

Ана шу кўрсаткичлар ер унумдорлигининг тобора пасайиб бориши тўѓрисидаги мальтусча ва номальтусча назарияларни тўла инкор этади. Ќишлоќ хўжалиги муомаласида бўлган ернинг истеъмол ќиймати (ундан оќилона фойдаланилганда) пасаймайди, балки яхшиланиб боради.

## 2. Мећнат ресурслари

Ћозирги кунда жаћонда 2,5 млрд. нафар ишчи кучи бўлиб, 2005 йилга бориб бу кўрсаткич яна 1,2 млрд. нафарга кўпаяди. Дунёда 120 млн. нафар ишсиз бўлиб, у ер юзидаги ишга лаёќатли аћолининг 5 % ни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда 61 % ишчи кучи ќишлоќ хўжалигида мећнат ќилса, ривожланган мамлакатларда 3-4 % ни ташкил ќилади.

Дунё аћолисининг 72 % дан кўпроѓи аћоли жон бошига ўртача даромад кам бўлган мамлакатларда ва фаќат 28 % даромад юќорироќ бўлган мамлакатларда истиќомат ќилади. Бу ўринда айрим синфлар ва аћоли табаќаларининг даромади ва харид ќуввати соћасидаги тафовутлар масаласига тўхталмасдан, шуни айтиш керакки, аћоли жон бошига кам даромад тўѓри келадиган мамлакатларда дунё аћолисининг кўп ќисми яшаши бу мамлакатларнинг ќишлоќ хўжалигини юксалтиришга монеълик ќиладиган жиддий омиллардан биридир. Чунки даромаднинг аћоли жон бошига бу даражада камлиги озиќ-овќат истеъмоли даражасинигина эмас, балки мамлакат ќишлоќ хўжалигини юксалтириш учун кўпроќ капитал маблаѓлар ажратиш имкониятларини ћам чеклаб ќўяди.

Иќтисодий жићатдан ривожланган барча мамлакатларнинг ќишлоќ хўжалигида банд бўлган аћоли сони ўн йил ичида ќарийб 20 млн. нафарга камайди. Ривожланаётган мамлакатларда ва Осиёдаги социалистик мамлакатларда эса ќишлоќ хўжалигида банд бўлган аћоли сони ќарийб 50 млн. нафарга кўпайди. Шу билан бирга, иќтисодий жићатдан фаол бўлган аћоли орасида ќишлоќ хўжалигида банд бўлган аћолининг улуши барча гурућ-

лардаги мамлакатларда анча камайди. Ўсиб етилган аҳолининг фақат бир қисмигина қишлоқ хўжалигида банд бўлди. Ривожланган мамлакатларда бу ҳол аниқ маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий шароитларга қараб, турли даражада рўй берди.

Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг салмоғи нисбатан паст бўлиб, янада пасайиб бормоқда. Бу эса шу мамлакатларнинг кўпчилиги иқтисодиётида саноатнинг катта ўрин тутиши ҳамда қишлоқ хўжалигида фан-техника ютуқларининг кенг қўлланилиши оқибатидир. Бу шароитда майда хўжаликлар йўқолади ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони қисқаради. Масалан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли салмоғи 10 йил ичида Японияда 12 % га, Францияда 8 % га, Италияда 10 % га камайди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг саноат билан интеграцияси рўй бераётган шароитда қишлоқ хўжалик жараёнларига хизмат кўрсатадиган бир қанча операциялар, жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича бир қанча операциялар саноат қўлига ўтади ва шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги доираси ва ундаги ишлар ҳажми, бу ишларда банд бўлган ишчи кучи қисқаради. Чунончи, минерал ўғит, хусусан, суюқ ўғит солиш, бройлерлар етиштириш, махсус заводларда мой ва сут маҳсулотларини саноат негизида ишлаб чиқариш шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган корхоналар бир қисмининг қишлоқ жойларда жойлашиши, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг аста-секин мураккаблашиши ва бошқа сабаблар шунга олиб келадики, кўпгина мамлакатларда, жумладан, ривожланган мамлакатларда ва ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий фаол қишлоқ аҳолиси таркибида қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли салмоғи камая боради. Чунончи, 1950–1970 йилларда бу улуш АҚШда 37 % дан 12 % га, Японияда 1960 йилдан 1970 йилгача 54 % дан 38 % га, Индонезияда 1956 йилдан 1960 йилгача 81 % дан 72 % га, Руминияда 88 % дан 79 % га тушиб қолди ва ҳоказо. Шу билан бирга, шаҳар аҳолисининг бир қисми қишлоқ хўжалигида ишламоқда. Бу миқдор юксак даражада ривожланган мамлакатларда жуда кам (АҚШда 1 %, ГФРда 4 %), ривожланаётган мамлакатларда эса анча юқори

(Жазоирда 27 % , Сальвадорда 19 % , Филиппинда 16 % , Ҳиндистонда 13 %) бу улуш аста-секин камайиб бормоқда.

Агар меҳнат билан бандлик қишлоқ хўжалигида 1990 йили Ўзбекистонда 40 % бўлган бўлса, 2000 йилга келиб у 80 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткич Бельгияда – 3 % , Англияда – 2 % , Голландияда – 5 % , Францияда – 6 % , Германияда 3 % бўлган.

Бельгияда жон бошига 2000 йилда 140 кг. етиштирилган бўлса, бу борадаги кўрсаткич Буюк Британияда 64 кг., Германияда – 87 кг., Ўзбекистонда – 23 кг.ни ташкил этган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида банд бўлган 2 млн. нафар аҳолининг 6 % олий ва 13 % ўрта маълумотга эга.

Меҳнат унумдорлигига қуйидаги омиллар киради: техника тараққиёти, фонд билан қуролланиш даражаси, ишчи кучларининг сифати. Меҳнат унумдорлигини аниқлашда натурал, қиймат сарфлар ҳисобга олинади.

## 3. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси

Жаҳонда 1,5 млрд. аҳоли калорияси кам озиқ-овқат истеъмол қилади. ФАО ташкилоти маълумоти бўйича, жаҳон бўйлаб 780 млн. аҳоли оч ҳолатда, шу жумладан, Африка мамлакатларида 175 млн. аҳоли озиқ-овқат етишмайдиган шароитда яшайди.

Аҳолини озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ҳам кўпайтириб бориш лозим. Чунончи, аҳоли йилига 1,6 % га ўсиб борса, истеъмол этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 1,8 % ўстириш талаб қилинади.

Жаҳонда ҳозир 6 млрд.дан зиёд аҳоли яшайди. Ҳар йили аҳоли сони 92–93 млн.га ўсиб бормоқда. 2030 йилга бориб аҳоли сони 8–11 млрд. га етади.

Аҳоли ўсгани сари, уни маҳсулот билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилиши зарур. Жон бошига жаҳонда 1950 йили 247 кг., 1985 йилда – 346 кг. ва 2000 йилда – 350 кг.дан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилган.

Аҳоли турмуш даражасини у оладиган даромад белгилайди. Даромад номинал ва реал бўлиши мумкин.

Умумлашган турмуш даражаси кўртсаткичини ифодаловчи кўрсаткич истеъмол нархлари индекси ёки турмуш кечириш қиймати ҳисобланади. АҚШда бир йиллик минимал ҳаёт кечи-

риш ќиймати минтаќалар бўйича бир-биридан фарќ ќилади ва бу кўрсаткич ўртача 10–13 минг долларни ташкил ќилади. Масалан, агар оилада 4 нафар одам бўлса, 2000 йилда ћаёт кечириш учун уларга 48 000 доллар талаб этилган. Минимал ћаёт кечириш даражаси давлатнинг аћолини ижтимоий ћимоя ќилиш билан боғлиќ сиёсатини амалга оширишда мућим роль ўйнайди.

Собиќ социалистик республикаларда аћолининг реал даромадлари пасайиб бормоќда. Бунга сабаб – ишлаб чиќариш унумдорлигининг пасайиб, баћолар ва ћар хил солиќларнинг ўсиб боришидир.

Ћамдўстлик давлатлари томонидан минимал иш ћаќи ва нафаќалар ошиб борилишига ќарамасдан, аћолининг реал даромадлари пасайиб бормоќда.

Турмуш даражасини белгилашда ќиймат кўрсаткичлари билан бир ќаторда, натурал кўрсаткичлардан ћам фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар орќали алоћида шахс, оила ва ижтимоий гурућларнинг турмуш даражалари белгиланади (шаћар, ќишлоќ аћолиси, ёш ва ќариялар, эркаклар ва аёллар, ишловчилар ва ишламайдиганлар ва ћоказо).

Ушбу кўрсаткич ёрдамида аћоли томонидан истеъмол ќилинадиган озиќ-овќат (гўшт, тухум, сут, мева) ва ноозиќ-овќат маћсулотлари (кийим-кечак, пойабзал, уй-жой, мебель ва ћоказолар) аниќланади.

## 4. Жаћон аћолисининг кўпайиши, таќсимланиши ва айрим ижтимоий-иќтисодий масалалар

Ќишлоќ хўжалиги маћсулотларининг асосий истеъмолчилари аћоли ћисобланади. Шу сабабли дунё аћолисининг кўпайиши (камайиши), ћудудлар бўйича таќсимланиши, даромадлари ўзгаришини жуда жиддий ўрганиш талаб этилади. Кейинги 60 йил ичида аћолининг жуда тез кўпайиши жаћон иќтсодиёти олдига кўплаб муаммоларни ќўймоќда. Булардан энг асосийлари кўпайиб бораётган аћолини озиќ-овќат билан таъминлаш, борган сари озиќ-овќатнинг баланслашган, сифатли бўлишга эришиш, уларни уй-жой билан таъминлаш масалаларидир. Бу масалаларни ресурслар чекланган, айрим ћолларда камайиб, экологик вазият ёмонлашиб бораётган шароитда ћал этиш таќозо ќилинмоќда.

**Жаҳон аҳолиси сонининг динамикаси**

| № | Йиллар | Млн. нафар | Ўсиш миқдори, % |
|---|---|---|---|
| 1 | Эрамиздан олдинги 1000 й. | 100 | - |
| 2 | Эрамиз бошида | 200 | 100 |
| 3 | 1000 | 300 | 50 |
| 4 | 1200 | 350 | 16,7 |
| 5 | 1400 | 380 | 8,6 |
| 6 | 1500 | 450 | 18,4 |
| 7 | 1600 | 480 | 6,7 |
| 8 | 1700 | 550 | 14,6 |
| 9 | 1800 | 880 | 60,0 |
| 10 | 1850 | 1200 | 36,4 |
| 11 | 1900 | 1600 | 33,3 |
| 12 | 1910 | 1700 | 6,3 |
| 13 | 1920 | 1840 | 8,2 |
| 14 | 1930 | 2000 | 8,7 |
| 15 | 1940 | 2260 | 13,0 |
| 16 | 1950 | 2500 | 10,6 |
| 17 | 1960 | 3000 | 20,0 |
| 18 | 1970 | 3630 | 21,0 |
| 19 | 1980 | 4380 | 20,7 |
| 20 | 1990 | 5200 | 18,7 |
| 21 | 2000 | 6100 | 17,3 |
| 22 | 2050 (истиқбол) | 9700 | 59,0 |
| 23 | 2108 (истиқбол) | 10400 | 10,7 |

Бугунги кунда дунё аҳолисининг кўпайиш тенденцияси турли материк ва давлатларда турличадир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланган давлатларда аҳолининг ўсиши кейинги 40 йил ичида 0,5-0,6 % ни ташкил этди. Европанинг айрим давлатларида (Франция, Англия, Германия, Бельгия, Швеция) бу кўрсаткич бундан ҳам паст.

Жаҳон аҳолиси Осиёнинг (Хитой, Шимолий ва Жанубий Корея, Ҳиндистон, Вьетнам), Лотин Америкасининг Мексика, Бразилия, Аргентина, Колумбия, Перу, Венесуэла, Африканинг Алжир, Миср, Ироқ, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси, Гвинея, Ангола каби давлатлари ҳисобига тез кўпаймоқда. Умуман, ер юзи аҳолиси кейинги 40 йил ичида ўртача 2 % кўпайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларини

кўпроќ етиштирилишини, айниќса, ќишлоќ хўжалигининг озиќ-овќат маћсулотлари етиштирадиган тармоќларига эътибор кучайтирилишини талаб ќилади.

## 5. Озиќ-овќат ишлаб чиќариш масалалари

Озиќ-овќат муаммосининг кескинлашишига тобора авж олаётган экологик ќийинчиликлар – чўллашиш жараёнининг кучайиши, кўплаб ћайдаладиган районларда эрозиянинг авж олиши, чучук сувнинг танќислиги натижасида ирригация ишларининг секинлашиши ћам сабаб бўмоќда.

Озиќ-овќат масаласи, айрим ривожланаётган мамлакатларга озиќ-овќат ёрдами кўрсатиш зарурлиги бир ќанча халќаро анжуманларда ћам, матбуотда ћам мућокама ќилинди. Ривожланаётган мамлакатларга кўпгина давлатлар ёрдам тарзида озиќ-овќат (ѓалла, ун, ўсимлик мойи, балиќ, консерва ва бошќалар) етказиб бермоќда. Шу билан бирга, айрим империалистик давлатлар бундай ёрдамдан ўзларининг сиёсий ва иќтисодий маќсадлари йўлида фойдаланишга ћаракат ќилмоќда.

Дунё аћолисининг фаќатгина 22 % га яќини иќтисодий жићатдан яхши таъминланган, ќолган 78 % ининг йиллик даромади кам бўлиб, турмуш даражаси яхши эмас. Бу, ўз навбатида, озиќ-овќат маћсулотларини истеъмол ќилишнинг нисбатан паст бўлишига олиб келмоќда. Дунёда озиќ-овќат муаммосини ижобий ћал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрни катта. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиќ-овќат ва ќишлоќ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ќишлоќ хўжалиги, ўрмончилик, балиќчилик ва ќишлоќ тараќќиёти бўйича етакчи муассасаси ћисобларига кўра, барча озиќ-овќат турлари бўича етишмовчилик 11 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткич мол ва ќўй гўшти бўйича 24 % , ўсимлик ёѓи бўйича 26 % ва балиќ бўйича 18 % .

Ривожланаётган давлатларда буѓдойнинг етишмаслиги 50 % га етади. Кўриниб турибдики, озиќ-овќат таъминоти масаласида дунёда жуда жиддий муаммолар мавжуд.

Аћоли даромадининг паст бўлиши ривожланаётган давлатлар ќишлоќ хўжалигининг ривожланишига энг катта тўсиќ бўлмоќда. Бундан ташќари, ќатор давлатларда, айниќса, Африка давлатларида сув етишмаслиги, ќум кўчиши, ерларнинг асосий ќисми ћайдаладиган давлатларда эрозия жараёнининг кучайиши каби муаммолар ћам ќишлоќ хўжалигининг тараќќиётига ёмон таъсир этмоќда.

**Аҳоли жон бошига бир кунда истеъмол қилинаётган озиқ-овқат миқдори**

| ҲУДУДЛАР | Калория истеъмоли, ккал | | | Оқсил истеъмоли, гр. | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | жами | деҳқончилик маҳсулотидан | чорва маҳсуло-тидан | жами | деҳқончилик маҳсулотидан | чорва маҳсуло-тидан |
| Ривожланаётган давлатлар | 2219 | 2032 | 187 | 55,4 | 43,5 | 11,9 |
| Жанубий ва жанубий-шарқий Осиё | 2053 | 1935 | 118 | 49,6 | 42,0 | 7,6 |
| Яқин ва Ўрта Шарқ | 2657 | 2422 | 234 | 74,0 | 59,5 | 14,5 |
| Африка | 2208 | 2067 | 141 | 54,9 | 44,3 | 10,6 |
| Лотин Америкаси | 2552 | 2106 | 446 | 65,2 | 38,5 | 26,7 |
| Ривожланган давлатлар | 3339 | 2265 | 1073 | 98,4 | 40,4 | 58,0 |
| Бутун дунё | 2590 | 2149 | 441 | 69,3 | 44,8 | 24,5 |

Бугунги кунда дунё аҳолисининг 72 % жуда кам калориялик озиқ-овқат истеъмол қилади. Улар бир кунда ўртача ҳазм бўладиган протеин ҳисобида 68 гр. / оқсил танаввул қилишади. ФАО маълумотига кўра, 1 кунда истеъмол қилинадиган протеин (оқсил) миқдори жон бошига 80-100 гр, оғир меҳнат қиладиганларда учун 120 гр. бўлиши керак. Бугунги кунда дунё аҳолисининг 1 млрд. нафари 90 гр. дан кам бўлмаган протеин истеъмол қилмоқда.

Кейинги 25 йил ичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида катта ютуқлар қўлга киритилди. Мексикада Н. Борлауг бошчилигида яратилган буғдой нави ҳисобига кўпгина араб давлатларида ўз-ўзини дон билан таъминлаш имконияти туғилди. Натижада кейинги 20 йил ичида жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўртача 2,6–2,8 % ни ташкил қилмоқда. Аҳолининг ўсиш суръати, унинг кам таъминланган қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш зарурлиги жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми йилига камида 6 % дан кўпайтирилишини талаб қилади. Шу боисдан ҳам ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат масаласини яхшилаш борасида ФАО фаол иштирок этмоқда.

Дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш масаласи, аввало, ҳар бир давлатнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳисобига, бунинг имкони йўқ ҳолларда экспорт ва импорт ҳисобига ҳал этилиши лозим.

Ҳозирги пайтда ФАО ривожланаётган давлатларга қуйидаги йўллар билан ёрдам беришни рағбатлантиришга интилмоқда:

1. ҳалокат, кулфатлар юз берганда кўрсатиладиган кўмак;

2. чет эллардан харид қилиш имкониятига эга бўлмаган, лекин озиқ-овқатлар билан баланслашмаган ҳолда кам таъминланган давлатларга доимий ёрдам бериш;

3. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга давлатларга қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кўмаклашиш. Бу энг мақбул йўл ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида бу давлатларга кредитлар ажратиш, техника, технология, юқори унумли ўсимлик навлари, чорва ҳайвонларини етказиб бериш ишлари олиб борилмоқда.

МДҲ таркибига кирувчи давлатларда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш зарурати катта. Собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши аҳоли турмуш шароитининг пасайишига олиб келди. БМТ маълумотига кўра, собиқ СССРда аҳолининг 5 млн. нафари кам таъминланган сирасига кирган бўлса, ҳозир МДҲ давлатларида бу кўрсаткич 120 млн. кишини ташкил этади. Аҳоли даромадлари етарли бўлмаслигининг олдини олиш бошқа тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигининг ҳам асосий вазифаларидан биридир.

## 6. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари ва уларнинг ривожланиши

Дунё давлатлари иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ҳам турлича. АҚШ, Канада, Европа давлатлари, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларнинг қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Уларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг сони мутлақ ва нисбий камайиш тендециясига эга. Бу давлатларда саноатнинг ривожланиши салмоқли бўлиб, фан-техника ютуқлари қишлоқ хўжалигига татбиқ этилган. Натижада қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошган. Бу жараён қишлоқ хўжалигида жуда кичик корхоналарнинг тугатилиши ва улар ҳажмининг ортишига олиб келди. Лекин дунёнинг кўпчилик давлатларида иқтисодиёт, жумладан, қишлоқ хўжалиги ривожланмаган, меҳнат унумдорлиги паст. Натижада дунё қишлоқ хўжалигида жуда катта меҳнат ресурслари банд бўлиб қолмоқда.

Ривожланган давлатларда агросаноат интеграцияси натижасида қишлоқ хўжалигининг айрим фаолият (иш) турлари саноатга ёки хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтиб кетмоқда. Натижада бевосита қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг сони камайиб бормоқда. Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир ходимга 9 та хизмат кўрсатувчи (техника, ўғит, уруғликлар билан таъминловчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчилар ва ҳ.к.) тўғри келади, яъни нисбат 1:9. 1960 йилда бу кўрсаткич 1:6 эди. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчиларнинг 0,3 % шаҳарларда туради.

**Жаћон ќишлоќ хўжалигида банд бўлган иќтисодий фаол аћоли сони**

| ЋУДУДЛАР | Ќишлоќ хўжалигида банд бўлган иќтисодий фаол аћоли | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | млн. нафар | | жамига нисбатан, % | | жами иќтисодиётда фаол аћолига нисбати, % | |
| | 1960 | 1998 | 1960 | 1998 | 1960 | 1998 |
| 1.Собиќ социалистик давлатларда | 312,0 | 311,7 | 43,6 | 42,1 | 64 | 55 |
| жумладан, собиќ СССРда | 46,5 | 39,3 | 6,5 | 5,3 | 42 | 32 |
| Европа собиќ социалистик давлатлари | 26,4 | 22,3 | 3,7 | 3,0 | 46 | 37 |
| Осиёда | 239,1 | 250,3 | 33,4 | 33,8 | 75 | 67 |
| 2.Ривожланган давлатларда | 49,6 | 37,5 | 7,0 | 5,0 | 19 | 13 |
| Европада | 27,2 | 20,2 | 3,8 | 2,7 | 21 | 15 |
| Бошќаларда | 22,4 | 17,3 | 3,2 | 2,3 | 17 | 11 |
| 3.Ривожланаётган давлатларда | 352,3 | 390,8 | 49,4 | 52,9 | 72 | 66 |
| Африкада | 66,5 | 76,1 | 9,3 | 10,3 | 78 | 73 |
| Осиёда | 256,0 | 282,3 | 35,9 | 38,2 | 74 | 68 |
| Лотин Америкасида | 29,8 | 32,4 | 4,2 | 4,4 | 49 | 42 |
| 4.Дунё бўйича жами | 713,9 | 740,0 | 100,0 | 100,0 | 58 | 51 |

Европада жойлашмаган ривожланган давлатларга АЌШ, Канада, Япония, Австралия ва Жанубий Африка Республикаси киради.

Ривожланмаган мамлакатларнинг катта ќисмида ќишлоќ хўжалиги аћолининг асосий даромад манбаи ћисобланади. Бу давлатларда ћамда аћолиси кўп давлатларда ќишлоќ хўжалигининг мећнатни кўп талаб ќиладиган йўналишларини ривожлантириш маќсадга мувофиќ.

## Назорат саволлари:

- *Жаћонда ерларнинг неча фоизини ерни ћайдаладиган ерлар ташкил этади?*
- *Жаћон аћолиси озиќ-овќат билан тўғри таъминланмаслигининг сабаби нимада?*
- *Аћолининг турмуш даражаси ћаќида маълумот беринг.*

## Адабиётлар:


1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отаќулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иќтисодиёти. Ўќув ќўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Ћамдамов Ќ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ћакимов Р.Х., Ўроќов Н.И, Арипов И.М. Жаћон ќишлоќ хўжалиги. Ўќув ќўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Ќишлоќ хўжалиги иќтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Дећќон хўжалиги тўғрисида»ги Ќонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ќўллаб-ќувватлаш бўйича ќонунчилик ћужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ќонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ќўллаб-ќувватлаш бўйича ќонунчилик ћужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*
9. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Ќонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томо-*

*нидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*

10. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*
13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*
22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*

23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. –М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. –М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. –№10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. –№7. – С. 41-48.*
39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. –№1. – С. 18-25.*

40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

**Интернет сайтлари**

1. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, http://textbook.ru/catalogue/book/ 33320.html .*
2. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm*
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*
5. *www.bearingpoint.uz.*

## 8-мавзу. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси

1. ***Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш.***
2. ***Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси.***
3. ***Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш (ГФР).***

### 1. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш

Замонавий қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш нафақат деҳқончиликни, балки чорвачиликни ҳам қамраб олади. Механизация кўрсаткичи 100 га ерга ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган 1000 та иқтисодий фаол аҳоли сонига тўғри келадиган тракторлар сони билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида

банд бўлган ишчи кучининг тракторлар билан таъминланганлиги бўйича энг юќори кўрсаткичлари билан экстенсив ќишлоќ хўжалигини машиналаштириш йўлига ўтган кўп ерли давлатлар (АЌШ, Канада, Австралия) ажралиб туради. Гарчи, ривожланган мамлакатларнинг тараќќий ќилиши учун майдон миќдори ва ишда банд бўлганларга тўѓри келадиган тракторлар сонининг энг юќори кўрсаткичлари хос бўлса ћам, улардаги трактор паркининг ўсиши (22 %) жаћондаги ўртача ўсиш кўрсаткичига (29 % ) нисбатан суст. Ривожланган мамлакатлардаги ќишлоќ хўжалигини механизациялаштириш жараёни танлаб олинган механизациялаштиришнинг мураккаб муаммолари билан боѓлиќ. Бу муаммолар мухтасар ќилиб айтганда, асосан, ќуйидагилардан иборат:

1. Замонавий ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришининг ташкил ќилиниши турли мамлакатларга кўп миќдорда машиналар келтирилишини ва бунинг учун катта ћажмдаги ќишлоќ хўжалиги маблаѓи ажратилишини талаб этади. АЌШда ќишлоќ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш – товар ишлаб чиќариш ва унинг маћсулдорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Механизациялаштириш жараёни айниќса, АЌШда иккинчи жаћон урушидан кейин тез суръатлар билан давом этди. Чунончи, АЌШда 1940 йилда 1567 минг, 1950 йилда 3612 минг, 1995 йилда 4675 минг трактор бор эди. Машиналар паркининг катталиги хўжаликлар майдалашганлиги билан ифодаланади, фермаларда жуда кўп ортиќча техника саќланган.

Шу билан бир ќаторда, кўпгина кичик ва ўрта фермалар механизация билан кам таъминланганлар. Ќиммат турадиган замонавий машиналарни сотиб олишга уларнинг ќурби етмайди. Барча фермаларнинг 30 % ўз тракторига эга эмас, 34 таси эса фаќат 1 тракторга эга. АЌШ ќишлоќ хўжалигида электрлаштиришдан кенг фойдаланилмоќда, бир йил давомида ќишлоќ хўжалигида 28 млрд. кВт/с электр энергияси ишлатилади. Ундан, асосан, суѓоришда, чорвачилик, хусусан, сут чорвачилиги ва паррандачиликда кенг фойдаланилади. 666 минг ферма сут соѓиш машиналари, 428 минг ферма сут саќланадиган электр совутгичлар, сув ва ем узатувчи электр ќурилмаларига эга. Барча механизациялар паррандачиликда бир ишчига 200 минг бройлер товуќларга хизмат кўрсатишга имкон беради. Бир ваќтнинг ўзи-

да майда хўжаликларда барча ишлар ќўл меѓнати ёрдамида амалга оширилади.

**Англия ќишлоќ хўжалиги** юќори даражада механизацияланштирилган. Бу ѓудудда иккинчи жаѓон урушигача 50 минг трактор бўлган бўлса, 1950 йилда – 325 минг, 1955 йилда – 395 минг, 1958 йилда – 421 минг, 1960 йилда – 512 минг, 1980 йилда 524 минг, 1995 йилда – 526 мингтага етган. Асосан «Ферюзан» типидаги ѓилдиракли тракторлар ва уларга мос ќишлоќ хўжалиги транспорти ва юк ташувчи машиналардан, шунингдек, 4 ѓилдиракли ва гидравлик трансшет тракторлардан кенг фойдаланилмоќда. Деѓќончиликда катта айланма ѓаракатли чуќур ер ѓайдовчи омочлардан ѓам фойдаланилади. Пластмасса дренаж ќувурларидан фойдаланиш усуллари ѓам тобора такомиллашиб бормоќда. Гўнг ортиш ва ташишда гидравлик ортувчи ва ташувчи механизм ќўлланилмоќда. Донли экинлар комбайнларда ўриб-йиѓиб олинади. Англияда 300 мингга яќин сут соѓиш машиналари ишлатилади.

**Франция**да 1938 йилда 36 минг трактор бўлган, 1986–90 йилларда уларнинг сони 1526 мингтага етди. Кўпгина фермалар жуда ќимматлиги туфайли машиналардан фойдалана олмайди. Айниќса, чорвачиликда механизация даражаси жуда паст. Йирик фермалар янги машиналар сотиб олади. Баъзи ѓудудларда фермерлар кооперативларга бирлашиб, зарур ќишлоќ хўжалиги техникасини харид ќилишади.

**Германия**да ќишлоќ хўжалигига капитал ќўйилмалар ѓажми анча ўсди, бу эса ишлаб чиќариш жамѓармаларининг ўсишини таъминлади. Агар иккинчи жаѓон урушигача бу ерда 30 минг трактор бўлган бўлса, 1950 йилда – 139 минг, 1960 йилда – 587 минг, 1985 йилда 1526 мингтага етди. Тракторлар билан таъминланганлик бўйича ГФР ривожланган давлатлар орасида биринчи ўринни эгаллайди.

**Италия**да тракторлар сони 1950 йилда – 87 минг, 1960 йилда – 274 минг, 1965 йилда – 511 минг, 1995 йилда 1227 мингта эди. Техника воситалари асосан йирик хўжаликларда тўпланган. Пимоида, Ламбардия туманларида 50 ва 40 га, Сардинияда 373 га, Сицилияда 409 га ѓайдаладиган ерга 1 трактор тўѓри келади. Италияда фаќат 25 минг хўжалик ўз тракторига эга. 18 минг хўжалик механизация ишларида ижара хизматидан фойдалана-

ди. Мамлакатда ћар 1000 га ћайдаладиган ерга 35,5 трактор, 1000 га донли экин майдонига 2 та дон комбайни тўѓри келади.

**Дания** ќишлоќ хўжалигида трактор ва электроэнергиядан жуда кенг фойдаланилади. Мамлакатда майда дећќон хўжаликлари кўп. Хусусий тракторларнинг кам бўлишига ќарамай, механизациялаштириш даражаси юќори. Трактор ва машиналар асосан йирик хўжаликларда тўпланган, фермаларнинг ћаммаси сут соѓиш аппаратларига эга.

**Австрияда** хўжалик ќанча йирик бўлса, шунча кўп машинага эга.

**Испанияда** механизация даражаси паст, тракторларнинг умумий сони 5 баробарга ўсган. 1000 га ћайдаладиган ерга 8 та трактор, 1000 га экин майдонига 1,5 дон комбайни тўѓри келади. 1995 йилда мамлакатда 630 минг трактор бўлган.

**Ривожланаётган мамлакатлар.** Африканинг барча мамлакатларида 1961 йилда – 27 минг трактор, 1970 йилда – 344 минг, 1980 йилда – 394 минг, 1985 йилда 509 минг трактор бўлган. Тракторларнинг деярли 50 % ЖАРда, 30 мингтаси Жазоирда, 18 мингтаси Марокаш, 15 мингтаси Зимбабве, 6500 таси Кенияда.

**Собиќ социалистик мамлакатлар.**

**Собиќ СССР** ќишлоќ хўжалигида 1968 йилда – 1,2 млн. трактор, 1970 йилда – 1,27 млн., 1980 йилда 2,56 млн., 1985 йилда 2,79 млн. трактор бўлган.

Чорвачилик фемаларида сут соѓиш ишларининг 60-70% сув бериш ишларининг 90 фоизи механизациялаштирилган.

Механизациялаштириш ишлари собиќ ГДРда 16 марта, хусусан, алоћида ишларни механизациялаштириш даражаси 100 % га ортди. Чорвачиликда ћам ќийин ишларни механизациялаштиришда сезиларли ютуќларга эришилди.

**Монголия** республикасидаги машина – чорвачилик станциялари ќишлоќ хўжалик бирлашмаларига хизмат кўрсатади. Ўртача олганда 1 станцияга 64 та трактор, 15 комбайн тўѓри келади. Улар мамлакат ќишлоќ хўжалик бирлашмаларининг 76 % ига хизмат кўрсатади.

**Руминия** ќишлоќ хўжалигида дончиликни 95–100 % , кооперативлар 42–88 % механизациялаштириш. 1 та тракторга 255 га ќишлоќ хўжалиги майдони, 173 га ћайдаладиган ер тўѓри келади.

**Мамлакатларнинг трактор парклари сони бўйича жаҳонда тутган ўрни**

| № | Давлат номи | Трактор парки (мингта) |
|---|---|---|
| **1.** | АҚШ | 4670 |
| **2.** | Собиқ СССР | 2798 |
| **3.** | Япония | 1854 |
| 4. | Франция | 1526 |
| 5. | Германия | 1500 |
| 6. | Польша | 885 |
| 7. | Хитой | 873 |
| 8. | Туркия | 582 |
| 9. | Канада | 658 |
| 10. | Жазоир | 67 |
| **Дунё бўйича:** | | **24504** |

**Мамлакатларнинг дон ўриш комбайнлари сони бўйича жаҳонда тутган ўрни**

| № | Давлат номи | Дон ўриш комбайнлари (минг та) |
|---|---|---|
| 1. | Собиқ СССР | 827 |
| 2. | АҚШ | 676 |
| 3. | Германия | 182 |
| 4. | Канада | 162 |
| 5. | Франция | 148 |
| 6. | Хитой | 36 |
| 7. | Туркия | 14 |
| 8. | Венгрия | 12 |
| 9. | Болгария | 85 |
| 10. | Япония | 1,1 млн.та шоли комбайни |
| **Дунё бўйича** | | **3778** |

## 2. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси

Сўнгги 15 йил ичида Польшада қишлоқ аҳолиси сони 0,5 млн.га етди ёки 3,25 % га камайди. Бу эса қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг етишмовчилигига олиб келди ҳамда бу етишмовчилик ўрнини механизация билан тўлдириш зарурияти туғилди. Бу муаммо, айниқса, мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмида, жумладан, восводаларда (вилоятлар) нисбатан кескин тус

олган. Бу ерларда узоќ муддат ичида ќишлоќ аћолиси сони мутаносиб равишда 16,7 ва 12 % га камайди. Ўртача олганда мамлакат бўйича хусусий хўжаликлардан ћар бири ќишлоќ хўжалиги ерларининг 5,1 гектарида фаолият юритади. Майда товар хўжаликлари зиммасига эса ќишлоќ хўжалик ерлари умумий майдонининг 85,2 % тўѓри келади. Минтаќани саноатлаштиришнинг паст даражадалиги яќќол кўриниб турибди. Унча катта бўлмаган хўжаликка эга дећќонлар ќўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш билан чегараланиб ќолганлар.

1987 йилда механизация билан таъминланганликнинг нисбатан паст кўрсаткичи 2 гектардан 7 гектаргача майдонга эга хўжаликларда кузатилди. 2 гектардан кўп майдонга эга бўлган хўжаликлар ихтиёридаги ќишлоќ хўжалик ерлари кўпайиши билан тирик ишчи кучи ресурслари камайиб, механизация кучи даражаси эса ўсиб борди.

### 3. Ќишлоќ хўжалиги техникасидан фойдаланиш (ГФР)

Мураккаб ќишлоќ хўжалик техникасидан минтаќавий фойдаланишга мавсумий ишлаб чиќаришнинг ўсиши ћисобига эришилади. Бунга алоћида хўжаликда муваффаќ бўлиш мумкин. Бироќ бу муаммо техникадан хўжаликлараро фойдаланилганда осон ечим топади. Кильи-Ахеши зонаси хўжаликларида мавсумий ишлаб чиќаришда дон комбайнининг йиѓув ќиймати 1 га ерга 346 маркани, 90 га.гача – 247 маркани, 120 га.гача – 197 маркани ташкил этади. Хўжаликлараро трактордан фойдаланишда тракторчи ва хизмат кўрсатувчи ходим ишининг таннархи трактор ќувватига боѓлиќ, соатига ўртача 14 маркани ташкил ќилади. 41-50 л.с. – мутаносиб равишда 15-18 марка/с, 51-60 л.с. – 18-21,5 марка/с, 61-70 л.с. – 21,5-26 марка/с, 71-80 л.с. – 24,5-29,5 марка/с, 81-90 л.с. 28-33,5 марка/с га тенг. Трактор кучининг ошиши билан ћар 10 л.с. да тўлов 3,5-4,0 марка/с га ўсиб боради.

**Янги пахта териш машинаси.** Тошкент вилояти Оќќўрѓон тумани «Ќаћрамон» жамоа хўжалиги далаларида горизонтал шпинделли 02/ХМГ-01 пахта териш машинаси тажрибадан ўтказилди. Ушбу пахта териш машинаси исроиллик мутахассислар билан ћамкорликда яратилган, 2 ќаторли трактор «Ўзизмаш» ўзбек-исроил ќўшма корхонасида илѓор технология асосида ишлаб чиќарилган. Ўзбекистон учун янгилик, бўлган бу агрегат

тезлиги жуда юқори, ҳосилнинг 95-97 % ини териб олади. Бункер ҳажми 1,2 т га тенг, бошқариш қулай, шпинделини ювиш шарт эмас. Шуниси муҳимки, терим вақтида агрегат «Беларусь» тракторига мустаҳкамланади, бошқа пайтларда трактордан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу агрегат дунё машинасозлигининг энг буюк ютуқлардандир. Ҳозирги кунда машина таннархи калькуляцияга мувовиқ 45 минг долларни ташкил қиляпти. Бу дунёда ишлаб чиқарилаётган шунга ўхшаш машиналардан 3 баробар арзон. Уни сотиб олган деҳқон фақат ютади. Чунки ушбу машина ҳеч бир таъмирлашсиз 10 йил хизмат кўрсатади.

Ўртача фермер хўжаликларида (ГФР) машинага эга бўлиш учун 1000 марка атрофида харажат қилинади. Шундан йилига 20-30 % ёки 5 минг маркаси таъмирлашга ишлатилади. 3 минг соат ишлатилгандан кейин таъмирлаш ишлари йилига 15 минг маркага тенг сарфни талаб этади.

Индонезия аҳолиси 175 млн. нафар бўлиб, уларнинг 55 % қишлоқларда яшайди ва қишлоқ хўжалигида банд. Асосий қишлоқ хўжалик экини – шоли. Ҳосил йилига 3 марта йиғиб олинади. Мамлакатда 3 ғилдиракли тракторлар 82 минг, 4 ғилдиракли тракторлар 4,2 мингта. 82,1 минг, қуритувчи машиналар 4 минг, сепувчилари 724 минг, агрегатлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 24 мартда «Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш техникасига хизмат кўрсатиш соҳасида шартнома муносабатларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитасининг туманлараро бўлинмалари базасида хўжаликлар билан тупроқни ишлаш, қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва йиғиб-териш ишларини механизациялаштириш бўйича шартномаларнинг бажарилиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитасига хўжаликлар билан машина ва механизмларни кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага бериш тўғрисида шартнома тузишга рухсат берилди. МТП тузиш ва унинг фаолияти тўғрисида вақтинчалик низом ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига МТПни ташкил этиш бўйича тадбирга кўра, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитаси-

га шартномада кўзда тутилган ҳажмда дала ишларини амалга ошириш учун ёқилғи-мойлаш материалларига лимитлар бериш топширилди. Ушбу ҳужжатларни амалга оширишда «Агромашсервис» вилоят бирлашмасининг туман бўлинмалари базасида МТПлар ташкил этилган эди.

Бундай парклар Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Фарғона вилоятининг Бағдод туманларида фаолият кўрсата бошлади. Мингбулоқ МТП йил давомида (1996 йил) хўжаликларга 103 млн. сўмлик хизмат кўрсатди. Соф фойда 3,5 млн. сўмни ташкил этди. Соф фойданинг маълум қисми янги техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ҳамда парк хизматчиларининг ижтимоий аҳволини яхшилашга сарфланди.

1995 йилда 15 та ва 1996 йилда 31 та МТП ташкил этилди. 1995 йилда МТПлар қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш тўғрисида 187 та жамоа хўжалиги ва 148 та кооператив уюшмалар билан шартномалар тузди. МТП хўжаликлардан 7087 трактор, 429 та ғалла ўриш, 279 та шоли ўриш комбайнларини, 2276 та пахта териш машиналарини ижарага олди. Китоб туманида хўжаликлар вакилларидан тузилган махсус комиссия иштирокида барча техника воситалари ижарага олинди, ҳукумат ушбу техника воситаларини мавсумга тайёрлаш учун 13 млн. сўм айланма маблағ ажратди. Натижада 78 комбайн ёрдамида ғалла ўрими пайтида 17,5 га экин майдонидан ҳосил йиғиб-териб олинди. Ҳар бир агрегатга ўртача 350 га ер тўғри келди. МТП ёрдами билан хўжаликлар ҳар гектар суғориладиган ердан 70 ц., лалми ердан 21 ц. ғалла ҳосили олдилар.

Умуман, бутун туман бўйича ғалла экинлари ҳосилдорлиги 37 ц. га ни ташкил этди. Бироқ бу борада ҳам муаммолар учрайди.

1. Хўжаликлардан техника воситаларини ижарага олиш осон эмас. Молиявий вазиятлар мураккаблашган, дебиторлик қарзлари 20 млн. сўмдан ортиқ. Шу билан бир қаторда, МТПнинг ҳам нефть базасидан, таъминот базаларидан 17 млн. сўмлик дебиторлик қарзи бор, механизаторлар ўз вақтида иш ҳақи ололмаяптилар.

2. Авваллари хўжаликлар машина ва механизмларга қўшимча қиймат учун солиқ тўламас эдилар. МТПлар эса 18 % қўшимча қиймат солиғи тўлайдилар, бу эса деҳқонлар маҳсулотининг таннархи ошиб кетишига олиб келмоқда.

3. 90 % дан ортиќ техника воситалари фойдаланиш муддатларини тўлиќ ўтаб бўлган. Агар туман бўйича 168 та ер ћайдаш трактори сотиб олинган бўлса, уларнинг 160 таси яроќиз ћолатга келиб ќолган.

Келгусида МТПлар янги техникалар билан таъминланиши лозим.

Янгича ишлашга ўтилгач, механизаторларнинг ойлик маошлари 1200–1300 сўмга, ўрим пайтида 3,5–4 минг сўмга етди.

Трактор сотиб олишга ќурби етмайдиган хўжаликлар ижара пунктларига мурожаат ќилишлари (Ўзбекистонда улар 167 та), ќулай, арзон, мећнатга соатбай ћаќ тўлашлари мумкин. Улар кейинчалик, маблаѓ бўлганда, тракторни сотиб олиш имкониятига эга бўладилар. «Ўзќишлоќхўжаликтаъминоттузатиш» ќўмитасининг 492 та махсус дўконида ќишлоќ хўжалиги техникасининг ћар хил товарлари мавжуд. Барча туманларда ќишлоќ хўжалик техникасини таъмирлаш ва бошќа турдаги техник хизматлар кўрсатиш станциялари фаолият кўрсатмоќда. 1996 йилда фермерлар буюртмасига биноан 20,7 минг га ер ћайдалди, 3,5 минг га ердаги ћосил йиѓиб олинди, 25 сут-товар фермаси ќуриб битказилди.

1996 йилда Пайариќдаги «Самарќанд» ва «Кураш» жамоа хўжаликларида америкалик машћур «Кейс» фирмасида ишлаб чиќарилган «Магнум» тракторларидан фойдаланилди. Пайариќ МТП ушбу маркадаги 4 та тракторга эга бўлди. Бир иш кунида ћар бир трактор билан 30–35 га ерни ћайдаш мумкин. «Магнум»дан фойдаланиш жуда ќулай. Комбайнлар жуда шинам, радио, иситиш печларига эга, механизатор ўтирадиган жойни кўтариш ёки пасайтириш мумкин. 1 та тракторнинг ќиймати 1 млн.100 минг сўм. Бироќ унинг ялпи маћсулдорлиги, таъмирлаш ва эћтиёт ќисмлари учун кафолат муддати аввалги тракторларникига нисбатан анча юќори.

**Назорат саволлари:**

1. *Ќишлоќ хўжалигини механизациялашнинг зарурлиги нимада?*
2. *Жаћон бўйича ќишлоќ хўжалиги моддий-техника ресурслари билан таъминланишининг ћозирги ћолати ќандай?*
3. *Республикамизда моддий-техника таъминоти ќандай тузилишга эга?*

## Адабиётлар:


1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*
9. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*

13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*
22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*

30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. – М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. – М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. – №10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. – №7. – С. 41-48.*
39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. – №1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

**Интернет сайтлари**

1. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004,* http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html
2. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003,* http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002,* http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1
4. *Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: ЮРКНИГА, 2004,* http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899
5. *www.bearingpoint.uz*

# 9-мавзу. Жаҳон қишлоқ хўжалигида чорвачилик ва деҳқончилик ишлаб чиқаришининг жойлашуви ва ихтисослашуви

1. ***Чорвачиликнинг табақаланиши.***
2. ***Чўчқачиликнинг табақаланиши.***
3. ***Дон етиштириш иқтисодиёти.***
4. ***Техник экинлар етиштириш иқтисодиёти.***

## 1. Чорвачиликнинг табақаланиши

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланиб, аҳолини қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари: сут, гўшт, тухум, саноатни эса жун, қоракўл, тери билан таъминлайди. Чорва моллари чиқиндиси – гўнг энг муҳим органик ўғит ҳисобланади. Унинг алмашлаб экишдаги роли ниҳоятда катта.

Чорвачиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги олдида турган биринчи даражали вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун қуйидаги комплекс тадбир ва чоралар ишлаб чиқилган:

- чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини барпо қилиш ва ем-хашакдан рационал фойдаланиш;
- барча турдаги чорва моллари ва паррандаларни кўпайтириш;
- подаларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва молларни саноат технологияси асосида боқишга мослаштириш мақсадида чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш;
- чорва молларининг янги зотларини яратиш ва мавжуд зотларни яхшилаш, чорвачиликнинг турли соҳаларини бошқаришда назарий ва амалий усулларни ишлаб чиқиш, шу асосда чорва молларини кўпайтириш ҳамда боқишнинг рационал усулларини

жорий этишда зоотехника ва чорвачилик илғорларининг иш тажрибаларига кенг ўрин бериш.

Чорвачилик охирги йилларда бир ќанча давлатларда маҳсулот етиштириш бўйича ќишлоќ хўжалигининг бошќа тармоќларига ќараганда биринчи ўринга кўтарилди.

Чорвачилик фермаларида озуќаларни тайёрлаш ва тарќатиш, сигирларни соғиш, транспорт ишлари, ҳайвонларни янги технология бўйича саќлаш механизация ва электрификация ёрдамида кенг амалга оширилмоќда. Ривожланган давлатларда чорвачиликни индустриал асосда ихтисослашуви, йириклашуви кичик ва ўрта фермерларнинг синишига олиб келмоќда. Маҳсулдор зотларни яратишда энг муҳим бўғин селекция ҳисобланади. Йирик ќорамолчилик жаҳон миќёсида бир текисда жойлаштирилган. Аргентинада яйловда боќиш жорий этилган бўлса, бошќа мамлакатларда сутчиликка ихтисослашган чорвачилик ривожланган. Сутчиликка ихтисослашган чорвачилик 2 турга бўлинади:

– йирик шаҳарлар атрофида жойлашган сутчилик ќорамолчилиги;

– йирик марказлардан узоќроќда жойлашган сутчилик ќорамолчилиги.

Уларда транспорт ишлари яхши жорий этилиб, пишлоќ пишириш, мой олиш ва сут маҳсулотини консервалаш ривожланган. Бунга мисол тариќасида Голландия ва Франция мамлакатларини кўрсатиш мумкин.

Чорвачилик ќадимий тармоќ бўлиб, аҳолини сут, гўшт маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан таъминлаб келган. Замонавий чорвачилик эса ҳар томонлама ривожланган. Унда йирик ќорамоллар, чўчќалар ва ќўйлар кўпайтирилмоќда, шимолий ҳудудлар кийикчиликни ривожлантириб, пахта маҳсулотларини олишга мослаштирилган, бошќа ҳудудлар паррандачилик, асаларичилик ва ипакчиликка ихтисослаштирилган.

Жаҳон бўйича 2000 йилга келиб чўчќалар 1 млрд. бошга етди. Шундан 80 млн. бош собиќ СССРда, 52 млн. бош АЌШда, 33 млн. бош Францияда, 10 млн. бош Бразилияда, 6 млн. бош Белгияда ва 2 млн. бош Швециарияда.

Ќорамолчилик халќ хўжалигида катта ўрин тутади ва чорвачиликнинг етакчи тармоќларидан ҳисобланади. У турли хил табиий-иќтисодий зоналарда кенг тарќалган бўлиб, умумий чорва

маҳсулотлари ҳажмига гўшт ва сут билан катта ҳисса қўшади. Қорамолдан сут ва гўшт каби қимматбаҳо маҳсулотлар, озиқбоп ва техник мой олинади. Осиё ва Афиканинг кўп мамлакатларида қорамолдан улов сифатида фойдаланилади, далаларни ўғитлаш учун ҳам, асосан, мол гўнги ишлатилади.

Ҳозирги вақтда ер куррасининг турли қисмларида 300 дан зиёд қорамол зоти кўпайтирилмоқда.

Сут маҳсулотининг 60 % га яқини Украина, Латвия ва Эстонияда, марказий ноқоратупроқ зонадаги туманларда, Сибирь ва Уралда етиштирилади.

Табиий яйловларга бой дашт-чўл туманларида қорамолчилик асосан, гўшт етиштириш йўналишида ривожлантирилмоқда. Бу туманларда қорамолчиликнинг асосий, кўп ҳолларда эса ягона маҳсулоти гўшт ҳисобланади. Кўпинча сигирлар соғилмайди, бузоқлар бемалол эмдириб ўстирилади.

Гўшт қорамолчилиги, асосан, Қозоғистон Республикасининг жанубий ва марказий вилоятларида, Қирғизистон Республикасида, Қуйи Поволжье, Шимолий Кавказ ва Сибирда, жумладан, Бурятия Автоном Республикасида, Тува Автоном вилоятида ва бошқа туманларда ривожланган. Бу туманларда қорамолчилик, асосан, табиий озуқа базасида ривожланмоқда.

Бошқа туманларда қорамолчилик табиий ва иқтисодий шароитларни назарга олиб, сут-гўшт ва гўшт-сут етиштириш йўналишларида тараққий этмоқда. Шароит мавжуд бўлган туманларда ҳам серсут, ҳам гўштдор мол зотлари урчитилмоқда.

Қозоғистон, Сибирь, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказ ва бошқа зоналарда бепоён табиий яйловларнинг мавжудлиги гўштдор мол зотларини кўпайтиришга ҳамда ана шу яйлов ва пичанзорларда гўшт қорамолчилигини ривожлантиришга имкон беради.

Голландияда қорамолнинг 3 та зоти, чунончи, қора-ола, қизил-ола ва гроненген зотлари кўпайтирилмоқда. Голландия қора-ола зоти машҳур бўлиб, кўп тарқалган, унинг энг яхши подалари Фрисландия вилоятида (провинцияси) боқилади. Бу зотдаги моллар Англия, Франция, АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Япония ва кўпгина бошқа мамлакатларга олиб кетилган.

Ташиб борилиб соф зотга урчитилган бу мол зоти фриз номи билан аксари мамлакатларда (Англия, Франция) ёки голшинофриз билан (АҚШ, Канада, Япония ва бошқаларда) маълум.

Швеция, Германия, Польша, Италия, Россия ва бошќа мамлакатларда Голландия зоти маҳаллий моллар билан чатиштирилди. Натижада молнинг маҳаллий ќора-ола зотлари яратилди. Масалан, Германияда остфриз, Швецияда швед ќора-ола зоти вужудга келтирилган.

Голланд моли сут маҳсулдорлигининг юќорилиги билан ажралиб туради. Сигирлардан ўрта ҳисобда 4250-4450 кг. сут соғиб олинади. Фрисландия вилоятидаги (провинцияси) насл китобига ёзилган бу сигирларнинг ҳар бири йилига 4800 кг. сут беради.

Голланд зотли дурагай моллар Ќўќон, Самарќанд, Бухоро теваракларидаги хўжаликларга ҳам келтирилган эди, лекин улар сезиларли роль ўйнамади ва ўрнини швиц ва ќизил-чўл зотлари эгаллади.

**Айршир зотининг** ватани Шотландиядир. Айршир моллари Европа, Америка, Африка, Янги Зеландия, Австралия ва бошќа мамлакатлар иќлимига яхши мослашган. У Новгород, Ленинград, Москва ва бошќа вилоятларда бор.

Айршир сигирларидан ҳар бошининг ўртача оғирлиги ќарийб 450–500 кг, буќаларники 700–800 кг, йилига 3500–3900 кг сут беради; сутининг ёғлилиги 3,8–4,2 % . Айрим рекордчилари 10000-11000 кг. сут беради.

**Джерсей зоти** молларнинг энг ќадимги маданийлаштирилган зотлардан бири бўлиб, Ла-Манш бўғозидаги Джерси оролида чиќарилган.

Джерсей зотли моллар бутун жаҳонга тарќалган. У АЌШда энг кўп, Англия, Австралия ва Янги Зеландияда бир оз кўпроќ боќилади.

Сигирлардан ҳар бошининг тирик вазни ўртача 350–400 кг, буќалариники 600–700 кг. Говмишлари йилига ўрта ҳисобда 9–10 минг кг. сут беради, бу зотнинг асосий афзаллиги – сутининг серёғлигидир (ёғи 5–7 % ). Биронта мол зоти сутининг ёғлилиги жиҳатидан джерсей зоти билан тенглаша олмайди.

**Швиц зоти** Швейцариянинг тоғли туманларида яратилган; у шарќдан келтирилган, ќолдиќлари Швейцария ва Италияда топилган ќисќа шохли моллардан келиб чиќќан. Швиц зоти Швейцариядан Германияга, Италия, Австрия, Франция, Чехословакия, Испания, Америкага ва Жанубий Африкага аста-секин тарќалган.

Сигирлари ќарийб 550 кг, буќалари 900–950 кг. тош босади. Сутининг ёғлилиги 3,7 % га яќин, сигирларининг ћар бошидан йилига 3500 кг. сут соғиб олинади.

Швиц зоти Ўрта Осиё республикалари учун анча мућим аћамиятга эга, чунки Ўзбекистон, Ќирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг кўпгина туманларида улардан зотларни яхшилашда фойдаланилади.

**Ќалмоќи зот.** Бу зотнинг хусусияти шундаки, у озиќ танламайди ва ћар ќандай оғир шароитга ћам мослаша олади. Юќори даражадаги хўжалик сифатларига эга бўлганлиги учун бу зотдаги ќорамоллар Россияда кенг тарќалган.

Ћозирги ваќтда бу зот Шимолий Кавказда (Ставрополь ўлкаси, Ростов туманида), Ќуйи Поволжьеда (Ќалмоќ Автоном Республикасида ва Астрахань вилоятида) ва Ќозоғистонда тарќалган. Кейинги йилларда улар Сибирга (Чита ва Омск вилоятига, Бурят ва Ёќутистон Автоном Республикасига) ћамда Ўрта Осиё республикаларига, шунингдек, Жанубий Уралга (Оренбург вилоятига) келтирилган.

Ќалмоќи зотли сигирлардан ћар бирининг тирик вазни 350–500 кг. ни ташкил этади. Етук буќаларининг тирик вазни 700–1100 кг. гача етади. Янги туғилган бузоќларнинг вазни 20–30 кг. келади. Вазни 600–650 кг. сигирлар, 1137–1181 кг. буќалар ћам учрайди. Бу зотдаги ќорамоллар тез етилувчан бўлиб, улардан сифатли гўшт олинади.

**Гереформ зоти** XVIII асрнинг иккинчи ярмида – Гереформ графлиги даврида (Англиянинг жануби-ғарбида) маћаллий зотларни узоќ муддат (ўз ичида) урчитиб, яхшилаш натижасида чиќарилган.

Ћар ќандай иќлим шароитига яхши мослаша олиши туфайли кўпгина мамлакатларда, масалан, АЌШ, Канада, Аргентина, Уругвай, Австрия, Англия ва бошќа мамлакатларда урчитилади. Барча ќитъалардаги мамлакатларда гереформ зотли ќорамоллар бошќа зотларга нисбатан кўп.

Бу зотнинг етук ёшдаги сигирлари тирик вазни 440–480 кг. га яќин, энг яхши наслчилик хўжаликларида 500–545 кг, наслдор буќаларининг тирик вазни 800–1100 кг, жадал боќилган бузоќларининг тирик вазни эса 18 ойлигида 550–610 кг. келади, сўйилганида 58–62 % гўшт беради.

**Абердин-ангус зот** иќлим шароити оѓир ва тупроѓи кам унумли тоѓли ўлка Шотландиянинг шимоли-шарќий ќисмида (Абердин ва Ангус графлигида) маћаллий зотларни яхшилаш йўли билан чиќарилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бу зотли ќорамоллар Аргентина, АЌШ, Янги Зеландия, Канада, Уругвай, Австралия, Бразилияда ва бошќа мамлакатларда кенг тарќалди. Россияга биринчи марта 1933 йилда Англиядан келтирилган, 1961 йилдан кўплаб келтирила бошланди. Волга бўйида Шимолий Кавказда, Уралда, Украинада ва РСФСРнинг Марказий вилоятларида соф зот ќорамоллар репродукторлари ташкил этилди.

Германия, Англия, Голландия, АЌШ, Швецияда ва РСФСРда чорва молларининг ем-хашакка бўлган талабини ва ем-хашакнинг тўйимлилигини энергетик жићатдан баћолашнинг янги тизими ишлаб чиќилди.

## 2. Чўчќачиликнинг табаќаланиши

Чўчќачилик жаћон бўйича 35 % гўшт маћсулотини беради. Гўшт масаласини ћал этишда чўчќачилик чорвачиликнинг тез етилувчан тармоѓи сифатида халќ хўжалигида катта аћамиятга эга. Умумий гўшт етиштиришда чўчќа гўшти салмоѓи 20,5 % ни ташкил этади. Кейинги йилларда чўчќаларнинг маћсулдорлиги 20–25 % ортди. Чўчќа болаларининг етилиши 2 баравар тезлашди, 1 кг. тирик вазн ћисобига сарфланадиган озиќ миќдори бир ярим марта камайди.

Ќўйчилик жун, пўстин, гўшт, сут беради. Жуни ингичка толали ќўйлар ќуруќ иќлимли ћудудларда тарќалган бўлиб, жаћон бўйича ќўйларнинг 25 % ини ташкил этади.

Ярим ингичка толали жун ва гўштга мўлжалланган ќўйлар ќулай иќлим шароитига, даѓал жунли, териси пўстинбоп, ќоракўл зотлари яйлов шароитига мослашган. Ќўйлар ћайдаб боќишга жуда чидамли. Ем-хашак ва сув билан жуда оз таъминланган ерларда ћам ќўйчиликни ривожлантириш мумкин. Австралия, Шимолий ва Жанубий Африка мамлакатлари, Шарќий Хитой ва Афѓонистонда кенг тарќалган. Буюк Британия, Франция ва собиќ СССРнинг ѓарбий мамлакатларида интенсив ќўйчилик ривожланган.

Жаҳон бўйича 2000 йилда йирик қорамоллар 1 млрд. 268 млн. бош, чўчқалар 1 млрд. бош, қўйлар 1 млрд. 147 млн. бош, эчкилар 492 млн. бош, қўтос 132 млн. бош, отлар 65 млн. бош, хачир 14 млн. бош, туялар 14 млн. бош ва паррандалар 8 млрд. 930 млн. бош эди. Уларни шартли йирик қорамолга айлантирганда 1 млрд. 877 млн. бошни ташкил этади. Шундан 24 % собиқ социалистик мамлакатларда, 12 % ривожланган мамлакатларда ва 54 % ривожланаётган мамлакатлардадир.

Жаҳон бўйича охирги чорак аср мобайнида чорва молларининг шартли йирик қорамолларга айлантирилганда кўпайиб бориши 33 % ни ташкил этди. Кўриниб турибдики, яъни бу борадаги кўрсаткич инсониятнинг кўпайиш (43 %) даражасига нисбатан анча паст. Шу давр мобайнида отлар сони 16 % га, туялар ва қўтослар 4 % га камайди, қўйлар 21 % га, йирик қорамоллар 36 % га ва чўчқалар юқори даражада кўпайди. Жаҳон бўйича ўртача 1 бош сигирдан соғиб олинган сут 1990 йилда 2059 кг.га тенг бўлган бўлса, 2000 йилда 2160 кг. га етди. Ривожланган мамлакатларда эса 1990 йилда 2911 кг. ни, 2000 йилда 3240 кг. ни, ривожланаётган мамлакатларда 1990 йилда 544 кгни, 2000 йилда 635 кг. ни ташкил этди.

АҚШда гўшт етиштирадиган корхоналар, фирмалар билан гўштни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги кредитлар олиш яхши йўлга қўйилган. Кредит ҳисобига янги техника сотиб олиш, янги чорва биноларини қуриш ва жорий харажатларни қоплаш мумкин. Мамалакатда, айниқса, федерал кредитлар тизими кенг ривожланган. Бу турдаги кредитларнинг 40 % узоқ муддатли ва 20 % қисқа муддатли кредитлардир.

Буюк Британияда ҳар йили 1 млн. тоннадан ортиқ қорамол гўшти истеъмол қилинади. Мамлакатда ўзини-ўзи гўшт билан таъминлаш даражаси 95 % , ҳар йили 185-190 минг тонна гўшт экспорт ва 230-240 минг тонна гўшт импорт қилинади. Буюк Британияда ҳар йили 940 минг тонна мол гўшти етиштирилади. Бу жон бошига 22 кг. дан тўғри келмоқда. Етиштирилган гўшт таркибида парранда гўштининг салмоғи юқори. Гўшт асосан оилавий фермерлар томонидан етиштирилади. Буюк Британияда 152 минг фермер бўлиб, улар 12 млн. бошдан ошиқ қорамол боқишади. 1 та фермерга ўртача 80 бош қорамол тўғри келади.

Гўштни ќайта ишлаш саноати Буюк Британияда асосий тармоќ бўлиб, бу иш билан 1,5 минг фирма шуѓулланади. Уларда 120 минг ишчи банд.

**Ќўйчилик ва бошќа тармоќлар.**

Жаћон бўйича ќўйлар сони ќуйидагича:

| | |
|---|---|
| Собиќ СССР | 135 млн; |
| Австралия | 169 млн; |
| Янги Зеландия | 11,3 млн; |
| Ћиндистон | 165 млн; |
| Эрон | 47,5 млн; |
| АЌШ | 13,5 млн; |
| Аргентина | 32,7 млн; |
| Туркия | 44,1 млн; |
| Буюк Британия | 40 млн. |

Янги Зеландияда йилига 521 минг тонна ќўй гўшти етиштирилади. Бу ўлка ќўйгўшти етиштириш бўйича жаћонда иккинчи ўринни эгаллайди. 29 мингта жун ќирќиш пунктлари мавжуд.

Буюк Британияда ћар йили соф тола ћолидаги 55–60 минг тонна жун етиштирилади. Улардан 60 % гилам ва газламага ишлатиладиган Кроссберд турига киради. Мериности туридаги жун 5 минг тонна атрофида етиштирилади. Ўзбекистон Республикасида ќоракўлчилик асосий тармоќ бўлиб, мамлакат иќтисодиётида мућим ўрин эгаллайди. Ќоракўлчилик тизимида 6 млн. бошдан ортиќ ќўй боќилади ва ћар йили олтинга тенг 2,1 млн. ќоракўл тери етиштирилади.

Ћозирги ваќтда жаћондаги 50 дан ортиќ мамлакатда ќоракўл ќўйлар боќилмоќда.

Ўзбекистонда етиштириладиган ќоракўл териси энг юќори сифатли бўлиб, улар «Бухороќоракўли» фирма белгиси билан белгиланади.

Собиќ Совет тизими даврида Ќирѓизистон Республикаси ќўйчиликнинг асосий базаси бўлиб, жун етиштириш бўйича учинчи ўринни эгаллаган. Бу ерда ћар йили 30 минг тонна жун ќирќиб олинган. Ќоработа шаћрида йирик гилам комбинатида эчкиларнинг момиќ ва жун хом ашёсидан гилам тўќилар эди. Мустаќилликка эришилгандан кейин ќўйчилик тармоќлари ќис-

ќартирилиб, 10 млн. бошдан 3,5 млн. бошга, чўчќалар эса 5 маротабага камайтирилди.

2000 йилда ќўйлардан 30 минг тонна жун ќирќиб олинган бўлса, ћозирда ћар йили бундан деярли 3 маротаба кам ёки 10–11 минг тонна жун тайёрланмоќда. Бу эса Ќораболта гилам комбинатини ишлатиш учун камлик ќилади. Айнан шу сабабли Ќораболта гилам комбинати ёпилди.

Ќоракўлчилик тармоѓи жуда кўп афзалликларга эга. Агар пахтачилик фермасини ташкил этишда техника, ёнилѓи-мойлаш материаллари, ўѓит, уруѓлик сотиб олиш, ишлаб чиќариш иморатларини ќуриш учун катта маблаѓ сарф этилса, ќоракўлчиликда ќўтонларни ќуриш, ќишда ќўйларни озиќлан-тириш учунгина меќнат ва маблаѓ сарфланади. 1 чўпонга ўртача 60 та ќўй тўѓри келади. Австралияда эса бу кўрсатгич 1 та фермер ћисобига 5 минг бошни ташкил этади.

## 3. Дон етиштириш иќтисодиёти

Донли ўсимликлар банд этган майдон жаћонда экин майдонларининг 50 фоизини ташкил этади (0,7 млрд. га). 2000 йилда дунёда 2 млрд. тоннага яќин дон етиштирилган. Бу жон бошига 4 ц. дан тўѓри келди. 1950 йилда бу кўрсаткич 3 ц. ни ташкил этган.

Дон асосий озиќ-овќат маћсулоти бўлиб, саноат учун хом ашё ћисобланади. Масалан, буѓдой дони Осиё, Жанубий Европа, Кавказорти ерларига, Хитойга эрамиздан 7 минг йил илгари, Жанубий Америкага 1828 йилда, АЌШга 1602 йилда, Австралияга 1788 йилда келтирилган. Буѓдой ћамма ќитъаларда экилади. Улар кузги ва эртапишар буѓдой навлари бўлиб, инсоният учун жуда катта аћамиятга эга асосий озиќ-овќат маћсулотини беради.

Шоли ер юзи аћолисининг 50 % учун асосий озиќ-овќат маћсулоти берувчи ќадимий ўсимлик тури ћисобланади. Шоли Хитойда эрамиздан 5 минг йил илгари, Ћиндистонда 2 минг йил илгари пайдо бўлган.

Жаћон миќёсида дон маћсулотлари етиштириш даражаси аћолининг ўсиб бориш даражасидан юќори суръатда ривожланмоќда. Чунончи, жон бошига ћар йили 3,5-4 ц. дан етиштирилмоќда. Донни импорт этувчи мамлакатлар Ѓарбий Европа мамлакатлари ћисобланади. Биринчи жаћон урушидан олдин доннинг жаћон миќёсидаги экспорт ћажми 45 млн.т.ни ташкил этган.

Четга чиќариладиган дон маҳсулотининг 95 % дон ҳолатида, буѓдой маҳсулотининг атиги 8 % ун ҳолатида экспорт ќилинган. Франция ўзида етиштириладиган доннинг 30 % ини экспорт ќилади. Уни асосан Европа мамлакатлари (45 млн. т.), Англия, ГФР, Италия, Голландия (5-6 млн. т.), Белгияга (4-5 млн. т.) олади. Доннинг йирик сотиб олувчиси Хитой, Вьетнам, Лаос, Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Индонезия ҳисобланади.

АЌШ дон маҳсулотларини энг катта ҳажмда ишлаб чиќаради мамлакатдир. Жаҳон миќёсида етиштириладиган доннинг 15 % шу мамлакат хиссасига тўѓри келмоќда. АЌШ эҳтиёжини тўла таъминлаб, ҳар йили 30-35 % дон экспорт ќилмоќда. Охирги 10 йилликда АЌШда ҳар йили доннинг ўртача ялпи маҳсулоти 300-350 млн. тоннани, дон маҳсулоти ҳажмининг йиллик ўртача ўсиши 4,4 % ни ташкил этди. Бунга асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига (11,8 млн. гектар) ҳамда ҳосилдорликни (1990 йилда 35 ц. дан 42 ц. га.) ошириш эвазига эришилган.

Дончилик ривожланиш характерига кўра, 2 гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳга: Европа мамлакатларида дончиликнинг ривожланиши;

2-гуруҳга: Жуда оз ерга эга ҳамда аҳолиси зич мамлакатларда дончиликни ривожлантириш.

Европа мамлакатларида ўртача жон бошига етиштирилаётган ўртача дон миќдори юќори.(4,9 ц.-3,8 ц.). Бу ерда дон экспортга нисбатан кўпроќ импорт ќилинади.

АЌШ, Австралия, Канада мамлакатлари жон бошига дон етиштириш бўйича энг юќори ўринларни эгаллайди (10-11 ц.). Бу мамлакатлар аҳолиси жаҳон аҳолисининг 6,5 % ини, ташкил этади, етиштириладиган доннинг 20 % ини ишлаб чиќаради.

АЌШ дон етиштириш бўйича энг йирик ҳудуд ҳисобланади. Масалан, буѓдой АЌШнинг 42 штатида экилади. АЌШда етиштирилган доннинг 67 % ини маккажўхори дони, 20 % ини буѓдой, ќолган 13 % ини шоли ва арпа ташкил этади.

Маккажўхори дони 35 штатда етиштирилади. Дон маҳсулотларини 802 мингдан ортиќ фермер хўжаликлари етиштиради.

Фермер хўжаликларнинг экин майдони ўртача 216 гектарни, 1 та фермерга тўѓри келадиган ер ќиймати ва импорт ќиймати 776 минг АЌШ долларини, машина ва иншоотлар 62 минг АЌШ долларини ташкил этади.

1 та оилавий ферма ўртача 30 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган дон маҳсулотларини етиштиради. 1 та фермага ўртача 2,4 трактор, 1,2 дон комбайни ва 2 автомашина тўғри келади.

1 та фермада 5-6 ишчи хизмат қилади. 2000 йилда АҚШ фермаларида 4,7 млн. трактор, 640 минг дон комбайн ишлатилади.

АҚШда ҳар йили 27,3 млн. тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади.

Жаҳон бўйича ҳар йили 1867 млн. тонна дон етиштирилади.

### 4. Техник экинлар етиштириш иқтисодиёти

Техник экинлар ўзига хос хусусияти уларнинг юқори товарлигидир. Пахта техник экинлар орасида энг кўп етиштирилади. 1 тонна пахта хом ашёсидан 300-400 кг. тола, 100 кг. мой, 200-250 кунжара ва шелуха олинади.

АҚШда пахта суғориладиган ва суғорилмайдиган майдонларда етиштирилади. Пахта маҳсулотини етиштириш ҳажми охирги 15–20 йил мобайнида муттасил кўпайди (6 млн. тонна – 20 млн. тонна). Бунга экин майдонларининг кенгайиб бориши (33–34 млн. гектар) сабаб бўлди.

Ҳозирги шароитда жаҳон бўйича етиштирилган 20 млн. тонна толани 30 % экспорт қилинади.

**Зиғир** бир йиллик ўсимлик бўлиб, йилига 300 минг тонна етиштирилади. Уни асосий экспорт этувчи мамлакатлар Бельгия, Россия, Польша, Франция, Голландия ҳисобланади. Зиғир асосан Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ, Австралияга импорт қилинади.

**Картошка** озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. У молларга озуқа тариқасида, глюкоза ва спирт олиш учун ҳам ишлатилади.

Охирги йилларда Ўзбекистон Республикасида йилига 300-500 минг тонна картошка етиштирилмоқда, ялпи ҳосил 300-500 минг тоннани ташкил этмоқда, 1 гектар ердан 100–120 ц. ҳосил кўтарилмоқда. Германия, Франция, Голландияда бу кўрсаткич 300-350 ц/га ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида ҳар йили хорижий мамлакатлардан уруғлик картошка сотиб олишга 100 млн. доллар сарфланади. Чунки мамлакатимизда картошкачилик учун йилига 15-20 минг тонна уруғлик материали талаб этилади.

**Узумчилик.** Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши давлатларида 21,7 % майдонда узум етиштирилади.

Собиқ СССРда узум импорти 63,6 млн. тоннани, Германияда – 10 млн. тонна, Югославияда – 2,7 млн. тонна, Венгрияда 1,7 млн. тоннани ташкил этади.

**Мой берувчи ўсимликлар.** Мой маҳсулотини асосан, пальма ва дала экинлари, зиғир, пахта, ер ёнғоқ, кунгабоқар, соя каби ўсимликлар беради. Улар 95 % мой берадилар.

**Чой, кофе, какао.** Чой асосан тропик мамлакатларда етиштирилади. Унинг ўсиши учун вегитация даврида $4000^0$ ҳарорат йиғиндиси ва 500 –600 мм. ёмғир бўлиши талаб этилади.

Чой асосан Ҳиндистон, Хитой, Японияда, кофе маҳсулотининг 98 % Африкада – Гана, Нигерия, Камерун, Бразилияда етиштирилади. Кофенинг 64–100 % ини, какоанинг 1,1 млн. тоннасини Африка мамлакатлари етказиб беради. Жаҳон экспортида чой 0,8 млн. тоннани ташкил этади.

**Тамаки** кўп меҳнат талаб этадиган ўсимлик бўлиб, ватани Жанубий Америка (Перу). 1980 йилда жаҳон бўйича 5,4 млн. тонна чой ишлаб чикарилган бўлса, бу кўрсаткич 1990 йилга келиб, 6 млн. тоннани, 2000 йилда 5,4 млн. тоннани ташкил этди. Шу жумладан, АҚШ ва Канадада 1 млн. тонна, Полша, Югославияда 0,4 млн. тонна, Ҳиндистон, Туркияда –1,2 млн. тонна етиштирилди. Тамаки асосан Болгария, Польша, Югославия ва МДҲ, Бразилия, Аргентина ва Хитойда етиштирилади.

## Жаҳонда пахта етиштириш

Техник экинлар орасида пахта энг катта аҳамиятга эга. Ундан пахта толаси, мой ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу борада МДҲ мамлакатлари 4-ўринни, Ҳиндистон, Хитой, АҚШ 1-ўринни эгаллайди. 2000 йилда Хитойда – 4,5 млн. тонна, АҚШда – 32 млн. тонна, МДҲда – 2,5 млн. тонна, Ҳиндистон 1,5 млн. тонна пахта етиштирилди. Пахтачиликдаги иқтисодий самарадорлик, агросаноат интеграцияси ва унинг концентрациясига боғлиқдир.

АҚШда ҳар йили 4,1–4,2 млн. гектар ерда пахта етиштирилади. Пахта майдонларининг 25 % суғориладиган минтақада жойлашган бўлиб, шундан 10 % ингичка толали пахта етиштириладиган ерлардир.

Ғўзанинг барбодензе турига мансуб ингичка толали навлар 1,8 млн. гектар ерга, гербитут турлари 1,2 млн. гектар ерга экилади.

Ўрта толали пахта жаҳонда 30 млн. гектар ерга экилади.

АҚШда ўртача толали пахта 125-130 кунда етилади.

«Дехьтапайин-20», «Станвили-453» навлари ва бошқа навлар экилади. Бозор коньюнктурасига ва об-ҳаво шароитларига қараб, 2650-2850 минг тонна пахта етиштирилади.

Етиштирилган пахтанинг 50 % экспорт қилинади. Жаҳон бозорида пахтанинг, аввало, ранги, толасининг узилиши, оғирлиги (гр.), ифлосланганлик даражаси ҳисобга олинади. Пахта толаси ана шу белгиларга кўра, 7 та навга бўлинади. 11 баллга эга бўлган тола яхши, 41 баллга эга бўлган тола ўртача, 71 баллга эга бўлган тола ёмон ҳисобланади.

Товарнинг нархи ҳам шунга боғлиқ. Ўртачадан юқори баҳоланиб, 11 баллга эга бўлса, тола қимматроқ, 51, 61 ва 71 баллга эга тола, аксинча ўртача қийматдан паст туради. Ҳар бир той тола «Спинлаб» фирмасининг асбоби ёрдамида 7 та белги бўйича текширилади.

Толани классификациялаш натижалари пахта заводига жўнатилади.

Пахта хом ашёсига пахта заводларида биринчи ишлов берилади.1 тонна хом ашёдан 300-400 кг. тола, 100 кг. мой ва 200-250 кг. кунжара олинади. Пахта МДҲ мамлакатларида фақатгина суғориладиган ерларда, АҚШда эса суғорилмайдиган ерларда ҳам, Ҳиндистонда лалмикор ерларда ҳам етиштирилади. Охирги йилларда жаҳонда пахтачилик ривожланишини интенсивлаштириш эвазига ҳар йили етиштирилган пахта 6 млн. тоннадан 18 млн. гача етди.

Жаҳон пахтачилиги охирги 10 йилликда интенсивлаштириш эвазига ривожланди. Агар ўтган асрнинг 20-йилларида жаҳонда 1 гектар ер ҳисобига ўртача 2 ц. пахта толаси олинган бўлса, бу кўрсаткич 50 ˉ йилларда 4 ц. ни, Мисрда 8 ц. ни, Мексикада 9 ц. ни, АҚШда 5,5 ц. ни, Туркияда 7 ц. ни ташкил этди.

2000 йилга келиб, жаҳон миқёсида 34 млн. гектар ерга пахта экилди, 20 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилиб, учдан бир қисми экспорт қилинди. Техник экинларнинг, шу жумладан, ғўзанинг хусусияти шундаки, уларнинг товарлилик даражаси юқори, етиштириш жараёнида сарфланадиган меҳнат донли экинларга сарфланадиган меҳнатдан кўп. Техник экинлар кўпинча аҳоли зичлиги юқори бўлган мамлакатларда экилади.

Дунё бўйича пахта етиштириш салмоғи мамлакатлар бўйича қуйидагича: Хитой – 24 % , АҚШ – 20 % , Ҳиндистон – 13,4 % , Покистон – 9 % , Ўзбекистон – 6,3 % ва бошқалар – 23,4 % .

Дунё бўйича жами толалар истеъмолида пахта улуши қуйидагича бўлган:

1968 й. – 60 %;

1974 й. – 52 %;

1980 й. – 47 %;

1986 й. – 47,5 %;

2000 й. – 45,1 %.

Охирги 10-12 йил мобайнида пахта ишлаб чиқариш ҳажми жаҳон бўйича ўртача 18,5 млн. тонна толага тенг бўлган. Пахта маҳсулотини ўртача ўсиш суръати 2 % ёки 370 минг тоннани ташкил этган.

2000 йилга келиб дунё бўйича майдони 35,2 млн. гектарда пахта етиштирилган, ҳосилдорлик эса, – 26,7 ц./га тўғри келган.

Жаҳон бўйича қанд маҳсулоти қуйидаги миқдорда ишлаб чиқарилган:

1940 й. – 28 млн. 600 минг тонна;

1960 й. – 42533 минг тонна;

2000 й. – 86385 минг тонна.

Шундан 7941 минг тонна МДҲ мамлакатлари, 5700 минг тоннаси Куба, 4794 минг тоннаси Хитой, 22452 млн. тоннаси ривожланган мамлакатлар ва 40827 минг тоннаси ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Қанд лавлагининг 85 фоизи ривожланган мамлакатларда интенсив асосда, хусусан, алмашлаб экишни жорий этиш, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш эвазига етиштирилади. Айнан шулар эвазига жаҳон миқёсида ҳам экин майдони, ҳам ялпи ҳосил миқдори ўсиб бормоқда. Шакар қамишдан олинадиган қанд асосан ривожланаётган мамлакатларда ҳамда Куба ва Хитойда ишлаб чиқарилмоқда. Жаҳон миқёсида 2000 йилда 113 млн. тонна қанд маҳсулоти ишлаб чиқирилди. Францияда бу борадаги кўрсаткич 4,5 млн., АҚШда – 6,7 млн., Ҳиндистонда – 13,5 млн., Германияда – 4,6 млн., Хитойда – 7 млн., Австралия, Таиланд, Мексикада 10,7 млн. тоннани ташкил этади.

Ўша йили жаҳонда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган қанд маҳсулотлари 20 кг. га тўғри келди.

## Назорат саволлари:

1. *Жаһон бўйича неча минг тонна ялпи маһсулот етиштирилади?*
2. *Жаһон бўйича неча гектар ерга дон экилмоқда? Дон етиштиришда қандай иқтисодий кўрсаткичларга эришилмоқда?*
3. *Ўсимликчилик маһсулотларини етиштиришда механизац.ия ишларининг салмоғи қай даражада?*

## Адабиётлар:


1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Һамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Һакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. Жаһон қишлоқ хўжалиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*
7. *Ўзбекистон Республикасининг «Деһқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик һужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик һужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*
9. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик һужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун һужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва һуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маһкамасининг “Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш*

*тўғрисида"ги қарори //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*

12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*
13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.*
    *– Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*
19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*
22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*

26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. –М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. –М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*
36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. –№10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. –№7. – С. 41-48.*
39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. –№1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. –№4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*

44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

**Интернет сайтлари:**

1. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html*
2. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm*
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: ЮРКНИГА, 2004, http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*
5. *www.bearingpoint.uz*

# 10-мавзу. Жаħон бозорида ќишлоќ хўжалиги маħсулотлари савдоси

1. ***Ќишлоќ хўжалиги маħсулотлари савдосини тартибга солиш механизмлари.***
2. ***Ќишлоќ хўжалиги маħсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси.***

## Ќишлоќ хўжалиги маħсулотлари савдосини тартибга солиш механизмлари

Халќаро савдода иштирок этаётган товарларга бўлган талаб ва таклиф савдо чора-тадбирлари асосида ќисман тартибга солиб турилади. Миллий иќтисодиёт, бошќача ќилиб айтганда, айрим олинган давлат иќтисодиёти товарларнинг дунё нархига кучли таъсир эта олмайди. Ħар бир давлат иќтисодиёти олдига турли даврларда турлича вазифалар ќуйилади ва улар турли иќтисодий дастаклар, чора-тадбирлар ёрдамида ечилади. Масалан, агарда давлат ўзининг товар ишлаб чиќарувчилари учун баħони оширмоќчи бўлса, мамлакатдаги импортни камайтиради ёки экспортни кескин оширади. Ħар икки ħолат ħам мамлакат ичида товар ишлаб чиќарувчилар маħсулотига нархнинг ошишига олиб келади.

Импортни ќисќартириш асосан импорт тарифларини ўрнатиш билан амалга оширилади. Бошќача ќилиб айтганда, мамлакатда

сотилаётган импорт товарлари учун кўпроќ миќдорда солиќ ўрнатилади. Бу, ўз навбатида, унга бўлган талабни ќисќартиради.

Экспорт ћажмини ошириш учун эса экспорт ќилинаётган товарларга давлат томонидан субсидиялар берилади. Бу ћам экспорт ќилинаётган товарлар раќобатбардошлигини оширади ва экспортнинг ћажми ошишига ижобий таъсир ќилади.

Импортни камайтиришнинг яна бир йўли – бу импорт ќилинаётган товарлар турларига квоталар ўрнатишдир. Бу квоталар, импорт квоталари деб юритилиб, давлатга бирор турдаги маћсулотни импорт ќилиш ћажмини белгилайди. Албатта, бу чекланиш импорт тарифига нисбатан анча самарасиз. Чунки иќтисодий манфаат божхона хизматлари кучли ривожланмаган давлатларда импорт квотасини унчалик тан олмайди ва унинг тез-тез бузилишига олиб келади.

Импортни чеклаш (импорт тарифи ва импорт квотаси воситалари билан) «савдо протекционизми» тушунчасида ўз ифодасини топади. Бу чора-тадбирлар ўз имкониятларини тугатган ћолда давлат томонидан ишлаб чиќарувчиларнинг маћсулотларини ќатъий нархларда сотиб олишни амалга оширилади. Шу йўл билан таклиф талабдан ошиб кетишининг олди олинади.

Ишлаб чиќарувчиларни ћимоя ќилиш маќсадида баъзан ишлаб чиќариш квоталари ћам ќўлланилади. Европанинг айрим давлатларида импорт субсидияси ћам ќўлланилади. Масалан, Францияда Европа Ћамжамияти давлатларидан импорт ќилинаётган айрим ќишлоќ хўжалиги маћсулотларига импорт субсидияси ћам ўрнатилган.

## 2. Ќишлоќ хўжалиги маћсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси

Ќишлоќ хўжалик маћсулотлари савдоси билан шуѓулланувчиларни шартли равишда 2 гурућга: шаклланган бозор институтлари ва бошќа тайёрловчиларга бўлиш мумкин. Шаклланган бозор институтларига харидор ва сотувчилар иштироки учун махсус ихтисослашган жойлар ташкил этилган. Буларга, аввало, товар биржалари, улгуржи савдо ва аукционлар киради.

Дон ва чорва моллари, одатда, савдо биржаларида сотилади. Биржалар товарларнинг юќори даражада стандартлашган бўлишини талаб ќилади. Ћозирда товар биржаларида реал товар иш-

тирок этмайди. Савдо фьючерс шартномалари устида бўлади. Яъни, шартномалар олди-сотдиси амалга оширилади. Ћозирда ќишлоќ хўжалиги маћсулотлари савдосининг 10 % товар биржаларида амалга оширилади. Дунё савдосидаги нархлар учун асос ќилиб товар биржалари нархлари олинади. Ќолган бозорлардаги нархлар ћам товар биржасидаги нарх асосида ўрнатилади.

Ќишлоќ хўжалиги маћсулотларининг катта ќисми улгуржи бозор ва аукционларда сотилади. Улгуржи бозор ва аукционларда асосан чорва моллари, сабзавотлар, мевалар, гуллар ва тамаки сотилади.

Аукционларнинг 2 та асосий ва шароитдан келиб чиќќан ћолда ўтказилган 3 та иккиламчи тури мавжуд:

Асосий аукционга Англия ва Голландия аукционлари киради.

Англия аукционида товар сотиб олувчилар ўзаро раќобатга киришадилар ва товар нархи ошиб боради.

Голландия аукционида товарнинг дастлабки нархи баланд ќўйилади ва савдо жараёнида у пасайиб боради. Бу аукцион АЌШда ќисман, Канада ва Европа давлатларида яхши ривожланган. Бундан ташќари, иккиламчи аукцион, бир марта раќобатланувчи аукцион ва ёпиќ аукционлар мавжуд.

Дон ва бошќа ќишлоќ хўжалиги маћсулотлари, чорва моллари кўпгина давлатларда хусусий улгуржи савдо билан шуѓулланувчи воситачилар, савдо ва ќайта ишлаш билан шуѓулланувчи фирмалар томонидан харид ќилинади. Улар агентлар ва олибсотарларга бўлинади. Агентлар сотувчи ва олувчини учраштиради, ўзлари сотиб олмайди, ўртада воситачилик вазифасини бажаради. Уларга озиќ-овќат брокерлари комиссионерлари киради. Олиб-сотарлар товарларни сотиб олиб, ўзлари уларни мустаќил сотадилар. Олиб-сотарлар таваккалчилик асосида иш юритадилар.

Ќишлоќ хўжалиги маћсулотларини ќайта ишловчи фирмалар фермерлар билан тўѓридан-тўѓри шартномалар асосида ћам маћсулот сотиб оладилар.

Бир ќисм ќишлоќ хўжалик маћсулотлари фермер кооперативлари томонидан сотиб олинади.

АЌШда товар-кредит коорпарациялари мавжуд бўлиб, улар давлат дастури асосида фермерлардан товарлар сотиб оладилар.

Ривожланган давлатлар чакана савдосида чакана савдо занжирлари, супермаркетлар ва савдо марказлари асосий ўрин тутади.

Чакана савдо занжирлари – бир фирмага ќарашли энг камида 11 та дўкони бўлган савдо тармоѓидир. Ћозир АЌШда 60 % ќишлоќ хўжалиги маћсулотлари чакана савдоси шу тартибда амалга оширилади.

Супермаркетлар – савдо ћажми 400-2500 $м^2$ бўлган савдо дўконларидир.

Савдо дўконлари 2500 $м^2$ дан кам бўлмаслиги керак.

Европа Ћамжамиятида 60-80 % ќишлоќ хўжалиги маћсулотларининг чакана савдоси супермаркет ва савдо марказларида амалга оширилади.

Дунёнинг ривожланган давлатларида озиќ-овќат маћсулотларини уйдан ташќарида истеъмол ќилишнинг улуши ошиб бомроќда. Овќатга сарфланаётган харажатларнинг АЌШда 43 %, Европа давлатларида 25 фоизи уйдан ташќарида сарфланмоќда.

## Назорат саволлари:

1. *Жаћон бозорида ќишлоќ хўжалик маћсулотлари савдосининг ўрни ќандай?*
2. *Импортни чеклашнинг ќандай усуллари бор?*
3. *Экспорт ћажмининг ошишига ќандай омиллар таъсир кўрсатади?*

## Адабиётлар:


1. *Серова Е. В. Аграрная экономика. Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.*
2. *Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Колл. авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. проф. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.*
3. *Хакимов Р., Отаќулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иќтисодиёти. Ўќув ќўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.*
4. *Салимов Б.Т., Ћамдамов Ќ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ћакимов Р.Х., Ўроќов Н.И, Арипов И.М. Жаћон ќишлоќ хўжалиги. Ўќув ќўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.*
5. *Абдуѓаниев А., Абдуѓаниев А.А. Ќишлоќ хўжалиги иќтисодиёти Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.*
6. *Республика Узбекистан. Энциклопедический справочник. Н. Тухлиев, А. Кременцова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.*

7. *Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-24.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 25-45.*
9. *Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 73-97.*
10. *Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – Б. 60-73.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 230-232.*
12. *Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 285.*
13. *Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.*
*– Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96.*
14. *Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. – М.: Издательство МСХА, 1994. – С. 229.*
15. *Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. – М.: Экономика, 1997. – С. 349.*
16. *Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. – Воронеж, 1996. – С. 489.*
17. *Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: РУДН, 1997. – С. 368.*
18. *Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: МСХА, 1994. – С. 527.*

19. *Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – С. 357.*
20. *Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. – М.: Институт экономики РАН, 1994. – С. 179.*
21. *Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. – М.: Издательство МСХА, 1996. – С. 198.*
22. *Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ; ЭКМОС, 1999. – С. 448.*
23. *Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. – М.: МСХА, 1998. – С. 428.*
24. *Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – С. 186.*
25. *Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. – Алма-Ата: Койнар, 1988. – С. 358.*
26. *Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – С. 256.*
27. *Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 368.*
28. *Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – С. 368.*
29. *Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 320.*
30. *Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. – М., 1996. – С.247.*
31. *Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – С. 584.*
32. *Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. – М.: Информагротех, 1996. – С. 228.*
33. *Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. – М.: Наука, 1997. – С. 189.*
34. *Шутьков А.А., Боев В.Р., Сернов А.Ф. О социально-экономических результатах реформ в агропромышленном производстве. – М.: Наука, Информагробизнес, 1996. – С. 348.*
35. *Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – С. 72.*

36. *Попов Н.А. Некоторые итоги деятельности новых аграрно-промышленных формирований в 1997 г. //АПК: Экономика, управление. – 1998. – №10. – С. 24-31.*
37. *Попов Н.А. Аграрный сектор в условиях проведения аграрной реформы. //Деловые связи. – 1995. - №3. – С. 12-16.*
38. *Попов Н.А. Аграрная реформа и фермерство в России. //АПК: Достижение науки и техники. – 1995. – №7. – С. 41-48.*
39. *Попов Н.А. Фермерство в России //Экономика сельского хозяйства России. – 1996. – №1. – С. 18-25.*
40. *Попов Н.А. Кризис сельского хозяйства и следствие проводимых ныне реформ. //АПК: Достижение науки и техники. – 1996. – №4-5. – С. 12-21.*
41. *Попов Н.А. Сельскохозяйственный форум западноевропейских фермеров //АПК: Достижение науки и техники. – 1998. – №3-4. – С. 22-27.*
42. *Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). – Т., 1997 г.*
43. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2004. – 118 б.*
44. *Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. – Т., 2004. – №4 (апрель). – 108 с.*
45. *Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т.: Узбекистан, 1993.*

## Интернет сайтлари

1. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html*
2. *Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm*
3. *Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1*
4. *Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899*
5. *www.bearingpoint.uz.*

## Глоссарий (Изоҳли луғат)

**Глобал муаммолар –** жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишда дунё мамлакатларининг биргаликдаги ҳаракатини талаб этувчи масалалар мажмуи.

**Демографик хавф –** жаҳоннинг қашшоқ мамлакатларида аҳолининг шиддат билан, назорат қилиб бўлмас даражада ўсиши.

**Жахон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) –** миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида жами миграцион айланмаси.

**Квоталаш –** давлат томонидан экспорт ва импортнинг қиймат ва жисмоний ҳажмини тўғридан-тўғри чеклаш амалиёти.

**Лизинг –** машина, техника-технология ва кўчмас мулкни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун узоқ муддатга ижарага бериш.

**Протекционизм –** хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуллар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иқтисодий сиёсат.

**Ташқи савдо сиёсати**- экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби ва жўғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бюджет солиқ фаолияти соҳаларидан биридир.

**Трансмиллий корпорациялар (ТМК) –** чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштириш кўриниши.

**Умумий бозор –** ишлаб чиқариш омилларини миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўриниши.

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) –** маълум давр (одатда бир йил) давомида бир мамлакат ҳудудида яратилган жами қиймат.

**Табиий шарт-шароит –** қишлоқ хўжалигининг ривожланишига бевосита таъсир этувчи омиллар – ер ресурслари, ўсимликларнинг ўсиб-униши, иссиқлик, намлик, ёруғлик даражалари тушунилади.

**Агросаноат мажмуи (АСМ) –** қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида хўжалик юритишнинг ҳар хил шакллари орасида юз берадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

**Фермер хўжалиги –** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлашга ихтисослашган ўрта ҳажмдаги ишлаб чиқариш шаклидир.

**Корпорация –** мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарнинг акционерлик асосидаги кўнгилли бирлашмаси.

**Миллий компаниялар –** ноишлаб чиқариш тармоқлари, ижодий жамоалар, транспорт, алоқа ва телекоммуникация корхоналари ва ташкилотларини пайчилик ёки акционерлик асосидаги кўнгилли бирлашмасидир.

**Корсорциум –** аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг муваққат бирлашмаси.

**Эҳтиёж** – инсоннинг яшаши, камол топиши учун зарур бўладиган неъматлар йиғиндиси.

**Иқтисодий фаолият** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ҳамма турдаги ва шаклдаги ресурслар йиғиндиси.

**Тупроқнинг табиий унумдорлиги**- тупроқдаги механик ва кимёвий ўзгаришларнинг табиий усулда намоён бўлишидир.

**Рента** – ердан фойдаланилганлиги учун ер эгасига тўланадиган ҳақ.

**Маркетинг режаси** – бозорни эгаллаш, уни сегментлаш, бозор рақобатида муваффақиятли қатнашиш, товарларни энг қулай шаклларда сотишга эришиш, кўпроқ фойда кўришни амалга оширишдир.

**Миллий бойлик** – инсон ва унинг авлодлари меҳнати билан яратилган ва жамият ихтиёрида жамғарилган моддий, маданий, маънавий неъматлар ҳамда авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган табиат инъомлари, тўпланган билимлар йиғиндисидир.

**Фан-техника тараққиёти (ФТТ)** – ишлаб чиқариш жараёнига янги техника ва технологияларни жорий этиш асосида ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб сарфланган ҳолда кўпроқ сифатли маҳсулот етиштиришга эришиш демакдир.

**Агро инфратузилма** – агросаноат мажмуи фаолиятини таъминлаш учун турли туман хизматлар кўрсатувчи тармоқлар комплекси.

**Меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги** – қишлоқ хўжалик субъектининг бир бирликдаги меҳнат ресурсига тўғри келадиган энергетик ресурслар қуввати миқдори.

**Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш** – давлат мулкига асосланган давлат корхоналари ва ташкилотларини нодавлат мулкчилигига асосланган ширкатларга, фермер ва ижара корхоналарига ҳамда давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа субъектларга айлантиришдир.

**Ўсимликчилик ялпи маҳсулоти** – ўсимликларга ишлов бериш, парвариш қилиш натижасида етиштирилган маҳсулот миқдори.

**Фонд билан таъминланиш** – қишлоқ хўжалик субъектларининг бир бирликдаги ер майдонига тўғри келадиган фондлар қиймати.

**Экстенсив йўл (усул)** – меҳнат ва маблағ сарфлаб, мавжуд воситалардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқриш ҳажмини кўпайтиришдир.

**Реал иш ҳақи** (real wage rate) – олинган пул маблағлари ҳисобидан сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдорини ифодаловчи иш ҳақининг сотиб олиш имконияти.

**Ялпи инвестиция** (gross investment) – бу амортизация қиймати билан соф инвестициянинг (капиталнинг ўсган кисми) йиғиндиси.

**Монополия** – бу шундай бозорки, унда фақат битта маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирма фаолият олиб боради, маҳсулот ишлаб чиқаришни, сотишни тўлиқ назорат қилади.

## “Жаҳон қишлоқ хўжалиги” фанидан оралиқ назорат ўтказиш учун тест саволлари ва улардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар

## ТЕСТЛАР

*1. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг иқтисодий потенциали қайси кўрсаткичлар билан аниқланади?*

А. Ташқи савдо билан;
Б. Ялпи ички маҳсулот билан;
В. Меҳнат ресурслари билан;
Г. Чет эл сармоялари билан;
Д. Тўғри жавоб йўқ.

*2. Жаҳон қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий алоқалар йўналишлари?*

А. Қишлоқ хўжалиги;
Б. Илмий-техникавий;
В. Чет эл сармоялари;
Г. Табиий ресурслар;
Д. Тўғри жавоб йўқ.

*3. Жаҳон қишлоқ хўжалигида махсус иқтисодий зоналар турлари?*

А. Ташқи алоқалар зонаси;
Б. Инфляция зонаси;
В. Эркин савдо зонаси;
Г. Саноат зонаси;
Д. Тўғри жавоб йўқ.

*4. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг молия- валюта соҳасининг йўналишлари?*

А. Саноат йўналишлари;
Б. Бюджет сиёсати;
В. Банк-кредит сиёсати;
Г. Транспорт хизмати;
Д. Тўғри жавоб йўқ.

*5. Жаҳон қишлоқ хўжалигида давлат иқтисодий жараёни?*

А. Опекнинг заҳиралари;
Б. Кредит-пул сиёсати;
В. инфляция;
Г. Оффизор зоналар;
Д. Тўғри жавоб йўқ.

6. *Жаћон ќишлоќ хўжалиги инфратузилмаси?*

А. Илмий-техникавий потенциал;

Б. Ялпи маћсулот;

В. энергетика;

Г. Экология;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

7. *Жаћон ќишлоќ хўжалигида экологик муаммолар?*

А. Транспорт масаласи;

Б. Мустаћкам ривожланиш модели;

В. жаћон экологик муаммолари;

Г. алоќа ва телекоммуникация;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

8. *Ќишлоќ хўжалиги ялпи маћсулотини республика ялпи маћсулотидаги салмоѓини аниќлаш усуллари?*

А. Ќишлоќ хўжалиги жами харажатларини республика ишлаб чиќариш фондларининг ќийматига таќсимлаб;

Б. Ќишлоќ хўжалиги маћсулотининг ќийматини республика ялпи маћсулоти ќийматига бўлиб;

В. Ќишлоќ хўжалиги ялпи маћсулотини миллий даромад суммасига таќсимлаб;

Г. Ќишлоќ хўжалиги ялпи маћсулотини жами саноат маћсулотларига бўлиб;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

9. *Жаћон ќишлоќ хўжалигида маћсулот тан нархи калкуляцияси ќандай ћисобланади?*

А. Ишлаб чиќаришга кетган пул харажатлари ва сотилган маћсулот миќдоридан;

Б. Ќишлоќ хўжалигида жами харажатлар йиѓиндиси.

В. Ќишлоќ хўжалигида ялпи тушган пул маблаѓлари йиѓиндисининг маћсулот миќдорига бўлинмаси;

Г. Ќишлоќ хўжалигида ялпи маћсулот йиѓиндисини пул тушумига бўлинмаси;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

10. *Жаћон ќишлоќ хўжалигида маћсулот сифатини аниќлаш усули?*

А. Маћсулотнинг умумий таркибининг нафликка яроќлилиги;

Б. Ќишлоќ хўжалиги маћсулотини амортизациядан ўтказиш;

В. Ќишлоќ хўжалиги маћсулотини экологик сифати;

Г. Ќишлоќ хўжалиги маћсулоти таркиби;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*11. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаси нималардан иборат?*

А.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

Б. Халқ хўжалигининг хом-ашё ҳамда маҳсулотлар билан таъминлаш;

В. Аҳолини иш билан таъминлаш;

Г. Аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*12. Жаҳон қишлоқ хўжалигида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги қандай аниқланади?*

А. Жами аҳоли сонини етиштирилган маҳсулотлар миқдорига бўлган ҳолда;

Б. Ялпи маҳсулот қийматини аҳоли бош сонига нисбати билан;

В. Ялпи маҳсулотни меҳнат ресурсларига бўлиб;

Г. Етиштирилган маҳсулот миқдорини аҳоли боши сонига бўлиб;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*13. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг хусусиятлари нималардан иборат?*

А. Турли хилдаги техникаларни, чорва ҳайвонларини, шахсларнинг қатнашиши;

Б. Ер, сув ресурсларининг асосий воситалиги, табиатнинг таъсири, ишлаб чиқаришни кенг ҳудудда амалга оширилиши, миш даври билан ишлаб чиқариш даврининг мутаносиблиги меҳнат тақсимотини ўзгалиги;

В. мавсумийлиги;

Г. Турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг мавжудлиги, маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, уларнинг тақсимланиши;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*14. Жаҳон қишлоқ хўжалигида ижара хўжаликларининг иқтисодий негизини нима ташкил этади?*

А. Давлат мулки, унга бўлган эътибор;

Б. Кооператив мулк, унга бўлган эгалик;

В. Ижара мулки, унга бўлган эгалик;

Г. Ер майдони;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*15. Жаҳон қишлоқ хўжалигида асосий воситаларга ижара ҳақи қандай аниқланади?*

А. Ижарага берувчи билан ижарага олувчи келишган ҳолда белгилашади;

Б. Жорий ремонт харажатлари қиймати миқдорида;

В. Асосий воситаларнинг амортизация суммаси миқдорида;

Г. Талаб ва таклифга кўра;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*16. Жаҳон қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилма таркиби?*

А. Спорт, маориф, маданият;

Б. Уй-жой, соғлиқни сақалаш, спорт;

В. Уй-жой, қурилиш, транспорт;

Г. Савдо ва транспорт;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*17. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби?*

А. Шаҳар, қишлоқ, сув билан банд бўлган ерлар;

Б. Ҳайдалган бутазорлар, яйловлар, пичанзорлар;

В. Давлат ихтиёридаги ерлар, ўрмонзорлар;

Г. Шўрланган ерлар;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*18. Жаҳон қишлоқ хўжалигида ер кадастрининг таркиби?*

А. Ердан фойдаланувчиларга ер миқдори, унинг сифати, ерларнинг бонитровкаси, иқтисодий баҳолаш.

Б. Шаҳар ерлари, асосий фондлар.

В. Жами ер майдони, ҳудуд.

Г. Ерларнинг ҳудудлар бўйича жойлашуви

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*19. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ҳақидаги тушунча?*

А. Ишлаб чиқаришда қатнашган меҳнат ресурслари;

Б. Мавжуд бўлган асосий ва айланма воситалар, ер ресурсларининг ҳаммаси;

В. Темир йўллар, ҳаво транспорти, сув ресурслари;

Г. Тракторлар сони;

Д.Тўғри жавоб йўқ.

*20. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг энергетик ресурсларини нималар ташкил этади?*

А. Электростанцияларда ишлаб чиқарилаётган электр энергиялар;

Б. Трактор ва машина, энергетик, механик двигателлар ҳамда ишчи ҳайвонлар кучи;

В. Қуёш энергияси ва атом энергияси;

Г. Ўғитлар;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

*21. Жаҳон қишлоқ хўжалигида асосий фондлар ҳақида тушунча?*

А. Ишлаб чиқаришда бир марта қатнашадиган воситалар;

Б. Ишлаб чиқаришда бир неча марта қатнашиб қийматини ўтказадиган фондлар;

В. Меҳнат ресурслари, табиат воситалари;

Г. Ишлаб чиќаришда ќатнашадиган воситалар;

Д.Тўѓри жавоб йўќ.

*22. Жаћон ќишлоќ хўжалигида айланма фондлар, маблаѓлар ћаќида тушунча?*

А. Хўжалик ихтиёридаги жами маблаѓлар йиѓиндиси;

Б. Ишлаб чиќариш воситаларининг умумий ќиймати;

В. Ишлаб чиќаришда бир марта ќатнашиб, ўз ќийматини тўлиќ ўтказадиган воситалар;

Г. Ишлаб чиќаришда ќатнашиб, ќийматини ќисмларда ўтказадиган воситалар;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*23. Жаћон ќишлоќ хўжалигида капитал ќўйилмаси тушунчаси?*

А. Йил давомида ишлаб чиќаришга сарфланган маблаѓ;

Б. Мавжуд бўлган жами ишлаб чиќариш фондларининг ќиймати;

В. Асосий воситаларни сотиб олиш, ќуриш, ќайта ишлаш учун сарфланадиган маблаѓлар;

Г. Бир йил давомида олинган кредитлар;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*24. Жаћон ќишлоќ хўжалигида ялпи капитал ќўйилма?*

А. Асосий фондларни яратиш билан боѓлиќ бўлган жами сарфланган маблаѓлар;

Б. Ишга туширилган асосий воситаларнинг ќиймати;

В. Фондларнинг умумий ќиймати;

Г. Ишга туширилган ва ишлаб турган асосий воситалар ќиймати;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*25. Соф капитал ќўйилма?*

А. Асосий фондларнинг умумий ќиймати;

Б. Сарфланган капитал ќўйилма эвазига ишга туширилган асосий воситалар ќиймати;

В. Жами капитал ќўйилма суммаси;

Г. Жами капитал ќўйилмадан айланма капиталнинг айирмаси;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*26. Жаћон ќишлоќ хўжалигида мећнат ресурслари ћаќидги тушунча?*

А. Мећнат ќилиш ќобилиятига эга бўлган 16 дан 55 ёшгача аёллар, 60 ёшгача бўлган эркаклар, ишлаётган ўсмирлар, кексалар ташкил этади;

Б. Хўжаликда мавжуд бўлган жами аћоли сони;

В. Ишлаб чиќариш воситаларининг миќдори;

Г. 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган аёллар, 65 ёшгача бўлган эркаклар, ишлаётган ўсмирлар, кексалар;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*27. Жаћон ќишлоќ хўжалигида ишсизлар ћаќида тушунча?*

А. Ўз хоћишига кўра ишламасдан юрган фуќаролар;

Б. Иш билан тўлиќ таъминланган фуќаролар;

В. Хўжалик томонидан иш билан таъминланмаган сифатида рўйхатга олинган мећнат ресурсларининг бир ќисми;

Г. Касби бўйича иш тополмаган ишсизлар;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*28. Мећнат ресурсларини такрор ишлаб чиќариш тадбирлари?*

А. Аћолининг табиий ўсишини ташкилий равишда йўлга ќўйиш;

Б. Мећнат ресурсларининг билими, малакасини ошириш маќсадида амалга ошириладиган тадбирлар;

В. Мећнат ресурсларининг умумий сонини кўпайтириш тадбирлари;

Г. Иш ћаќини ошириш;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*29. Мећнат унумдорлиги ћаќида тушунча?*

А. Маълум бирликдаги маћсулотни ишлаб чиќариш учун сарфланган жами харажатлар суммаси;

Б. Битта техникани йил давомида ишининг миќдори;

В. Маълум бир ваќт бирлигида ишлаб чиќариладиган маћсулот миќдори;

Г. Бир кишига тўѓри келадиган маћсулот миќдори;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*30. Жаћон ќишлоќ хўжалигини ривожлантириш омиллари?*

А. Экстенсив, интенсив;

Б. Инвестиция сиёсати;

В. Моддий техника таъминоти;

Г. Интенсив;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*31. Жаћон ќишлоќ хўжалигида экстенсив ривожлантириш тушунчаси?*

А. Ќишлоќ хўжалигини мелиорациялаштиришни ривожлантириш;

Б. Экин майдонларини, чорва ћайвонларини кўпайтириш, ялпи маћсулотни ошириш;

В. Мећнат ресурсларини кўпайтириш ћисобига маћсулот ћажмини кўпайтириш;

Г. Ер майдонини кўпайтириш ћисобидан ялпи маћсулотни кўпайтириш;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*32. Жаћон ќишлоќ хўжалигида интенсив ривожлантириш тушунчаси?*

А. Ишлаб чиќариш воситаларидан самарали фойдаланиш;

Б. Ер майдонларини кенгайтириш ћисобидан маћсулот етиштириш;

В. Мавжуд ер, бош сони кўпаймаган ћолда ќўшимча меҳнат, маблаѓ сарфлаш эвазига маћсулот ћажмини кўпайтириш;

Г. Меҳнат унумдорлигини ошириш;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*33. Интенсивлаштириш даражасини аниќлаш усули?*

А. Асосий, айланма фондлар ќийматини ќишлоќ хўжалик ер майдонига бўлиб;

Б. Ялпи маћсулот суммасини аћоли сонига таќсимлаб;

В. Ишлаб чиќариш харажатларини фондлар суммасига бўлиб;

Г. Ялпи тушумни жами харажатга бўлиб;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*34. Бозор иќтисодиёти шароитида интенсивлаштириш йўналишлари?*

А. Янги ерларни ўзлаштириш;

Б. Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари;

В. Фан-техника, технологияни ривожлантириб, химиялаштириш, мелиорациялаш, механизациялаштириш;

Г. Техникадан унумли фойдаланиш;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*35. Жаћон ќишлоќ хўжалигида тан нарх тушунчаси?*

А. Маћсулот бирлигига сарфланган меҳнат харажати;

Б. 1 бирликдаги маћсулотни етиштириш учун сарфланган харажатлар;

В. 1 гектар ердан олинган ялпи маћсулот;

Г. Ялпи маћсулотни ишлаб чиќаришга ќилинган харажатлар;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*36. Бевосита харажатлар ћаќида тушунча?*

А. Раћбар ва мутахассисларга тўланган маошлар;

Б. Маћсулотларни сотиш билан боѓлиќ харажатлар;

В. Маћсулотларни етиштириш билан боѓлиќ харажатлар;

Г. Асосий воситалар сарфлари;

Д. Тўѓри жавоб йўќ.

*37. Жаћон ќишлоќ хўжалигида маћсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўллари?*

А. Экин майдонларини, чорва ћайвонларининг бош сонини ошириш;

Б. Интенсивлаштириш натижасида ћосилдорликни ошириш;

В. Машина, трактор ва бошќа техникаларни кўплаб сотиб олиш;

Г. Экстенсив ривожлантириш;
Д. Тўғри жавоб йўқ.

*38. Жаҳон қишлоқ хўжалигида баҳо тушунчаси?*

А. Жами ишлаб чиқариш харажатлари;
Б. Маҳсулот қийматини пул билан ифодаланиши;
В. Маҳсулот етиштиришдан олинган даромад;
Г. Жами харажат плюс солиқ ставкаси;
Д. Тўғри жавоб йўқ.

*39.Жаҳон қишлоқ хўжалигида талаб тушунчаси?*

А. Истеъмол қилинган маҳсулот миқдори;
Б. Халқ хўжалигини маҳсулотга, хом-ашёга бўлган эҳтиёжи;
В. Аҳолининг сотиб олган маҳсулоти;
Г. Сотиладиган товар миқдори;
Д. Тўғри жавоб йўқ.

# МУНДАРИЖА


КИРИШ ........................................................................ 3

1-мавзу. Махсус курснинг предмети, услуби ва вазифалари ... 4

2-мавзу. Агросаноат мажмасининг моћияти ва таркиби ......... 15

3-мавзу. Жаћон ќишлоќ хўжалигининг ривожланиш йўналишлари ........................................................................ 29

4-мавзу. Ривожланган мамлакатларда ќишлоќ хўжалигининг ўрни ва ривожланиш хусусиятлари ........................................ 34

5-мавзу. Ривожланаётган мамлакатлар ќишлоќ хўжалигининг ўрни ва ривожланиш хусусиятлари ........................................ 51

6-мавзу. Мустаќил давлатлар ћамдўстлиги (МДЋ) ва ќишлоќ хўжалиги ........................................................................ 84

7-мавзу. Жаћон ќишлоќ хўжалигининг табиий шароитлари ва мећнат ресурслари ........................................................ 94

8-мавзу. Жаћон ќишлоќ хўжалигининг моддий-техника базаси ........................................................................109

9-мавзу. Жаћон ќишлоќ хўжалигида чорвачилик ва дећќончилик ишлаб чиќаришининг жойлашуви ва ихтисослашуви ........................................................................121

10-мавзу. Жаћон бозорида ќишлоќ хўжалиги маћсулотлари савдоси ........................................................................138

Глоссарий ........................................................................145

Тестлар ........................................................................147

Тех.муҳаррир: **Юсупова С.С.**

Корректор: **Юсупова У.**

Компьютерда
саҳифаловчи: **Зарифов М.М.**

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (№ 2 баённома, 12.01.2006 й.).

Босишга рухсат этилди 12.01.2006.
Бичими 60х84 1/16; Шартли 9,75 б.т. 200 нусхада босилди.
Буюртма № 81.

**«S.F.» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.**

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006